

ОЗОД РАЖАБОВ

**БЕЛИДА
БЕЛБОҒИ БОР**

*Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005*

75.715 Спорт кураши.

Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси президенти,
республикада хизмат кўрсатган спорт устози
Пўлат УСМОНОВнинг таҳрири остида

Тақризчилар:


Шомурод ШОФАЙЗИЕВ,
Осиё Таэквондо федерацияси вице-президенти

Лазиз ҲАСАНОВ,

Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси вице-президенти

Уибу китобдан ёш ижодкорнинг мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг маҳияти ва самараси, ўзбек курашининг жаҳондаги ривоҷи билан бοғлиқ мулоҳазалар акс этиган мақолалари, киноясар учун мўлжаллаб ёзилган дастлабки қиссаси, шарқона иккакураши турларидан бирни ҳисобланган таэквондонинг эзгу фалсафаси, баркамол шахс тарбиясидаги роли, инсоннинг Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат туйгуларини шакллантириши, оммавий спорт ҳамда соглом турмуш тарзини тарғиб этишда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилювчи ҳужжатли эссеси ўрин олган. Шунингдек, мазкур спорт турининг мамлакатимизда ривоҷланшиши, ташкил этилган клублар фаолияти, ҳалқаро мусобақаларда қўлга киритилган медаллар, этишиб чиққан чемпионлар, таэквондога қизиқувчилар учун айрим ўқув-тавсиялар хусусидаги маълумотлар ҳам китобхонларга манзур бўлади деган ниятдамиз.

3204/
W 39,



ISBN 5-633-01835-4

© Озод Ражабов. «Белида белбоги бор». «Янги аср авлоди», 2005 йил

СПОРТЧИ МАЬНАВИЯТИ ВА ТАЭКВОНДО ФАЛСАФАСИ

(Хужжасатли эссе)

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Қайси давлатнинг ривожланиши тарихига назар солманг, қайси ҳалқнинг жаҳонда ўзининг муносаб ўрнини топиш йўлидаги уринишларини таҳлил қўйманг, қайси миллатнинг дунёда бошқаларни камситмаган ҳолда орияти, гурурини намойиш қилиш билан боғлиқ жараёнлар хусусида мулоҳаза юритманг — уларнинг замирида ҳар мамлакатда турлича номланиши, турфа кўришиларга эга бўлишига қарамай — ўша давлат ва ҳалқнинг миллий манфаатлари акс этиб туради.

Буни ҳаётнинг исталган жабҳасида, жумладан, спорт соҳасида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, ҳар бир ҳалқнинг ўз миллий спортини жаҳонда тобора кенгроқ ёйиш, унинг Олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олиши билан боғлиқ тинимсиз изланиши ва интилишларини холис мушоҳада чиририғидан ўтказиб кўринг.

Нега Япония сумо ва каратэни ривожлантиришга катта маблағ сарфламоқда, не сабабдан Хитой ўзи мезбоңлик қиласидиган Олимпиадага у-шу спортини киритиш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқда, нима учун кореяликлар таэквондонинг бошқа спорт турларидан устунлигини такрорлашдан чарчамайди?

Ният ҳам, муддао ҳам битта: қайси ҳалқнинг миллий спорти ўзга мамлакатга кириб борар экан, бир вақтнинг ўзида ўша жойга унинг тарихи, маданияти ва ҳатто тили табиий равищда кириб боради. Бугун дунёning кўплаб давлатларида «ҳалол», «ёнбош», «чала» каби соғ ўзбекона атама ва сўзларнинг айнан шундай жаранглаётгани фикримизнинг яққол исботидир.

Шунинг учун ҳам биз, зотан таэквондо билан шуғулланаётган, ушбу спорт тури бўйича юқори натижаларга эришиш учун ҳаракат қилаётган бўлсак-да, қайси мамлакатда сафарда бўлмайди.

лик, ўзбек курашини тарғиб қиласми. Чунки кураш халқимизнинг неча-неча асрлар давомида шаклланган, сайқал толиб яна-да бойиган миллий қадриятидир.

Шунинг учун ҳам таэквондо бўйича мураббийлик қилиш ваколатини олишга имтиҳон топшираётган ҳар бир даъвогардан ўзбек курашининг анъаналарини, қонун-қоидаларини етарли даражада билиш талаб этилади.

Чунки у хориж сафарида ўзбек кураши билан боғлиқ саволларга ҳеч иккиланмай жавоб бериши, шогирдларига ҳам шуни ўргата олиши керак.

Ваҳоланки, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, гўзал ва мафтункор, асрий қадрият даражасига кўтарилиган миллий спортивизм бор. Шундай экан, уни зарур жойда «тарғиб-ташвиқот» қилишдан фуурулана олишимиз лозим.

Кези келганда, яна бир нарсанни таъкидлаш жоиз. Эътибор берган бўлсангиз, Ватанимиз мустақил бўлгандан кейин халқимиз фарзандлари биринчи навбатда яккакураш турлари бўйича юртимиз байробини баланд кўтардилар. Бокс ва дзюдо, зеркин ва юонон-рум курашлари, каратэ ва таэквондо бўйича қисқа муддатда катта муваффақиятларга эришилганинг боисини ҳам ота-боболаримиз минг йиллар давомида полвонлик белбогини ечмаганидан излаш тўғри бўлади. Шу сабабли ўғил фарзанд дунёга келганда яна бир Алпомиш туғилди дея суюнишган.

Табиий савол туғилиши мумкин: кураш тушиб катта бўлган эканмиз, миллий спортивизни тарғиб қилиш ва пировардида унинг Олимпия ўйинлари оиласидан ўрин олишига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшиш эзгу ниятларимиздан бири экан, нима учун бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда таэквондони ривожлантириш, ёшларни унга қизиқтириш билан шуғулланиб келаяпмиз?

Юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, кураш халқимизнинг миллий қадрияти. Уни тараққий эттириш, асраб-авайлаш юртимизда истиқомат қиласидан ҳар бир фуқаронинг фарзандлик бурчи ҳисобланади. Лекин мамлакатда фақат миллий спорт турини ривожлантириш керак, деган бир томонлама қураш мутлақо нотўғри бўлади.

Чунки мамлакатда спорт тури қанчалик кўп бўлса, шуғулланувчилар сони шунчалик ортади. Қайси тури бўлипидан қатъи назар, спортнинг оммавийлик касб этиши соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим шарти саналади.

Бундан ташқари, мамлакатда қанчалик кўп спорт тури ривожланса, чемпионлар сони ҳам шунчалик ошиб боради. Ана шу чемпионлар шарафига ўзга элларда юртимизнинг байроби кўтарилади, мадҳияси янграйди. Нафақат ўзининг миллий анъанаси, балки бошқа халқлар томонидан яратилган спорт турида Ватанимиз фарзандларининг ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши эса янада катта обрў келтиради. Зоро, ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди.

Гонконгликларда бир одат бор экан. Бу халқ вакиллари қайси соҳада бўлмасин, биз ҳаммадан кучлимиз, деган туйғу билан ҳаракат қилишаркан. Жумладан, спортчилар ҳам кўнглига ана шундай ишончни туғиб майдонга чиқишиади. Бундай қатъий ишонч кўпинча турли мусобақаларда кутилмаган ғалабаларга эришишига турткі бўлади. Натижада ҳудудий жиҳатдан кичик бир давлатни бутун дунё танийди, эътироф этади.

Ўзининг мардлиги ва жасорати билан халқимизни мустақиликнинг ойдин йўлига етаклаб чиқсан Президент Ислом Каримов ҳар бир чиқишида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам», деган ғояни илгари суради. Спортчиларимиз эса ана шу даъватлардан руҳланиб халқаро беллашувларда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлашга ҳаракат қилиб кеплатти.

Жаҳон, Европа ва Осиё чемпионатларида қўлга киритилган медаллар, вакилларимизнинг нуфузли халқаро турнирлардаги ғалабалари фикримизнинг яқъол далилидир. Бир сўз билан айтганда, Ватанимиз фарзандлари нималарга қодирлигини намойиш қилишмоқда. Бу эса халқимизнинг юксак салоҳиятидан, улуғвор мақсадларни кўзлаб яшаётганидан далолат беради.

Ўз халқи номидан мусобақа майдонига чиқсан киши, қайси спорт тури бўлишидан қатъи назар, соврин ёки медал учун эмас, миллат орияти учун беллашади. Ўзбекистон таэквондочилари ҳам бу борада фаол иштирок эта олаёттани кўксимизни тоғдек кўтаради.

Маънавий етуклик музafferликка етаклайди

Бир гуруҳ таникли олимлар томонидан нашрга тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар» лугатида маънавият сўзига шундай таъриф берилади.

Маънавият (арабча — маънолар мажмуи) — кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ислом Каримовнинг «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, зътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини ўйғотадиган құдратли ботиний күчни тасаввур қыламан», — деган фикрлари диққатта сазовордир.

Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига күч қўшишга, ақл-идрок ва заковатини кенгайтириб, мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир.

Модомики, спортчи ҳам шу давлат ва миллатнинг вакили, мустақил шахс экан, маънавий етуклик уларнинг ҳар бири учун бебаҳо хазина, музafferlikка етакловчи құдратли күч, дейишта хақлимиз. Гап фақат бу манбадан қандай фойдалана билишда. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар бир спортчининг ўз маънавиятини чуқур англаши, онгининг таркибий қисмига айлантириши унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ўз кучига қатъий ишонч эса ғалаба сари ташланган дастлабки қадам, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси қошида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган спорт ташкилотлари орасида биринчи бўлиб «Маънавият ва маърифат» бўлимининг ташкил этилиши ҳам олдимизга қўйилган мақсадга етишишга эзгулик нуқтаи назаридан ёндашувнинг мевасидир.

«Маънавият ва маърифат» бўлимини ташкил этиш таклифи Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қизғин қўллаб-қувватлангач, ишни пайсалга солмасдан, ушбу бўлим учун маҳсус хона ажратилди ва у талаб даражасида жиҳозланди. Чунки ҳар қандай фаолият самарадорлиги меҳнат шароитининг қанчалик мос келишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ассоциацияга аъзо бўлган клубларда ишлаётган мураббийларнинг давлат рамзларини (байроқ, мадҳия, герб) қай даражада билишлари бўйича имтиҳон қилингани «Маънавият ва маърифат» бўлими ташкил қилган биринчи тадбир десак тўғри бўлади. Ёш спортчи жисмонан бақувват бўлиш билан бирга, маънан ҳам етук бўлиши керак. Спортчиларни ана шу руҳда тарбиялаш эса

мураббийнинг бевосита вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир имтиҳон жараёнида мураббийларга ушбу фикр сингдириб борилди.

Албатта, «Маънавият ва маърифат» бўлимининг фаолияти мураббийларни имтиҳон қилиш билан чекланмайди. Элимизниң таникли инсонлари, машҳур шоир ва ёзувчилар, тарихчилар, санъаткорлар билан учрашувлар уюстириш, спортчиларимизни ҳалқимизниң ўтмиши ҳамда бугунги кундаги ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш ҳам ушбу бўлим жонкуярлари зиммасида.

Айрим кишилар «Спортчи ва мураббийнинг вазифаси мусобақада ғалаба қозониш, улардан Ватанимиз байроби ёхуд гербида нима тасвирланганини, давлат мадҳиясини ёд билишни, миллий қадриятларимиз, жумладан, ўзбек кураши ҳақида етарли маълумотга эга бўлишни талаб қилиш тўғрими», деб савол бериши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, биз қайси соҳада фаолият кўрсатмайлик, шу юрганинг фарзандимизми, Ватан тарихини, давлат рамзларини билиш ҳам қарз, ҳам фарз. Айниқса, тез-тез хориж сафарига чиқадиган спортчилар учун бу масала янада муҳимроқ.

Спорчилар миллат шаънини ҳимоя қилиш учун майдонга чиқади, деб кўп такрорлаймиз. Бу спортчи қандай ғалаба қозониши мумкин, қачонки у ўзи ҳимоя қилаётган ҳалқининг буюк ўтмисидан бехабар бўлса?! У қаердан ва нимадан маънавий куч-қувват олади, агар ғалабаси шарафига янграйдиган мадҳиянинг матни сўзма-сўз қалбига сингмаган бўлса?! У қандай спортчики, боши узра ҳилпираётган байроқ тасвирида она юртида умид кўзини тикиб турган яқинларини кўра билмаса!!

**«Ундей бўлма, бундай қилма»,
дема, амалда кўрсат!**

Гиёҳвандлик ўтган асрдаёқ «Аср вабоси» номини олиб улгурган, бугун эса жаҳон жамоатчилигини ташвишга solaётган глобал муаммолардан бири ўз наебатида ОИТС дея номланган яна бир ажал уруғининг кўпайиши билан боғлиқ. Сир эмас, ҳар йили минглаб кишилар ана шу бедаво касаллик туфайли ҳаётдан кўз юммоқдалар.

Кейинги йилларда ушбу хасталиқ, айниқса, ёшлар орасида кўпроқ тарқалаётгани таҳликали вазиятни юзага келтиряпти.

Тиббиёт соҳаси олимлари неча ўн йиллардан бери тинимсиз изла-ниш олиб бораётган бўлсалар-да, ҳали бу касалликни даволовчи воситалар яратилгани йўқ.

Гиёҳвандлик ОИТС касаллигининг тарқалишига сабаб бўлишидан ташқари, инсоният наслига салбий таъсир кўрсатади. Гиёҳванд ота-онадан туғилган мажруҳ гўдакларни кўрган киши ўзини тутиб туролмайди. Беихтиёр кўзларига ёш келади. Мудҳиш оқибатларини била туриб, унинг савдоси орқали пул ишлатгандар ҳам одам боласимикин ўзи, деган ўй-фикр хаёлингиздан кечади.

Афсуски, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётганлар сиз билан бизга ўхшаган одамлар. Фақат улар беҳисоб бойлик тўплаш учун ҳар нарсадан — Ватанидан, ота-онасидан, жондан азиз фарзандларидан ҳам юз ўгиришга тайёр бўлган кимсалардир. Уларни инсон дейишга тили бормайди кишининг.

Хўп, бу балолардан ёшларни қандай қилиб асраш мумкин?

Доно халқимизда бир ҳикмат бор: касални даволагандан кўра, унинг олдини олган яхшироқ самара беради. Топиб айтилган гал. Шундай экан, халқнинг келажагини, ҳаётнинг давом этишини ўйлаган ҳар бир инсон гиёҳвандликнинг олдини олишга ўз ҳиссанини қўшиши керак.

Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси ҳам бу борада ўзининг маҳсус дастурини ишлаб чиқкан. Унга кўра, қатор йиллардан бери мамлакатимизда таэквондо бўйича ўюштирилаётган мусобақалар «Ўзбекистон таэквондо чилари — гиёҳвандликка қарши» шиори остида ўтказилмоқда.

Албатта, бўлажак тадбирга баландпарвоз шиор бериш билан иш битмайди. Бундай катта мақсадли тадбирни маромига етказиб ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўриш керак. Шу боис, мусобақада иштирок этадиган спортчилар ичидан энг иқтидорлиларини танлаб олиб, улар ижросида кўргазмали чиқишлилар, ҳатто мавзуга оид ихчам саҳна кўринишлари яратиш лозим.

Мавзуга янайм чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, ишни бирданига гиёҳвандликдан эмас, ундан енгилроқ муаммолардан бошлаш яхши самара бериши табиий. Масалан, чекиш — ўсмирлар кашандаликка ружу қўяётганини олинг. Сиз шундай кўргазмали чиқиш намойиш қилингки, уни кўрган болада сигаретага

нисбатан нафрат уйғонсин. Бу борада Түйтепа шаҳрида фаолият кўрсатаётган таэквондочилар анча тажриба тўплаганлар.

Тасаввур қилинг, 10 ёки 15 ёш атрофидаги ўғлингиз таэквондо мусобақасидан уйга қайтгач, сизнинг олдингизга келиб, дада мен сигарета чекмайман деса. Бугун стадионда чекишнинг қандай ёмон оқибатларга олиб келишини кўрсатишди, деса. Бундан ҳам кучлироқ таъсир қиласиган тарбия воситаси борми?!

Кези келганда, яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. Болага ундан қилма, бундай бўлма, деб минг марта гапиргандан кўра, бир марта амалда кўрсатиш унинг дунёқарашига тез сингади.

«Ўзбекистон таэквондочилари — гиёҳвандликка қарши» шиори остида ўтказилаётган чемпионат ва турнирларга қайтадиган бўлсак, мусобақа олдидан ёш спортчилар билан мутахассислар иштирокида турли учрашув ва суҳбатлар ўтказиш, унда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш уюштираётган тадбирнинг самарасини янада кучайтиради.

Гиёҳвандлик каби балонинг домига тушиб қолган ҳар қандай кишини ана шу ўпқондан чиқариб олиш жуда мушкул кечади. Бунинг, учун катта-катта маблағ талаб этилади. Демак, ёшларнинг энг севимли машғулоти бўлмиш спорт орқали бу оғатнинг олдини олиш минг чандон афзал. Ассоциациянинг бу борада олиб бораётган ишларига ана шу эзгу мақсадга етиш йўлидаги кичик бир қадам сифатида қараш ўринли бўлади.

Назм, мусиқа, сувда сузиш, камондан отиш ва қўл жангি

Гапни жайдари фалсафадан бошлайдиган бўлсак, Оллоҳ тао-ло томонидан яратилган бу дунё жуфтлик асосига қурилган. Ер юзида макон топган жонли мавжудот ичида сарвари саналган инсонлар ҳам жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Бу нарсани шартли рефлекс тамойили бўйича ҳаёт кечирадиган ҳайвонот оламида ҳам кузатиш мумкин.

Иккилик тамойили, шунингдек, жамиятдаги ҳар қандай жараёнда ҳам ўз аксини топган. Танганинг икки томонли бўлиши, ҳар ишнинг ижобий ва салбий натижалари фикримизга мисол бўла олади. Бошқа халқларда қўлланиладиган таёқнинг икки уни бўлади қабилидаги тушунчалар ҳам айни шу ҳақиқатнинг яна бир тасдигидир.

Айтмоқчимизки, ҳар қандай тараққиётнинг, маълум бир жа-раён шаклланишининг ҳам яхши ва ёмон томонлари бўлади. Ҳларнинг келиб чиқишига, шаклланишига катта туртки берган омиллар ҳам талайгина.

Миллати, дини ва ирқидан қатъи назар, ҳар қандай инсоннинг қалбида икки муҳим туйғу жой олишини ҳам жуфтлик та-мойилига йўйиш ўринли. У ҳам бўлса, одамзод кўнглидаги ҳар доим эркинликка, озодликка интилиш ҳамда тобелик тушунча-ларидир.

Фикримизча, ҳар қандай кишилар юрагининг туб-тубида мустақил ҳаёт кечириш учун курашиш, ўз қадрини ҳимоя қилиш туйғуси бўлмаганида ва бу юксак тушунчалар бутун бир халқ бўлиб яшашга ундумаганида эди, ҳозирда мавжуд бўлган кўпги-на шарқона яккакураш турлари балки шаклланмаган бўларди.

Таэквондонинг спорт тури сифатида, ўзига хос санъат сифа-тида шаклланишига ҳам ана шундай нуқтаи назардан ёндашиш тўғри бўлади. Унинг яратувчилари, ихтирочилари бугун Корея ярим оролида яшаётган халқларнинг тарихий аждодлари экан-лиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда истиқомат қилган халқлар турли босқинлардан киндик қони томган ерини, ўзининг инсоний шаънини ҳимоя қилиш, насл соғломлигини асраш учун жанговар санъатларни яратишга мажбур бўлганлар.

Баъзи манбаларга қараганда, Корея жанговар санъатлари зрамиздан олдинги 600-йилларда ушбу ярим оролда мавжуд бўлган уч давлат — Когурё, Бек Йэ ва Силла мамлакатларида турлича кўринишда шакллана бошлаган. Қизифи шундаки, бун-дай яккакураш усуллари ташқи кўринишдан бир-бирига жуда ўхшаса-да, ҳар қайси давлатда ҳар хил ном билан юритилган.

Жумладан, Когурёда «Сонбз», Бек Йада «Субак» ва ҳоказо. Силлада яшайдиган, хвараллар деб аталган диндор аслзодалар ўзлари яратган яккакураш санъатини ўзбекча таржимада «гул-лаб-яшнаётган ёшлар» дейа номлашган. Айни шу усул бошқалардан, биринчи галда, нуфузи ва оммавийлиги билан ажralиб турган. Бу монастирга маъжаллий зодагонларнинг 14-15 ёшли фар-зандлари саралаб олинган ва уларга ҳам диний, ҳам жанговар кураш сирларидан сабоқ берилган.

Ушбу усул машқларига назм, мусиқа, сувда сузиш, камон-дан отиш ва қўл жангига каби йигит кишининг ҳам жисмонан, ҳам ақлан етук бўлишига хизмат қилувчи омиллар киритилган.

Маълумки, ислом динида мадраса ва масжидларда таълим оладиган толибларга жанговар санъатлар ўргатилмайди. Бандасининг бошқа бирорга тан жароҳати етказиши тақиқланади. Шу боис ҳам айримларда савол туғилиши мумкин: Корея ярим оролида ҳам, Японияда ҳам жанговар санъатлар айнан монастырларда ривожлантирилган, нима, бу ерларда яшайдиган халқлар эътиқод қиласидиган диннинг ғоялари бутунлай бошқачами?

Бунинг биргина сабаби бор. Яхши биламизки, диний таълимдан сабоқ олиш инсоннинг эътиқодини мустаҳкамлайди, нафс балосидан, турли ёмон ишлардан тийилишга ўргатади. Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, ўша пайтда юртни фақат эътиқод билан ҳимоя қила олмаслигига ақли етган маҳаллий аҳоли фарзандларини жанговар санъатларга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шарқона яккакурашларнинг том маънодаги ҳимоя воситаси эканлиги ҳақидағи фалсафий қарашлар ҳам айнан шундан келиб чиқдан.

Корея йилномаларида, кўпгина тарихчиларнинг асарларида хваранлар усулида тарбия топган ўғлонларнинг Ватан ҳимояси учун кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида жуда кўплаб ҳикоялар келтирилади. Улар билан танишсангиз, беихтиёр Ал-помиш достони кўз олдингизда гавдаланади. Демак, ҳар бир халқнинг барча замонларда юртнинг оғирини ўз елкасида кўтарган, зарур пайти жонини фидо қиласидиган асл фарзандлари — қаҳрамонлари бўлади, десак, ҳеч қандай муболага эмас.

Таэквондонинг дастлабки ҳаракатлари пайдо бўлганидан то унинг спорт тури сифатида шаклланганича орадан қанча-қанча йиллар ўтди. Бу йиллар ривожланишининг кучайиши ва пасайишига ҳам таҳсимланиши мумкин.

XVIII асрнинг охирларига келиб корейс халқининг таникли давлат арбоби ва кўзга кўринган файласуфларидан бири Ли Донму бу кураш санъатининг йўналишлари, ҳатти-ҳаракатлари, энг муҳими, мазмун ва моҳиятини ўн йиллар давомида тўплаган тажрибаси асосида умумлаштирган.

У яратган трактатда қўл жангиги техникаси ва турли ибтидоий қуроллар билан ҳаракат қилиш кенг ўрин олган. Қўл жангиги ва оёқ ҳаракатларига асосланган таэквондо атамаси ҳам айни шу йиллари вужудга кела бошлаган.

XX асрнинг ўрталарига келиб, бу гўзал кураш санъати давлат томонидан қизғин қўллаб-қувватланиб, уни ривожлантириш-

ни ўз масъулиятига оладиган ҳақиқий ватанпарварлар етишиб чиқади. Корейс халқининг ана шундай фидойи фарзандларидан бири Чой Хон-Хи 1955 йилда таэквондони замонавий спорт тури сифатида бутун дунёда ривожлантириш имкони берадиган қонун-қоидалар мажмумини ишлаб чиқкан. Ва Ҳалқаро таэквондо федерацияси(ИТФ)ни ташкил этган. Шунинг ҳам бу спорт тури таэквондо — ИТФ деб номланади.

Жаҳон жамоатчилигига яна бир жозибали спорт турини тақдим этишдек вазифани уddyалаган, Чой Хон-Хи 50 йилдан ошиқ вақт давомида ўзи ташкил этган ҳалқаро ташкилотга раҳбарлик килди. Ҳозирги кунда унинг катта тарихга эга бўлган ишини ўғли давом эттиromoқда.

Мустақиллик меъморининг оқ фотиҳаси

Мустақиллик — улуғ неъмат. Эркинлик, ҳуррият — таърифга сифмайдиган туйfy. Бу буюк тушунчаларни фақат ҳис қилиш мумкин. Шундай бўлгандагина унинг ҳақиқий мазмун-моҳияти очилади, бўй кўрсатади.

Мустақиллик — ҳар қандай ҳалқининг тарихидаги энг катта, шонли воқеа. Миллат шаъни, қадр-қиммати, юрт тараққиёти, эл обрўсининг юксалиши, тенглар ичра тент бўлиши ҳам унинг истиклолига бевосита боғлиқ. Бу жараённи ўзига хос занжирга, бирисиз иккинчисини тасаввур қилиш мушкул бўлган ҳодисага таққослаш ўринлидир.

1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳалқимиз ҳаётини, турмуш тарзини тубдан ўзгартирди. Жамиятнинг барча соҳалари ривожланишга юз тутди. биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ўзбек ҳалқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган даъватлар ҳаётимизнинг устувор шиорига айланди.

Мамлакатимизда спортнинг, жумладан, таэквондонинг ривожланиш сари ташланган дастлабки қадамлари ҳам айнан истиклолдан кейин юз берди. Унинг тараққиётига мустақиллигимиз бош меъморининг шахсан ўзи оқ фотиҳа берган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу фикрни илгари сураётганимизнинг бир нечта асосли сабаблари бор, албатта.

Ватанимиз истиклолни қўлга киритгач, юртимизда энг биринчилар қатори айнан таэквондо бўйича ҳалқаро турнир ташкил

этиди. Жаҳоннинг 12 давлатидан келган спортчилар иштирокида ўтказилган ушбу мусобақага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади, таэквондо чиларга, мазкур спорт турининг ривожига омад тилади.

Бундан ташқари, халқаро спорт федерациялари раҳбарлари ичida Ўзбекистонга биринчи бўлиб ITF президенти Чой Хон-Хи ташриф буюрди. Уни давлатимиз раҳбари қабул қилди. Самимий тарзда ўтган сұхбати чоғида таэквондони мамлакатимизда ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди.

Шунинг учун ҳам, гарчи ушбу спорт тури республикамизга 80-йилларнинг охирида кириб келган бўлса-да, 1992-93 йилларни Ўзбекистонда таэквондо ривожланишининг дастлабки босқичи, деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқача айтганда, айнан шу даврда таэквондони оммалаштириш сари чинакам тетапоя қадамлар ташланди.

Ривожланиш ёки тараққиёт деб атайдиганимиз улкан жараённинг бошқа кўпгина воқеа-ҳодисалар сингари ҳеч қаерда ёзилмайдиган ўзига хос қонунлари, тартиб-қоидалари бўлиши сир эмас. Бироқ, улар худди ёзилган қонунлар каби доимий равишда риоя этишни талаб қилади. Унга амал қилиш сусайган ёхуд бутунлай тўхтаган пайтларда ривожланиш ўрнига, аксинча, орқага кетиш, пасайиш ҳоллари юз беради.

Ўзбекистонда таэквондонинг ривожланиши ҳам бу ҳодисадан мустасно эмас. Ўтган йиллар ичida ривожланиш билан бирга орқага оғиш, илмий тил билан айтганда, танглик даврлариям бўлди.

Лекин Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси атрофига бирлашган жонкуяр ва фидойи инсонларнинг кўмагида — ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамида вужудга келган қийин вазиятлардан талофатсиз чиқилди. Ҳар қачон ана шундай муаммоли ҳолатлар юзага келганда, спорт ззгулик учун хизмат қилиши кепрак, деган фикрнинг, ғоянинг ғолиб чиқиши янада кўпроқ куч билан ҳаракат қилишга ундейди.

Таэквондонинг ривожланиш босқичлари хусусида сўз юритганда, ана шу жараёнларда бевосита иштирок этган устоз-муррабийлар, шу спорт турининг барча сир-асорларини ўргангандишилар ҳақида гапириш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳаммамизга яхши маълумки, у ёки бу ишни маромига етказиб амалга оширишда бу жараёнга раҳбарлик қилган кишилар-

нинг тўғри йўлланма беришдаги етакчилик маҳорати муҳим рол ўйнайди. Ана шу фикрлардан холоса чиқарган ҳолда айтиш мумкинки, юртимизда таэквондонинг ривожланишида қатор йиллар Узбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига раислик қилган Баҳодир Махситовнинг хизматлари бекиёс. Баҳодир ака таэквондочилар, уларнинг мураббийлари билан тез-тез учрашиб турар, мазкур спорт турини ёшлар орасида яна-да оммалаштириш билан боғлиқ қимматли фикрларини берарди.

Қўмитанинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши натижасида таэквондо ривожи билан боғлиқ кўпгина муаммолар ўз вақтида ҳал этилди, вакилларимизнинг ҳалқаро мусобақалардаги иштироки таъминланди, деярли ҳар бир беллашувда юртимиз байроғи баланд кўтарилди.

Ўзбекистонда шарқона яккакураш турларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган инсонлардан бири — қора белбоғ V ДАН соҳиби Николай Антонович Югайдир. Ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатлари, ҳар бир масалага катта масъулият билан ёндашгани учун унга «Ҳалқаро тоифадаги инструктор» даражаси берилган.

Шу ўринда, мамлакатимизда таэквондо спортини санъат даржасига олиб чиқиша жонбозлик кўрсатган Фурқат Халилов, Ҳусниддин Қурбонов, Насриддин Толипов, Гранид Ли, Фахриддин Умаров, Инни Ли, Евгения Лим, Борис Цой, Лазиз Ҳасанов каби ҳамюртларимизни тилга олиш зарур.

Ўзбекистонда таэквондони ривожлантиришнинг кейинги босқичида фидойи инсонларни ўзига устоз деб билган ёшлар етишиб чиқди. Улар қаторига бугун ўзининг салоҳияти ва катта обруси билан Осиё таэквондо федерацияси вице-президенти лавозимида хизмат қилаётган жонкуяр ватандошимиз, қора белбоғ IV ДАН соҳиби Шомурод Шофайзиев, Ассоциация фаолиятининг муҳим йўналишларига етакчилик қилаётган ҳакамлар кенгаши раиси, ҳалқаро тоифадаги инструктор, қора белбоғ IV ДАН соҳиби Миродил Мирзахонов, тиниб-тинчимас ташкилотчи, «ака, шу мусобақани спорт байрамига айлантирайлик», дея елиб-югурадиган мутахассислардан Наби Расулов, ҳозирда ўз ҳаётини шу спорт тури бўйича таълим беришга бағишилаган Андрей Нормуҳаммедов, ўз вақтида жаҳонга танилган кореялник машҳур инструкторлар Кан Пен Му ва Ким Ен Намдан қунт билан сабоқ

олиб, бугун шу билимларини ёшларга ўргатаётган, қарийб 15 йилдан бери таэквондонинг нозик ҳаракатларини зирнай на-вқирон авлодга тушунтириб келаётган бош мураббий, фахрий-лар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, қора белбоғ IV ДАН со-ҳиби Фахриддин Умаров, техника фанлари номзоди, халқаро тоифадаги инструктор Валерий Пакларни киритиш мумкин.

Албатта, бирор спорт турини оммалаштириш учун уни фақат катта шаҳарларда ривожлантириш билан иш битмайди. Шунинг учун ҳам ассоциациянинг жойлардаги жонкуярлари томонидан чекка-чекка қишилоқлардаги, олис овуллардаги ёшларни ҳам спортга жалб этишга катта эътибор қаратилди.

Қўлингиздаги китобнинг кейинги бўлимларида жойларда фа-олият кўрсатсаётган клублар, бу ерда таэквондо сирларини ўрга-наётган ёшлар эришаётган натижалар, уларга беминнат кўмак берсаётган ҳомийлар, саховатпеша инсонлар тўғрисида имкон қадар маълумотлар берамиз. Зоро, ҳеч қайси таэквондочи фақат татамидаги машғулотлар эвазига чемпион бўла олмайди. Унга ҳам эътибор, меҳр керак, етарли шароит, яқинларининг қўллаб-куватлаши, ҳа-а, деган далласи керак.

«Ўзбекистон, таэквондо, ғалаба!»

Ўзбекистон таэквондочилари Ватанимиз мустақилликка зришган дастлабки йилларданоқ ҳималарга қодирлигини намойиш этишди. 1992 йил Пхенянда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ёқ ярим ой ва ўн икки юлдуз тасвири туширилган байробимизнинг минглаб томошабину мутахассислар кўз олдида баланд ҳилли-рагани ҳам бу фикрнинг тасдиғидир.

Ўшанда таэквондо оламида кўпчиликка нотаниш бўлган **ЎЗБЕКИСТОН** аталмиш келажаги буюк давлатнинг танти ўғлонлари кимларнинг авлоди эканини, халқимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини амалда намойиш этишганди.

Мана, шундан буён ўтган йиллар кўҳча тарих учун кўз очиб юмгудек фурсат бўлса-да, бу давр мобайнида юртимиизда юзлаб чемпионлар, халқаро турнирлар галиблари, хорижий мутахассисларнинг эътиборини тортган кўплаб маҳоратли ёшлар етишиб чиқди. Ҳеч иккимасдан айтиш мумкинки, мамлакатимиз вакиллари бугун таэквондо ватани спортчилари билан ҳам тенгма-тенг беллаша оладилар.

Юқорида таъкидланганидек, юртимизда таэквондонинг ривожланиши ва вакилларимизнинг тажрибаси ошишида 1993 йил Тошкентда илк бор ташкил этилган халқаро турнирнинг аҳамияти катта бўлди. Бу мусобақага қитъадош қўшниларимиздан ташқари, ҳатто океан ортидан АҚШ вакиллари, кунчиқар юртдан япон таэквондочилари, шу соҳада ўзига хос мактаб-академия яратган кореялик спортчиларнинг ташриф буюриши беллашувларнинг ўзига хос байрамга айланишини таъминлади.

Энг муҳими, турнир даяни (татами)да намойиш этилган маҳорат — нозик ва аниқ ҳаракатлар минглаб маҳаллий ёшларни таэквондо тўгараклари сари чорлади. Шунинг учун ҳам яккакурашнинг бошқа турларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг сезиларли қисми таэквондо бўйича мураббийлик қила бошладилар.

Биз тарих деб атайдиган, оптимизда қолган йилларда халқаро майдонда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган ёшлар айнан ўша мураббийларнинг иқтидорли шогирдлариdir. Улар қайси давлатда, қандай даражадаги мусобақада иштирок этишмасин, «Таэквондо, Ўзбекистон, ғалаба!» деган шиор ва юксак фуурурдан куч олиб майдонга чиқишиди. Бугунгача қўлга киритилган шода-шода медаллар ана ўша ўлмас ориятнинг ҳосила-сидир, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди.

1992 йил Пхъенянда Ўзбекистон спортчилари ўзини кўрсатгандан кейин бошқа мамлакатлар вакиллари бизнинг таэквондочиларимизга асосий рақиб сифатида қарайдиган бўлишиди. Шунинг учун кейинги мусобақаларда ғолиб чиқиш осон кечгани йўқ. Жумладан, 1994 йил Малайзияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам спортчиларимиз жиддий қаршиликларга дуч келишига қарамасдан совринли ўринларни қўлга киритишиди.

Масоги баҳсларида то финалгача барча рақибларини мағлуб этиб, ўз маҳоратини намойиш қилган Инна Хегай кумуш медал билан тақдирланди. Тил бўйича беллашувларда эса Ҳусниддин Қурбоновнинг чапдаст ҳаракатлари жуда катта таҳsinga лойиқ экани эътироф этилди. Ва у ҳам чемпионат шоҳсупасига кўтарилиди.

Ҳаммага яхши маълумки, бошқа спорт турларида бўлгани каби таэквондода ҳам ўсиб келаётган навқирон авлодни катта мусобақаларга тайёрлаш учун ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон ва қитъавий чемпионатлар ташкил этилади. Айнан

мана шундай мусобақаларда бўлажак спорт юлдузлари кашф этилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати 1996 йил Чехияда ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам тўлиқ таркиб билан иштирок этди. Тил машқуларини бажариш ўта мураккаб бўлгани учун кўпчилик унинг осонроқ турларини тайёрлаб келиб, чемпионатда қатнашади. Бироқ ана шу чемпионатда мамлакатимиз вакиллари айнан таэквондо асосчилари томонидан яратилган энг мураккаб тиль дастури бўйича жамоавий беллашувда ғолибликни қўлга киритиб, барчани лол қолдиришди.

Шу пайтгача таэквондо ватани спортчиларини бундай усулда ҳеч ким мағлуб эта олмагани учун фавқулодда маҳорат на мойиш этган жамоамиз аъзоларини беихтиёр номма-ном санағинг келади: Моисей Ногай, Бобобек Казаков, Владислав Нам. Бу чемпионларга Фурқат Халилов, Пўлат Усмонов сингари тажрибали мураббийлар устоэзлик қилган.

Алоҳида ургу берадиган томони шундаки, Прага шаҳрида ташкил этилган мазкур жаҳон биринчилигида ilk бор Ўзбекистон қизлар терма жамоаси (Алевтина Ким, Шаҳноза Шуҳратжонова, Замира Асраева) ҳам иштирок этди. Ана шу чемпионатнинг масоги бўйича баҳсларида Алевтина Кимнинг кумуш медални қўлга киритишини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин Ўзбекистоннинг ҳаракатчан қизи астойдил интилиши билан кутимаган натижа кўрсатди.

1997 йили Алевтина ўзининг нималарга қодирлитини яна бир карра исботлади. Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган навбатдаги жаҳон чемпионатида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган А.Кимнинг кўксига олтин медал тақилди. Унинг ғалабаси шарафига Ватанимиз мадҳияси янграб, байробнимиз баланд кўтарилди.

Ҳозирги кунда ёш таэквондочи қизларга мураббийлик қилаётган чемпионимиз юрт шуҳратини оширишдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республиқаси Президентининг фармонига кўра, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Ҳар қачон беллашувга чиқар эканлар, мамлакатимиз спортчилари миллионлаб юртдошларининг ўзларига умид кўзини тикиб турганларини яхши билишади. Ва ана шу диққат-зътибордан куч-қувват олишади, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Россиянинг шимолий пойтахтида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон байроби қайта-қайта баланд кўтарилигани ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Аввалига Владислав Нам дунёнинг энг кучли таэквондочилари билан татамига чиқишига қарамай, жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлганда самимий олқишилар янгради. Кейинчалик эса қизлар ўртасидаги жамоавий беллашувларда Ўзбекистон таэквондосининг маликалари — Алевтина Ким, Шаҳноза Шуҳратжонова, Феруза Султонгериева, Луиза Сагитова, Инна Хегай, Евгения Кан шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилиди.

Тилга олинган қизларимизни бежиз маликаларга тенглаштираётганимиз йўқ. Чунки шу муваффақиятдан кейин хорижий матбуот нашрларида улар ҳақида бир неча мақолалар чоп этилди. Зоро, шу қизларимизнинг Дублин халқаро турнирида 6 та олтин, Бельгияда бўлиб ўтга ўнуфузли беллашувда эса 3 та олтин ва яна шунча бронза медалига сазовор бўлгани ҳам жаҳон миёсидаги юксак эътирофнинг тасдиги эди.

Аргентина деса кўпчиликнинг кўз олдига футбол ўйини ва Марадона сингари чарм тўп устаси келади. Лекин бу мамлакат фақат футбол билан машҳур эмас, балки унинг маҳоратли таэквондочилари ҳам дунёга танилган. Улар ҳар сафар совринли ўринлар учун курашишади.

Аммо гап ҳозир бу ҳақда эмас, аксинча, 1999 йил шу юртда ўюштирилган навбатдаги жаҳон чемпионати хусусида бўлади. Зотан, қанчалик олис йўл юрилган бўлмасин, Жанубий Америка қитъасига сафар бизнинг таэквондочиларимиз учун омадли келди.

Ана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда — она юртингдан узоқ-узоқларда, чексиз уммонлар ортида Ватанингнинг энг улуғ қўшиғини тинглагандаги беихтиёр ёш сизиб чиқар экан ҳар қандай кишининг кўзидан. Чунки давлатимизнинг мадҳияси бу заминда бир марта янграганий йўқ. Иктидорли таэквондочиларимиздан Дмитрий Нимнинг ғалабаси яна бир бор қувонишимизга сабаб бўлди.

Хуллас, ҳаммамиз хурсанд эдик. Бироқ чемпионат ниҳоясида қалбимиз янада завқланишини, кўксимиз тоғдек кўтарилишини билмаган эдик. Гап шуңдаки, маҳоратда тенги йўқ қизимиз Алевтина Ким бирданига учта медални кўлга киритиб, чемпионат қаҳрамонига айланди. Бу медаллар шодасига Луиза Сагитова,

Владислав Намнинг яна биттадан бронза қўшиши Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашига мустаҳкам замин яратди.

Аргентина футболидан ташқари ушбу мамлакатнинг тазквондочиларини хаёлидан ўтказган азиз ўқувчимизни энди кунчиқар юртга — яна бир ғойибона сайёҳатта таклиф этмоқчимиз. Бoisи, Японияда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ўз нуфузи ва аҳамияти жиҳатдан ҳеч бир беллашувдан қолишмайди.

Бобобек Казаков, Леонид Ли, Моисей Ногой ва Михаил Чистеков. Айнан мана шу йигитлар кунчиқар мамлакатда Осиё чемпиони деган унвонга сазовор бўлиб, уларнинг кўксига олтин медал тақилди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда эса Дилфуз Юсупова, Нигора Юнусова, Наргиза Умирова ва Флюра Бектемирова сингари янги юлдузлар кашф этилгани бу чемпионатнинг биз учун энг муҳим томонларидан бири бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир чемпионатнинг ўз қаҳрамонлари бўларкан. 2001 йил бундай ном Шаҳноза Шуҳратжоновага насиб этган бўлса, орадан икки йил ўтгандан кейин катта аренага Акмал Эргашев ярақлаб чиқди.

Италияда ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатида Шаҳноза энг яхши спорт формасида эди, десак ҳар томонлама тўғри бўлади. Шунинг учун ҳам у то финал баҳсигача барча рақибларини ҳеч қандай имконият қолдирмай мағлуб қилди. Аммо финалда омад ундан юз ўғирди. Жаҳон чемпиони бўлиш истагида қанчалик ҳаракат қиласин, омад келмаса, фойдаси йўқ экан. Шунинг учун ҳам Шаҳноза кумуш медал билан чекланди. Бироқ бу жуда катта ғалаба эди. Шу боисдан, Ш.Шуҳратжонова чемпионатнинг энг фаол иштирокчиларидан бирига айланди ва юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

Жуссаси унчалик ҳам спортчига ўхшамайдиган ўзбек қизининг ғалабаси бўлса, шунчалик бўлипти-да. Буни яхши англаған спорт журналистлари Тошкент халқаро аэропортида Шаҳнозани саволларга кўмиб ташлашди.

2003 йил катталар ўртасидадаги жаҳон чемпионати Олимпиада ўйинлари ватани бўлмиш қадимий Грецияда ўтказилди. Уч кун давом этган нуфузли мусобақада 86 та давлатдан тўплланган энг кучли спортчилар ғолиблик учун беллашдилар.

Фахрли томони шундаки, 1 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритган мамлакатимиз вакиллари ушбу баҳ-

сларда умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаб, совриндорлар қаторидан жой олишиди.

Ана шу голибларимизни Тошкент ҳалқаро аэропортида мамлакат спорт жамоатчилиги ҳамда журналистлар қизғин кутиб олди.

— КенжАкмалжоннинг жаҳон чемпиони бўлганини эшишиб ўзимни қўярга жой тополмай турибман,— деди таэквондо баҳсларида энг кўп спортчи қатнашадиган 80 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган вакилимиз А.Эргашевнинг онаси Хурсаной ая. — Унинг Ўзбекистон байроғини кўтариб самолётдан тушишини кўриш учун Қўқондан келдим. Жуда курсандман.

— Шогирдим Эркин Наврӯзовнинг чемпионатдан қуруқ қайтмаслигини кўнглим сезганди,— дея ҳаяжонини яшира олмай суҳбатта қўшилди бухоролик жонкуяр мураббий Убай Мукаррамов.

Чемпионат давомида Ҳалқаро Таэквондо федерацияси(ИТФ)-нинг 14-конгресси ҳам бўлиб ўтди. Мазкур спорт турини янада ривожлантириш билан боғлиқ кўлгина масалалар муҳокама қилинган анжуманда яна бир қувончли воқеа юз берди. Мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмоновга ИТФ ордени тантанли суратда топширилди. Таъкидлаш жоизки, бундай юксак мукофот шу пайтгача дунё бўйича тўқизкишига берилган эди, холос.

Фахр туйғуси жўш урган пайтда ўзга элларда юртимиз байроғини баланд кўтарган музaffer спортчиларни номма-ном тилга олгинг келади: Ф.Умаров, А.Ким, М.Честяков, Л.Ли, Б.Казаков, Н.Хўжаев.

2003 йилнинг ноябр ойида Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида ўсмиirlар ва ёшлар ўртасида «Семей кубоги» анъана-вий ҳалқаро турнири ўтказилди. Унда бизнинг бўлажак юлдузларимиз 6 та олтин, 5 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритди. Жами 20 та жамоа иштирок этган нуфузли беллашувда ёш таэквондочиларимизнинг бундай натижага кўрсатиши жуда катта ютуқ ҳисобланади.

Шахсий биринчиликда Алефтина Ким, Шаҳло Давирова, Лаура Кушимбетовалар — олтин, Ўғилой Машарипова, Олесия Пень, Фарҳод Рустамов, Лазизбек Каримов — кумуш, Отабек Зиёев, Ҳотамжон Каримов, Зиёдахон Юсупова, Сардор Соди-

қов, Ортиқ Раҳимов, Аъзамжон Ажибековлар — бронза медали билан тақдирланди. Жамоавий баҳсларда спортчиларимиз 3 та олттин, 1 та кумуш медалига сазовор бўлди.

2004 йил Малайзияда фахрийлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу нуфузли беллашувларда фахрийлари миздан Фахриддин Умаров ва Қосимбек Исмоиловлар шоҳсунага кўтарилиган бўлса, Азимжон ва Аъзамжон Ажибеков, Фаррух Сармонов, Сардор Содиқов, Шаҳло Давирова, Ўғилой Машрабова каби ёшларимиз жами 16 та медални қўлга киритиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир карра исботлаши.

Килингтан яхши ишлар, ютуқлар ҳаммаси ўзимизники. Шунинг учун ҳам уларни охиригача санаб чиқиш фикридан йироқмиз. Чунки олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифалар бундан-да кўп. Ҳусусан, ҳозир маҳаллий енгил саноат корхоналаридага таэквондо кийимлари ва анжомларини ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш бўйича тегишли ташкилотлар билан музокаралар олиб бориляпти. Агар шу масала ҳал этилса, энг муҳим муаммолардан бири ўз ечимини топади.

Халқимиз фарзандлари орасида юрт шуҳрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истеъдод эгалари жуда кўп. Факат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш лозим.

Гап суратда эмас, сийратда

Ҳар қандай жамият ва унинг ҳар бир соҳасида бошланғич ташкилот деган тушунча бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган таэквондо клубларини мазкур спорт турини ривожлантиришнинг бошланғич ташкилоти дея атасак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ҳозирги кунда юртимизда кўплаб таэквондо клублари ишлаб турибди. Уларда 60 мингдан зиёд ёшлар машғулотларда қатнашяпти. Демак, шунча ёш фойдали иш билан банд дегани.

Фойдалилигининг боиси шундаки, таэквондо билан шуғулланганлар нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиб вояга етади. Айниқса, зартага оила бошлиғи бўладиган ўғил болалар бу спорт тури орқали матонатни, шиҷоатни ўрганади. Таэквондо билан шуғулланган қизлар эса ибо-хаёли, мўътабар аёл шаънининг нақадар муқаддаслигини чин дилдан

ҳис қылган ҳолда тарбия топади. Ҳалқимизнинг турмуш тарзига, ўзбек миллатига мансуб аёлларнинг табиатига тамомила ёт ғоялар хуруж қилиб турган бир пайтда бу нарса янада муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам юртимизда фаолият кўрсатаётган клубларда мураббийлик қилишни истовчи шахслар аввало ана шу талабларга нечоғли мос келиши бўйича имтиҳон қилинади. Ушбу синовдан муваффақиятли ўтгандаргина ёшларга таэквондодан сабоқ бериши мумкин. Бу, биринчидан, ўғил-қизларнинг маънавий камолотида долзарб ўрин тутса, иккинчидан, Шарқ фалсафасини ўзида мужассам этган таэквондонинг эзгуликка чорловчи спорт тури эканлиги ҳақидаги обрў-нуфузига дод тушишдан асрайди.

IV ДАН қора белбог соҳиби Фахриддин Умаров раҳбарлик қилаётган «Бектемир» таэквондо клубида тилга олинган мезон ва талабларга жавоб бера оладиган олти нафар мураббий фаолият кўрсатади. Уларнинг айримлари ҳам мураббийлик, ҳам спортчилик ишини бирга олиб борада. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, спортчи-мураббий шуғулланишга келтан жажжи болакайларни яхши тушунади — уларнинг кўнглидан нима ўтаётганини сезиб туради.

«Бектемир» клубининг ана шундай жонкуяр мураббийлари сирасига Алишер ва Фарҳод Алдияровларни, Баҳодир Назаров, Равшан Сомихонов, Адҳам Ҳамдамов ҳамда Қодир Рустамовларни киритиш мумкин. Бу тиниб-тинчимас йигитлар кундузи ёшларни таэквондога ошно этиш билан шуғулланса, зрталаб ва кечқурун ўзлари устози Фахриддин Умаровдан янги усулларни ўрганишади.

Бугун мазкур клубдан Европа ҳамда Осиё қитъаларида ўтказилган қатор ҳалқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари етишиб чиққани ҳам бу ерда олиб борилаётган ишлар тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради. Зоро, ҳар қандай самара-натижа нечоғли астойдил ҳаракат қилинганини амалда намойиш қиласди.

Аъзам ва Азим Ажикеков, Аҳрор Асроров, Машраб Рўзиев, Ортиқ Раҳимов, Ф.Рустамовларни юртимиздан ташқаридаги таэквондо мутахассислари ҳам яхши билишади. Шунинг учун улар ҳам бу йигитлар билан татамига чиқадиган шогирдларини жиддий ҳозирлашади. Рақибнинг ҳушёр тортиши эса кураш кескин ва қизиқарли кечишини таъминлайди.

«Бектемир» клубига машгулотта қатнайдиган спортчиларнинг ўн бешга яқини катталар ва ёшлар ўртасида мамлакат чемпиони ҳисобланади. Дмитрий Хегай, Абдушукур Қаҳхаров, Шерзод Азизов, Азамат Абдувалиев, Евгений Тимофеев, Элбек Муродхўжаев, Ҳусниддин Тошхўжаев, Бобир Бурхонов ва Ҳолмурод Бегматов сингари ёшларни нафақат ушбу клуб, балки республика таэквондосининг келажаги, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида бундай клублар фоалияти мутасадди раҳбарлар ва ҳомийлар ёрдамига, услубий кўмагига кўп томонлама боғлиқ бўлади. Бу борада «Бектемир» клубига ёрдам қўлини чўзган инсонлар сирасига А. Ҳошимжонов, Ш. Шоаҳмедовларни киритиш ҳар томонлама ўринили бўлади.

Биз сўз юритаётган клуб, номидан ҳам англаган бўлсангиз, пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган. Буни таъкидлаётганимизнинг сабаби шундаки, Бектемирдан Шарқ томон юрсангиз, ҳеч қанча вақт ўтмай Тўйтепа шаҳрига етиб келасиз. Мазкур шаҳарни кўпам таърифлаб ўтирумасдан, Ўзбекистон таэквондосининг таянч нуқтаси, деб қўя қолсак ҳеч ким қарши бўлмаса керак.

Ҳозирги кунда халқаро майдонда Ватанимиз байробини баланд кўтараётган спортчиларнинг кўпчилиги айни шу шаҳардан етишиб чиққан. Собиқ «Чафлаён» клубининг етук спортчилар тайёрлашдаги ўзига хос тажрибаси ўнлаб қитъа ва жаҳон чемпионларининг шаклланишига мустаҳкам замин яратди.

Тўйтепа номини дунёга таратган чемпионларни гуманда ҳамма ҳурмат қиласди. Ҳатто, ярим ҳазил тарзида айтадиган бўлсак, автомобиллар ҳаракатланишини назорат қиласидиган йўл-патрул хизмати ходимлари ҳам таэквондочиларга ҳурмат юзасидан унчамунчага жарима ёзиб ўтирайди.

— Майли, юртнинг обрўсини кўтариб юрган йигитсиз, бир марта кечирамиз, лекин энди қоидани бузманг, — дея хушмуо-малалик билан муносабатда бўлишади.

Хулоса қилиш мумкинки, элнинг юзини ёруғ қилган, Ватанинг корига яраган фарзандлар доимо қадрланади, орқасидан «ҳа-а, ўғил бола!» деб алқаб қўйилади.

Тўйтепадан яна Шарқ томон юриб, довон ошсангиз, «Наманган вилоятига хуш келибсиз» деган ёзув кўзга ташланиши ҳаммага яхши маълум. Бу вилоят гуллар диёргина бўлиб қолмас-

дан, кейинги пайтларда намунали спорт мажмуаларига эга ҳудул сифатида ҳам яхши танилди. «Энг яхши спорт вилояти» танловида қаторасига уч йил айнан Наманган ғолиб бўлгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлади.

Наманган таэквондочилари га ўзи ёш бўлишита қарамай, вилоят федерациясининг вице-президенти сифатида IV ДАН қора белбоғ соҳиби Сарвар Набиев етакчилик қилиб келади.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган кўплаб клублардаги спортчилар орасида А. Курмакоев ва Н. Набиев энг юқори натижани қўлга киритган таэквондочилар сифатида зътироф этилади. Алексей жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритган бўлса, Нодирбек Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Мазкур клубларда ҳар бир спортчи учун алоҳида дафтар-журнал тутилади. Уларни варақлаб кўрсангиз, бу ерда Дониёр Йўлдошев, Равшан Сатторов, Беҳзод Халилов, Босит Нуриддинов, Шерали Тўрахўжаев, Зоир Алиев каби мамлакат чемпионлари борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Таэквондонинг ИТФ тури Наманганда жуда кенг ривожланган. Вилоятнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош энг чекка қишлоғи — Қизилёзида ҳам Диёр Камолов, Турсунбой Раҳматуллаев, Азамат Бобохонов, Комил Ражаббоев сингари ёш иқтидорлар камол топмоқда.

Истеъодли шогирдлар тайёрлаётган мураббийлардан Ҳамид Маҳмудов (Янгиқўргон), Санжар Набиевни (Тўракўргон) алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокиржон Қорабоев Наманган таэквондочиларининг ҳам услубий, ҳам маънавий кўмакчиси саналади. У катта-кичиклигидан қатъи назар ҳар бир мусобақага қўлидан келганча моддий ёрдам кўрсатади, каттароқ совғаларга имконияти етмай турган пайтларда ҳам ёшларни ғалабаларга руҳлантирувчи ширин сўзи билан доимо далда бўлади. Маҳаллий тадбиркорлардан Расулжон Камолов ва Юнусхон Халиловлар эса олган фойдасининг бир қисмини вилоятда таэквондо ривожига сарфлаётгани зътиборга лойиқ.

Наманган вилоятининг бир томони Андижонга, иккинчи бурчаги Фарғона вилояти ҳудудларига бирлашиб кетгани каби таэквондонинг водийдаги ривожи ҳам ўзаро уйғунлашиб кетган.

Ўзбекнинг биринчи олимпия чемпиони туғилган Андижондай ардоқли юрга ҳам таэквондо тобора оммалашмоқда. Бу ерда фаолият кўрсатаётган клубларнинг тарбияланувчилари ҳар доим ғалаба учун татамига чиқсаларда, беллашув пайтида ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини боса олиш маданияти билан ажralиб турди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун Нурислом Собиржонов, Лазиз Каримов ва Ўкташ Отажоновларнинг татамидаги юксак маданиятини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Андижонда фаолият кўрсатаётган барча клубларнинг бошини ковуштирган вилоят таэквондо федерациясида Акмал Алиев, Махмуджон Ҳожиматов янглиф жонкуяр инсонлар, тиниб-тинчимас мураббийлар меҳнат килишади. Хусусан, «Динамо» клубида амалга оширилаётган ибратли ишларни ўrnak қилиб кўрсатса арзиди.

Таэквондо деганда, Фарғона вилоятида кўпчиликнинг кўз ўнгига фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби Қосимбек Исмоилов келади. Лекин ҳозир гапни икки марта жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори, икки бор Осиё чемпиони, Европа очиқ чемпионати ва қатор халқаро турнирлар ғолиби Бобобек Казаковдан бошламоқчимиз. Зотан, шогирднинг ютуқлари ҳақида илиқ сўз айтиш, устозга унинг ўзини мақтагандан кўпроқ ёқади, кўнглини кўтаради, қилаётган ишм бесамар кетмаялти экан, деган ёруғ туйғуларни уйғотади.

Яна бир томони, Бобобекнинг ўзи ҳам ҳозир мамлакатимиздаги соғлом ёшларнинг масканига айланиб бораётган юзлаб клубларнинг бирида К.Ураимов, А.Шодиевлар билан бирга мураббийлик қилмоқда. Халқаро тоифадаги спорт устаси Б.Казаков устозлик борасида ҳали унча катта тажрибага зга бўлмасада. қисқа вақт ичиди Шукур Абдукаримов, Убайдулло Обидов, Эъзоза Тўхтахўжаева, Линора Содиқова ва Баҳром Йўлдошев сингари республика чемпионларини тарбиялаб чиқаришга улгурди.

Жаннатмисол Ўзбекистоннинг пойтахтидан бошланган спорт сайёзатимизни Сирдарё ва Жиззах вилояти бўйлаб давом эттиришга таклиф этмиз. Бу вилоятларда ҳам таэквондонинг ривожига ҳисса қўшаётган камтарин инсонлар, дўстона беллашув майдонида ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатишга чоғланган спортчи ёшлар истиқомат қилади.

Кўпинча шундай бўлади: спорт журналистлари бутун вужудини ҳаяжон чулғаган чемпиондан интервью олаётганида улар-

нинг деярли ҳаммаси беихтиёр «Шу натижаларга эришишимга яқиндан ёрдам берган устозимга раҳмат», деганини ўзи сезмай қолади. Чунки бу чин кўнгилдан, юракнинг туб-тубидан сизиб чиқаётган дил изҳори.

Сирдарё вилоятидаги таэквондо чиликнинг етакчиси, IV ДАН қора белбоғ соҳиби Мурод Умаров ва Рустам Тўйчиев ҳам ана шундай самимий раҳмат эшитган устозлардан саналади. Бу миннатдорлик жаҳон чемпиони Владислав Нам, бронза медали совриндори Рустам Ҳамроев, халқаро турнирлар фолиби Фурқат Жўрабоев тилидан янграганини кўпчилик яхши эслайди.

Жиззахда жуссаси кичиккина бир ўғлон бор. Костюм-шым кийиб юрганида уни ҳеч ким таэквондо чига ўхшатмайди. Жуда камтар, оғир-босиқ ва мулойим йигит. Бироқ Отабек Зиёев кимоно кийиб майдонга чиққандан бундай таъриф берсангиз ўнғайсизланиб қоласиз. Чунки унинг нафақат ўзи, балки қўл остида шуғулланадиган укалари ҳам чемпион бўлишга улгурган. Шу боис, «Гап суратда эмас, сийратда» деган ҳикматнинг нечоғли мазмун касб этишига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Жиззах вилоятида туғилиб ўсган Зоҳид Умрзоқов, Фарруҳ Аҳмедов, Жамшид Шукуров, Гулчеҳра Тўраева, Маҳлиё Расуловна, Шаҳноза Сидиёрова ва бошқаларнинг мамлакат чемпиони деган унвонга сазовор бўлишида «жуссаси кичик» Отабекнинг КАТТА ҳиссаси бор.

Ўзбекистондаги таэквондо клубларининг фаолияти бўйлаб уюштираётган ғойибона сафаримизнинг навбатдаги бекатлари Самарқанд ва Бухорода бўлади.

Баҳодир Латипов ҳамда Феликс Каспаров айнан Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатадиган клублардан етишиб чиққанд чемпионлар саналади. Уларга Х.Юсупов ва А.Муллаев устозлик қилган.

Кўплаб спорт турлари орасида таэквондога бўлган қизиқиши Самарқанд вилояти ёшлари ўртасида жуда баланд. Ҳозир уларнинг сони ўн мингдан ошган. Б.Аббосов ва Э.Умеров сингари истеъоддли мураббийларнинг сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Мураббийлик иши жуда мураккаб ва масъулиятли. Мураккаблиги шундаки, сиз муайян спорт турининг сир-асрорини яхши билишингиздан ташқари, ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга бўлишингиз керак. Масъулияти юқори лигининг боиси эса болалар тарбияси билан шуғулланишнинг ўзига хос жавобгарлиги

бор. Бошқача айтганда, қўлингизда шуғулланган ўғил-қизнинг эртанги ҳаётдаги яхшилигининг ҳам, камчилигининг сабаби сизнинг иқтидорингиз ва фидойилигингизга келиб тақалади.

Ўзининг кўп қиррали фаолияти билан Бухоро вилояти таэквондо федерациясига етакчилек қилиб келаётган Убай Мукаррамов ва Комил Шукуровни мураббийликнинг юқоридаги хусусият ва қатъий мезонларини жам қилган жонкуяр инсонлар десак адашмаймиз. Бугун Бухорода профессионал таэквондо клубларининг сони тобора ошиб бораётганида, Эркин Наврузов каби халқаро майдонларда ўз тантилигини кўрсата оладиган спортчиларнинг етишиб чиқишида ҳам уларнинг беминнат улуши бор.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида ишлаб турган, кундан-кунга кўпроқ ёшларни чорлаётган клубларда беш карра Ўзбекистон чемпиони Лайло Шарипова, жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Ирода Раҳимова, чапдаст ва жасур спортчи Феруз Ибрагимов ва бошқалар ҳам машғулотларда қатнашишида, ўз тажрибаларини ўсиб келаётган янги талантларга ўргатишади.

Сайёғатимизни ҳозирча шу ерда тўхтатсак, деган ниятдамиз. Зеро, ўн икки вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасини ўзига бирлаштирган Ватанимиз Европанинг кичик бир давлати эмаски, икки соатда бу чегарасидан у чегарасига етсангиз. Бундан ташқари, қўлингиздаги рисола таэквондо чилар ҳақида ёзилтаётган сўнгги китоб эмас. Шунинг учун ҳам Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги таэквондонинг ривожи ҳамда у ерлардаги жонкуяр инсонлар хусусидаги маълумотларни навбатдаги китобларга керакли «озуқа» сифатида захирада сақлаб қоламиз.

Аммо қўйидаги фамилияларни эслаб қолсангиз ютқазмайсиз: З.Алиқулов, К.Рўзиев, М.Худойқулов, А.Мажидов. Зеро, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қарши шаҳар бўлими кўмагида қатор чемпионларни етиштириб чиқарган ана шу инсонлар навбатдаги ҳикоямизнинг қаҳрамони бўлиши эҳтимол.

Мураббийга ўн беш маслаҳат

Биринчидан, ҳар бир групда шуғулланувчилар орасидан профессионал спортчи бўлиш эҳтимоли бор иқтидорли ёшларни танлаб олиш керак.

Иккинчидан, танлаб олинган болалар билан алоҳида режа асосида ишлаш лозим.

Учинчидан, машқ қилаётган шогирднинг әввалбошдан техник ҳаракатларни түғри бажаришига эътибор қаратиш зарур.

Тўртингчидан, усул ва ҳаракатларни бажариш тезлигини кун сайин секин-аста ошириб бориш даркор.

Бешинчидан, оёқ билан рақибнинг қўлига бериладиган зарбаларнинг жуда аниқ чиқиши учун бу машқни кўпроқ тақрорлаш керак. Чунки айни шундай зарбалар ғалаба қозонишнинг муҳим жиҳати саналади.

Олтингчидан, спортчининг танаси эгитувчан бўлишини таъминлайдиган машқларни ҳам кўп қайтариш фақат фойда келтиради.

Еттингчидан, ҳар бир спорт турида бўлгани каби таэквондода ҳам асабни мустаҳкамлаш ва беллашувга руҳий тайёргарлик кўриш жуда муҳим аҳамият касб этиади.

Саккизингчидан, спортчининг ички дунёсига қўл солиш, яъни унинг Ватанга муҳаббат, атрофидагиларга самимий муносабат ва татамида рақибини ҳурмат қилиш туйғуларини тарбиялаш ҳам музafferликтининг гарови ҳисобланади.

Тўққизингчидан, кундалик машғулотларга пухта ўйланган ўзгаришлар киритиб бориш яхши самара беради. Бунда кўпроқ спарринг усуллари ва бошқа спорт ўйинларидан фойдаланиш мумкин.

Ўнинчидан, ҳар бир машғулот вақти 2 соатдан ошиб кетмаслиги зарур. Ҳафтада фақат бир кун 3 соатлик машғулот ўтказишга руҳсат этилади. Шунда ҳам қўл ва оёқни кучайтиришга қаратилган машқлар 15 дақиқадан ошмаганилиги маъқул.

Ўн биринчидан, профессионал спортчи бўлишини истаган киши кўзгуга қараб машқ қилса, бу жараён беллашув майдонида ўз рақибини доғда қолдириш учун асқотиши амалда исботланган.

Ўн иккинчидан, усул ва ҳаракатларни тошойнага қараб чиройли бажаришни ўргангандан кейин уни шартли рақиб бўлган «спортча қоп»ларда яна қайтариш лозим.

Ўн учинчидан, таэквондода қўл зарбаси муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, ердан тортилиш (отжимание) машқини кўпроқ (ҳар куни 100-150 тагача) бажариш даркор.

Ўн тўртингчидан, ҳамма спорт турларида бўлганидай югуришга кўпроқ эътибор бериш (кунига 3 километрдан ошмаслиги керак) албаттга ўз самарасини беради.

Үн бешинчидан, қайси соҳада бўлмасин профессионал спортчи тайёрлашнинг яна бир муҳим шарти — тўғри овқатланиш ҳақида алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Машғулот тугаши билан тезда овқатланиш ёки муздек нарсаларни истеъмол қилиш спортчининг саломатлигига путур етказади.

Тажрибадан келиб чиқиб, бўлажак спортчиларга қуидагича овқатланиш тартибини тавсия қилиш мумкин. Аввало, сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган салатлар, сузма. Кейин оқсил моддалари ва витаминларга бой гўштли таомлар. Ундан сўнг эса турли мевалардан тайёрланган шарбатлар. Гўштли таом деганимизнинг боиси шундаки, спортчи ҳар куни камида 200 грамм гўшт истеъмол қилиши даркор. Бу овқатлар куч-куват бернишига шубҳа йўқ.

Яна бир зътиборли жиҳат — у ҳам бўлса ҳар бир машғулотдан сўнг спортчига 2-3 дақиқа сокинлик лозим. Бу жараён руҳий медитация дейилади. Медитация давомида спортчи ўз ютуқ ва камчиликларини кўз олдида тасаввур қилиши керак.

Эътироф ёхуд «кatta устоз» ҳақида

Юртимизнинг шундай вакиллари борки, улар бетакрор қобилияти ва маҳорати, жаҳон миқёсидаги ғалабалари билан ўз халқининг салоҳияти, куч-қудратини етти иқлимга намоён этади. Бундай ўғил-қизлар элнинг орият дея аталмиш энг оғир юкини ўз елкасида мардона кўтариб юради. Бу гап, айниқса, спорт соҳасига тегишлидир.

Бугун вояга етаётган ёшларимиз ўртасида каратэ, таэквондо, халқидо, жет-куне-до, кемпо, шотокан, у-шу, турон, кикбоксинг, муайтай каби шарқона яккакурашлар турларига қизиқиши катталиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу спорт турларини дунёнинг 103 та мамлакати томонидан тан олинган Бутунжаҳон жанговар санъатлар уюшмаси бошқарди. Бош қароргоҳи Германияда жойлашган мазкур ташкилот юқорида тилга олинган спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш билан шуғулланади, ўтказиладиган мусобақаларни мувофиқлаштиради. Бу ерда ташкил қилинадиган семинар-тренингларда Жеки Чан, Чак Норрис сингари жанговар санъатларнинг ёрқин намояндалари ҳам фаол иштирок этади.

Аҳамиятли томони шундаки, ана шундай нуфузга эга ташкилот Марказий Осиё минтақасидан фақат бир кишини «Катта устоз», яъни жанговар санъатларнинг бир неча турини мукаммал згаллаған, мазкур спорт турлари бўйича етишиб чиқаётган ёшларни имтиҳон қилиш ва уларга тегимли увонилар бериш ҳуқуқига эга етук мутахассис сифатида эътироф этди. Бу — Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси президенти, Республикада хизмат кўрсатган спорт устози, VI-ДАН қора белбоғ соҳиби, халқаро тоифадаги ҳакам Пўлат Усмоновдир.

Бизнинг маълумот: Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида туғилган Пўлат болалигидан шарқона яккакураш усуллари билан қизиқиб, тинимсиз машғулотлар орқали маҳоратини ошириб, ўзини тоблаб борди. Дастрас каратэ (1978-83), кейинчалик жет-куне-до (1983-89) билан мунтазам шуғулланиб, устозларидан ушбу спорт турларининг сир-асрорларини қунт билан ўрганди.

1989 йилда таэквондо оламида кўзга кўринган мутахассис Кан Пен Ми Тошкентга келиб кичик бир гуруҳдан иборат тўгарак очди. Пўлат ҳам ҳар куни эрталаб ва кечқурун Тўйтепадан ана шу машғулотларга етиб келарди. Мазкур машғулотларда қатнашганларнинг беш нафари, жумладан, Пўлат Усмонов ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб қора белбоғ соҳиби бўлди.

Эришган ютуқлари, етиштирсан шогирдларининг муносиб ғалабалари учун П.Усмонов 2000 йилда мамлакатимизнинг «Энг яхши спорт мураббийи» деб тан олиниб, «Замин юлдузлари» мукофотига сазовор бўлди. Айнан шу йили унга Президентимиз фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» увони берилди.

Ҳа, Пўлатни бугун спорт олами тан олиб турибди. Лекин у бундай эътирофга эришиш, халқимиз эъзозинга лойиқ бўлиш учун кўп мashaқатларни енгиб ўтди.

П.Усмоновнинг Таэквондо миллий ассоциацияси президенти сифатида амалга ошираётган ишлари ҳам диққатга сазовор. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Ўзбекистонда мазкур спорт турини ривожлантириш, ўтказиладиган ҳар бир машғулотни ёшларнинг тарбияси билан уйғун ҳолда олиб бориш, уларни Ватанга садоқатли, мард ва фидойи инсонлар қилиб вояга етказишга қартилганни. Шунинг учун ҳам ассоциация фаолиятида спортчи-

ларда ватанпарварлык түйғуларини тарбиялаш йұналиши ассоциацияның мезон қылиб белгиланған.

Холоса ўрнида таъкидлаш жоизки, «Катта устоз» билан гурнгимиздан аән бўлишича, юртимиз таэквондо чилари бундан кейин каскадёрлик бобида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Бутунжаҳон жанговар санъатлар уюшмаси ана шундай ҳуқуқ берувчи лицензияни ҳам Марказий Осиёда фақат бизнинг қаҳрамонимизга тақдим қилган.

БИЗНИНГ ЧЕМПИОНЛАР

Ким Алевтина — Жаҳон чемпиони (1997 йил Санкт-Петербург, 1999 йил кумуш совриндори, 2003 йил кумуш совриндори).

Ногай Моисей — Жаҳон чемпиони (1996 йил Чехия), бронза совриндори (1997 йил Санкт-Петербург), бронза совриндори (1999 йил Аргентина), Осиё чемпиони (2002 йил Остона).

Эргашев Акмал — Осий чемпиони (2002 йил Остона), Жаҳон чемпиони (2003 йил Греция).

Кан Евгений — Кумуш медал совриндори (1995 йил Польша), Халқаро турнир чемпиони (1996 йил Ирландия, Дублин), Жаҳон чемпионати кумуш совриндори (1997 йил Санкт-Петербург).

Сагитова Луиза — Жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори (1995 йил Польша), Жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори (1997 йил Санкт-Петербург), Жаҳон чемпионати бронза совриндори (1999 йил Аргентина).

Хегай Инна — Жаҳон чемпионати кумуш совриндори (1994 йил Малайзия), Жаҳон чемпионати кумуш совриндори (1997 йил Санкт-Петербург), Жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори (2001 йил Италия), Осиё чемпиони (2002 йил Остона).

Султонгариева Феруза — Жаҳон чемпиони кумуш медал совриндори (1997 йил Санкт-Петербург), Халқаро турнир кумуш медал (1996 йил Дублин), Жаҳон чемпионати бронза совриндори (1996 йил Чехия).

Шұхратжонова Шаҳноза — Жаҳон чемпионати кумуш медал (1996 йил Чехия), Жаҳон Чемпионати кумуш совриндори (2000 йил Корея), Жаҳон чемпионати кумуш медал (2001 йил Санкт-Петербург), Осиё чемпиони (2002 йил Остона).

Бектемирова Флюра — Жаҳон чемпионати кумуш медал (2000 йил Корея), Жаҳон чемпионати кумуш совриндори (2001 йил Италия), Осиё ва Очиқ Европа чемпиони (2000 йил Остона, Санкт-Петербург).

Умерова Наргиза — Осиё ва Очиқ Европа чемпиони (2002 йил Остона, Санкт-Петербург), Жаҳон чемпионати кумуш медал (2002 йил Корея) 2001 йил Осиё чемпиони ва Очиқ Европа чемпионати ғолиби.

Соипова Дилфузә — Жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори (2000 йил Корея), Халқаро турнир ғолиби (2001 йил Дублин).

Юнусова Нигора — Жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори (2000 йил Корея), Халқаро турнир ғолиби (2001 йил).

Ким Ира — Жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори (2000 йил Корея), Халқаро турнир ғолиби (2001 йил Дублин).

Ҳайдаров Озод — Жаҳон чемпионати бронза медал совриндори (1999 йил Аргентина).

Арзиматова Диляноза — Очиқ Европа чемпионати ғолиби (2002 йил Лондон), Осиё чемпиони (2002 йил Остона).

Кабулова Диана — Осиё чемпиони (2002 йил Остона) ва Халқаро турнир ғолиби.

Давирова Шаҳло — Осиё чемпиони (2002 йил Остона).

Аҳмедова Луиза — Осиё Чемпиони (2002 йил Остона) ва Халқаро турнир ғолиби.

Содиков Сардор — Халқаро турнир ғолиби.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМИД НИҲОЛЛАРИ

«Ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанини ҳимоя қилишига, уни улуғлаш, қудратига-қудрат қўшишга, ҳалқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз».

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари иштирокчиларнга йўллаган табригидан ана шундай салмоқли, айни пайтда самимий фикрлар, ният ва тилаклар ўрин олган. Бу дилномасининг ҳар сатрида қуёшли юртнинг ёшлари эртага қуёшдек порлаши учун кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрлик, фарзандлар камолини кўриш истаги сезилиб туради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми бўлган уч босқичли спорт тизимининг ёшларимиз ўртасида кучли оммавий ҳаракатга айлангани нафақат устоз-мураббийлар, балки барча ота-оналарни ҳам мамнун қилмоқда. Чунки ҳар қайси ҳалқ ва миллат ўз фарзандларининг ҳар томонлама етук, соғлом ўсишини орзу қиласди. Шу маънода, қадим Хоразм воҳасида ғолиблик учун ҳалол, мардона курашган, мақсадга етишишда ўз қатъияти, чидам ва бардошини намойиш қилган ёшларни тараққиёт чўққиларини навбатма-навбат эгаллаш йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг чинакам умид ниҳоллари, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди.

«Умид ниҳоллари — 2003» мусобақаларининг биринчи босқичи 9690 та умумий ўрта таълим мактабларининг 5,4 миллиондан ортиқ ўқувчиларини қамраб олди. Шаҳар ва вилоят саралаш босқичи натижалари бўйича ғолиб бўлган 2114 нафар ўқувчи эса финал беллашувларида иштирок этди.

Фарғонадаги мусобақалардан фарқли ўлароқ, бу галги ўйинлар дастуридан қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом вояга

етишида муҳим аҳамият касб этувчи бадиий гимнастика ҳам ўрин олди. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Баркамол авлод эса юртнинг корига ярайди, оғирини енгил қиласи, Ватан обрўсини юксалтириш, шуҳратини ошириш учун курашади.

Мусобақалар даврида уюштирилаётган маданий тадбирлар, қадимий обидалар билан танишув ёшлар дунёқарашига нақадар ижобий таъсир кўрсатадиганинг уларнинг иштиёқ-ла чақнаётган нигоҳларидан, ўзаро муносабатларидан ҳам англаш мумкин. Қатнашчиларнинг кўпчилиги гўзаллик нимада, деган саволга айнан мана шу тадбирлардан сўнг тугал жавоб топаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Албаттга, шижаотли, интилувчан, ташаббускор бўлиб вояга етган навқирон авлод эртага халқ ҳўжалигининг турли соҳаларини ҳар томонлама чиниқсан, билимдон ва малакали мутахассис сифатида тўлдиради. Бундан халқимиз, элу юртимиз манфаат кўради.

Қиёс ва ғурур

Жанубий Корея ва Японияда футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланиши арафасидаги кунлар эсингиздами? Телевизорни қайси каналга тўғриласангиз ҳам бўлажак ўйинлар мана шундай муҳташам стадионларда ўтказилади, дея ёпиқ спорт мажмуалари бот-бот кўрсатиларди. Рости, ўшанда кўпчилик қаторида мен ҳам ширин орзулар оғушида ажаб ҳавас билан ойна жаҳонга тикилиб ўтирадим. Айниқса, вертолёт ёрдамида юқоридан тасвирга туширилган лавҳалар стадионларнинг гўзаллигини, модомики, менинг ҳаяжонимни янада оширади.

Тақдир тақозосини қарангки, жаҳон чемпионати ниҳоялангандан кейин бир ой ўтмасдан Жанубий Кореяда хизмат сафаридан бўлдим. Қизиқарли футбол ўйинлари ўтказилган, қарийб бир йил давомида реклама қилинган стадионларнинг бир нечтасини ўз кўзим билан бориб кўрдим. Бунёд этилган мажмуаларга разм солиб турарканман, бизда ҳам шундай гўзал ва қулай спорт кошоналари қурилармикин, деган фикр хаёлимни банд қилганди.

Орадан бир йилча ҳам ўтгани йўқ. Аммо юқоридаги орзунинг рёёби кўз олдимда мана-ман, деб гавдаланиб турибди. Ушал ажаб ҳавасдан асар ҳам қолмади. Энди бошқалар бизга ҳавас қилишашапти.

Бугун зилол сувга тўлиб оқаётган, бир неча йил қурғоқчиликдан қийналган маҳаллий аҳолига ризқ-насиба улашаётган Амударё бўйида қад ростлаган «Хоразм» ёпиқ спорт мажмуаси ҳар ҳандай кишининг зътиборини тортади. Унинг жиҳозланиши, қулайлиги жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Бу ердаги енгил атлетика бўйича баҳслар ўtkазиладиган йўлакчаларнинг ўзи ҳақида алоҳида мақола ёзиш, кўрсатувлар тайёрлаш мумкин.

Қўли гул уста ва қурувчиларнинг фидокорона меҳнати эвазига қисқа муддат ичида бунёд этилган стадион шунчалар чиройлики, бундай жозибанинг бутун борлиғидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлсин, дея Ўзбекистон телевидениесининг оператор ва режиссёrlари уни вертолёт ёрдамида юқоридан тасвирга туширишди, муҳлисларга намойиш этиши. Ҳали яна кўп кўрсатилади. Ана энди Жанубий Корея ва Япония билан қиёслаб, солиштириб истаганча фурурлансангиз арзиди. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга шукrona қўлсангиз ярашади.

Мўъжиза

Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари Хоразмда ўтказилиши туфайли вилоятда биргина стадион қурилибди, деганлар қаттиқ янгишади. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш самараси нафақат Урганч шаҳрида, балки ҳар бир туман ва қишлоқда бўй кўрсатиб турибди. Энг муҳими, бундан шу ишларни ўз қўли билан амалга оширган маҳаллий аҳолининг димоги чоғ, кайфияти баланд. Айниқса, Урганч Олимпия захиралари коллежи ёнидан ўтадиган киши бир зўм тўхташи, унинг муҳташамлигига гурур билан тикилиши табиий.

Келинг, бу кошонанинг қанчалик қулайлиги, нақадар зўрлиги ҳақидаги бадиий бўёқ ва таърифлардан озроқ чекиниб, таникли мутахассис Роман Исаевич Ицковнинг ушбу колледж хусусидаги фикрларига қулоқ тутайлик.

— Мен Атланта ва Сидней олимпиадаларида бевосита иштирок этганиман. Шунинг учун ҳам ҳозир кўп ишлатилаётган жаҳон андозаларига тенг, деган иборанинг мазмун-моҳиятини жуда яхши тушунаман. Урганч Олимпия захирлари колледжининг спорт инвентарлари Сиднея олимпиадасида фойдаланилган жиҳозларнинг сифати ва қулайлиги билан бир хил. Колледж ҳудуди ва спорт залларининг кенглигига, ҳар қадамда меъморчиликнинг

шарқона усуллари сезилиб турганига ҳатто ўша австралиялик-лар ҳам ҳавас қилишига шубҳа йўқ.

Роман Исаевич таърифини келтираётган жой бир йил аввал шўри оқариб турган очиқ майдон эди. Ҳозир-чи? Мўъжизага менг-заш мумкин бўлган кошонани кўриб кўзингиз қувнайди. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади. Йўлин-гиз тушса, келажаги буюк Ўзбекистоннинг умид ниҳоллари бир ҳафта меҳр оғушида яшаган Хоразм воҳасида бирпас тўхтасан-гиз ҳеч ҳам афсусланмайсиз.

Акбар чопоғон ва Умидбек

Акбар Аббосхонов Бағдод туманидаги I-сон иқтидорли болалар лицейида тарих фанидан сабоқ беради. Вали Султонов эса Хоразм вилояти футбол бўйича ўқувчилар терма жамоаси бош мураббийи. «Умид ниҳоллари — 2003» мусобақалари ўтаётган кунлари улар ҳақида кўп самимий тилаклар айтилди.

Акбар Аббосхонов уч йил олдин оғир хасталикка чалингач, тиббиёт ходимлари унга кўпроқ пиёда юриш, югуришни тавсия қилишган.

— Ҳозир соппа-соғман, — дейди Акбар. — Югуриш туфайли касалликдан қутулганим учун мана шу мусобақаларнинг ҳар бирига юбуриб келишни ният қилганман. Фарғонадан Хоразмга еттунча 1500 километр йўл босдим. Эндиғи сафарим Андижонга бўлади. «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очишишга етиб боришини мўлжаллаганман.

Мусобақалар ўтаётган кунлари иккинчи қаҳрамонимизнинг бир оёғи футбол майдонида, бошқаси түғруқхонада бўлди. Шунинг учун ҳам уч нафар қизнинг отаси В. Султонов ўғил кўрибди, деган хабар жуда тез тарқалиб кетди. Бу орада Валининг шогирдлари устоз учун ажойиб совға — футбол бўйича беллашувларнинг олтин медалини тұхфа этишди. Шунинг учун ҳам Султоновлар оиласидаги жажжи ўғилчага Умидбек дея исм қўйишиди.

Халқимиз орасида «кичик олимпиада» номини олган мазкур спорт ўйинлари ўтаётган кунларда юртнинг яна бир Умиди, яна бир Ниҳоли дунёга келди. Бу ниҳоллар бир кун албатта азим чинорга айланажак.

2003 йил, май
Хоразм

Талабалар универсиадаси

НАМАНГАНДАН САМАРҚАНДГАЧА

*Ер юзининг сайқали деб ном олган қадимий ва ҳамиша нақчи-
рон Самарқандда Ўзбекистон талаба ёшлиарининг учинчи универ-
сиадаси ниҳоясига етди.*

*Бирор анжумандада қатнашаётган ва уни ёритаётган омма-
вий ахборот воситаси ходимининг фаолияти нақадар самарали
кечизи ижодкорнинг мазкур жараённи қай даражада синчков-
лик билан кузата олиши, бир қараашда оддий кўринган камчилик
ва ютуқларнинг эртанги сабаб-оқибатлари ҳақида жамоатчи-
ликни мулоҳаза юритишга ундовчи хуносалар чиқара билишига
кўп томонлама боғлиқ.*

*Тўрт йил мобайнида ён дафтарчадан үрин олган ва бугун сиз-
нинг эътиборингизга ҳавола этилаётган таққос ҳамда таҳлилла-
римизни ана шундай кузатувларнинг маҳсули, деб қабул қиласиз.*

Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ана шу вақт мобайнида
ёшлиарни оммавий спортга жалб этишининг уч босқичли узлуксиз
тизими мусобақаларининг савияси тобора ортиб бормоқда. Бу
нарса нафақат спорт ўйинлари иштирокчиларининг сон-миқдор
жиҳатдан кўпайганида, балки сифат кўрсаткичларининг яхши-
ланиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Илк бор Наманганда ўтказилган «Универсиада — 2000» мусобақаларининг финал босқичида спортнинг 9 тури бўйича 1712
нафар талаба иштирок этган бўлса, Бухорода бўлиб ўтган бел-
лашувларда спорт турлари 12 тага етди. Жаҳон андозалари да-
ражасида бунёд этилган ва қайта таъмирланган замонавий
спорт мажмуаларида 2320 нафар талаба ғалаба иштиёқида май-
донга чиқди. «Универсиада — 2004» спорт ўйинларида эса Қо-
рақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят-
лардан 3258 нафар талаба спортнинг 14 тури бўйича ўзаро баҳс
олиб борди.

Дастлабки универсиадада Тошкент шаҳрида тайёргарлик кўрган талаба-спортчилар вилоятлардан келган тенгдошлари ни катта устунлик билан мағлубиятга учратган бўлсалар, Самарқандда ўтган беллашувларда бундай ҳолат деярли сезилмади. Бу эса умумий ўрта, ўрта маҳсус, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талаба ёшларини қамраб олувчи узлуксиз спорт тизимининг барча вилоятларда изчил жорий этилгани ўз самарасини бера бошлаганидан далолатдир.

Мазкур тизим ҳаётга жорий этила бошлагандан кейин жойлардаги маҳаллий талаба қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига бўлган қизиқиши ортиб бораётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, Бухорода ўtkazilgan мусобақаларда 983 нафар талаба-қиз иштирок этган бўлса, Самарқандда уларнинг сони 1100 нафардан ошли. «Универсиада — 2000» спорт ўйинларида волейбол бўйича Сирдарё вилоятидан қизлар жамоаси умуман қатнашмаган бўлса, Самарқандга ушбу вилоят вакиллари ўз маҳоратини намойиш эта олган жамоа билан ташриф буюрди.

Инсоннинг жисмоний жиҳатдан соғлом ва баркамол вояга етишида муҳим аҳамият касб этадиган, аммо маълум сабабларга кўра мамалакатимизда оммавий равишда ривожланмаган сузиш, енгил атлетика сингари спорт турларига бўлган қизиқиш мазкур мусобақалар таъсирида йилдан-йилга ортаётганини ижобий ўсиш сифатида келтириш мумкин. Масалан, Бухорода ўtkazilgan баҳсларда сузиш бўйича 86 нафар талаба иштирок этган бўлса, Самарақандда уларнинг сафи юздан зиёд бўлди. Енгил атлетика беллашувларида қатнашаётган спортчи-талабалар ҳам ўн нафарга кўпайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, аввал ўtkazilgan универсиадаларда фақат яkkакураш турлари кескин беллашувлар остида ўтган бўлса, эндиликда волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол каби жамоавий ўйинлар савияси ва унда қатнашаётган талабаларнинг маҳорати тубдан ўзгарди. Мусобақаларда иштирок этаётган йигит-қизларнинг тактик-техник имкониятлари юқорилаётганини беллашувларни бошқараётган тажрибали ҳакамлар ҳам эътироф этишмоқда.

Ана шундай ижобий ўзгаришнинг сабабини, назаримда, бу йилги қатнашчиларнинг аксарияти олий таълим муассасаларига ўқишга киргунга қадар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллек-

лари ва академик лицейларда маълум бир спорт тури билан мунтазам шуғуллана бошлагани, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ўйинларида иштирок этганидан излаш ўринли бўлади.

Уч босқичли тизим мусобақалари баҳонасида жойларда янги қурилаётган ва қайта таъмирланаётган спорт иншоотларининг сифати, ўлчам-кўрсаткичлари замон талабларига мослаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, талабаларга юқори натижа кўрсатиш имконини бераётир. Мисол учун, Бухорода сузиш баҳслари кичик (25 метр) сув ҳавзасида ўтказилган бўлса, Самарқандда бунёд этилган янги бассейн жаҳон андозаларига мос равишда 50 метрни ташкил этади. Шунингдек, эндиликда енгил атлетика мусобақалари ҳам ҳар қандай нуфуздаги халқаро баҳсларни ўтказиш мумкин бўлган энг замонавий қопламалар билан жиҳозланган стадионларда ташкиллаштирилмоқда.

Мусобақаларни, айниқса, навқирон авлод вакиллари ўртасида ўтказиладиган баҳсларни адолатли бошқариш катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шуни ҳисобга олиб ўтган давр мобайнида Ватанимизда мазкур ўйинларининг барча босқичларини Олимпия қонун-қоидалари асосида баҳолаб борувчи малакали ҳакамлар мактаби яратилди.

Шу ўринда бу мусобақаларнинг яна бир ўзига хос тарбиявий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. 2000 йили Намангандаги бўлиб ўтган финал баҳсларида спортчи-ёшлар вилоятига қараб алоҳида-алоҳида ётоқхоналарга жойлаштирилган бўлса, кейинги пайтда бу борада спорт турларига қараб тақсимлаш тамоили қўлланилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган ёшларнинг яқин дўст тутинишига, алоқаларини кейинчилик ҳам давом эттиришларига, пировардида шу эл, шу юрт иқболи-истиқболи учун бир мушт бўлиб бирлашишга замин яратаяпти. Бошқача айтганда, ушбу спорт анжуманлари аҳиллик, дўстлик, биродарлик уруғини сочмоқда.

Яна бир жиҳати, спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари орқали ўсиб келаётган ёшларда юксак ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини тарбияловчи, уларни битта Ватан, ягона халқ шиори остида бирлашишга даъват этувчи ғоявий-бадиий йўналиш шакллантирилди.

Юз берәётган ҳар қандай жараён, воқеа ва янгиликларни жамоатчиликка ўз вақтида етказишида оммавий ахборот восита-

ларининг тутган ўрни бўлакча. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, уч босқичли спорт ўйинларини матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритиб борувчи ихтисослашган журналистлар, шунингдек, уни халқаро Интернет тизими орқали бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида веб-сайтлар яратувчи ижодий-техник гуруҳлар муваффакиятли иш олиб бораётганини, энг муҳими, мамлакатимизда ташкил этилаётган ёшларнинг ўзига хос спорт байрамига яқин ва узоқ хорижда қизиқиш тобора кучайдиганини мамнуният билан таъкидлаш керак.

Бугунги кунда спорт ҳар қайси давлат ва мамлакатнинг кучкүдратини, салоҳиятини намойиш этадиган, халқни бирлаштирадиган, унинг руҳини кўтарадиган кучли ва таъсирчан омилга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ёшларининг «Умид ниҳоллари», Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари юртимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришда давлатимиз раҳбариятининг узоқ ва давомли мақсадларидан бири эканлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

2004 йил, июн
Самарқанд

«Бизда ҳозир минглаб янги замонавий лицей ва коллежлар қурилган, уларда қанчадан-қанча болалар ўқимоқда. Ўзингиз ҳисобланг, ҳар бир коллежда ўртacha 800 нафардан 1000 нафаргача йигит-қизлар таълим-тарбия олмоқда. Улар замонавий билимларни, компьютер ва хорижий тилларни ўрганимоқда.

Шу кичик мисолнинг ўзидан келиб чиқиб, айтинг-чи, бу ёшлар ўрта асрларга хос тартибларга қайтишига, бу қизлар паранжси ёпинишга рози бўладими? Бугунги кунда ёшларимизнинг 60 фоизи Интернетдан фойдаланмоқда. Жамиятда конституция ўрнида шариат қоидаларига амал қилишини, судъя ўрнига қози ўтиришини, суд мајслиси ва муҳокамасиз, жиноят қонунчилигисиз инсоннинг устидан кўр-кўронга ҳукм чиқарилишини бугунги кунда ким ҳам истайди?»

Ислом КАРИМОВ

ҚУТЛУФ КАРВОН ҚЎНФИРОҚЛАРИ

Унинг овозини сиз ҳам эшитяпсизми? Тобора баландроқ янграяпти, борган сари кучлироқ жаранглаяпти. Учта узвий бўғиндан иборат бу карвон ўтган манзиллар — Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андикон, Самарқанд ва Тошкент вилоятидаги ободончилиг-у бунёдкорликдан кўз қувнайди. Ана шу воҳаларнинг ёшлиқ ва гўзаллик, спорт ва шижаот маскани сифатида қайта чирой очиши эртанги кунга бўлган ишончни яна-да мустаҳкамлади. Ватанимизнинг миллионлаб навқирон ўғил-қизларини миллий форя, битта байроқ остида жипслаштирган бу қутлуф карвон энди Қашқадарё ва азим пойтахт орқали Қоракалпоқ диёри томон отланди...

Умуммиллий узлуксиз спорт ҳаракати модели

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор берилди. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун жисмоний тарбияни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини кенг ривожлантириш давлат сиёсати дарајасига кутарилди.

Эркин ва-озод, ҳақ-ҳукуқларини танийдиган, фақат ўз кучи ва имкониятларига ишониб яшайдиган, эл-юрт манфаати учун бутун борлиги билан курашадиган инсонларни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг аҳамияти беқиёс эканини ҳисобга олиб, бу борада ўзига хос яхлит тизимни шакллантириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бироқ ана шу долзарб вазифани бажариш учун, аввало, ўқувчи ва талаба ёшларни спорт машғулотларига таълим доирасида узлуксиз жалб қила оладиган, уларни соғломлик ва комиллик foялари руҳида тарбиялайдиган оммавий ҳаракатни шакллантириш зарур эди.

Жаҳон тажрибасида барча таълим босқичларини ўзаро боғлайдиган спорт тизими ҳали йўқлиги учун мутлақо янги ҳаракатни шакллантириш ниятида тинимсиз изланишлар олиб борилди. Бунинг самараси ўлароқ, Ҳалқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли спорт ташкилотлари ташаббуси билан ўқувчилар дастлаб турли машғулот ва мусобақаларга жалб қилинди. Лекин бу борадаги мақсад-муддаони реал ҳаракатга айлантиришнинг аниқ модели, тегишли механизмлари яратилмагани сабабли мазкур уринишлар кутилган натижани бермади.

Фақат Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги узлуксиз таълим модели ҳаётга жорий этилганидан кейин унга ўй-фун ҳолда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» оммавий спорт мусобақаларини қамраб олган уч бўғинли ягона тизимга асос солинди. Ана шу яхлит тизим негизида умуммиллий узлуксиз спорт ҳаракати модели юзага келди.

Беш йилда саккизта анжуман

Мустаҳкам занжир янглиғ узвий боғланган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг ҳаётга жорий этила бошлаганига ҳам, мана, беш йил тўлди. Бу вақт ичида «Универсиада» ва «Баркамол авлод» мусобақалари уч мартадан, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари эса икки бор ўтказилди.

Мен ана шу тадбирларнинг барчасида бевосита иштирок этдим. Таъбир жоиз бўлса, буюк келажагимизни кўзлаб йўлга чиқкан бу қутлуг карвонни дастлабки қадамларидан бошлаб диққат билан кузатиб келяпман. Айни пайтда анжуманларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларидан тортиб, талаба ҳамда ўқувчиларнинг қизғин, муросасиз беллашувларда қандай азму шижоат, қатъияту матонат кўрсатгани, ўзаро ҳурмат, мустаҳкам ирода билан кўпчиликнинг ҳавасини ўзига тортиши, Ўзбекистоннинг янги авлоди вакиллари сифатида юксак чўққиларни забт этгани, бир сўз билан айтганда, бу мусобақалар ёшларни тарбиялаш йўлидаги улкан ишларнинг узвий бир қисмига айланниб қолгани халқимизга яхши маълум.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигига қаратилган мазкур анжуманларнинг савиаси йилдан-йилга кўтарилиб, мусобақаларни халқаро андозалар даражасида ўтказишнинг ташкилий-техник жиҳатлари тобора такомиллашиб бораётгани, айниқса, эътиборга молик. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бу ўйинлар том маънодаги жисмоний, маънавий куч ва имкониятлар синови, ёшлиқ ва гўзаллик, спорт ва нафосат байрамига айлангани барчамизни қувонтиради.

Дунё мамлакатларида ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли даражадаги спорт мусобақалари кўп ўтказилади. Аммо уларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишининг аниқ мақсаддага қаратилган уч босқичли бундай узлуксиз тизими жаҳоннинг ҳеч бир давлатида учрамайди. Бунга илк бор Ўзбекистонда асос солинди. Чунки ўз фарзандларининг баркамоллигига интилган жамиятгина шундай мусобақаларни ташкил қила олади, бу йўлда кучни ҳам, маблагни ҳам аямайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида ишлаб чиқилган мазкур тизим бугун мамлакатимизда таҳсил кўраётган ёшларнинг барча қатламла-

рини тұла қамраб олди. Бундай имконият туфайли спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик әхтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хунар колледжларида ёшларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолади. Университет ва институтларда эса талабалар ушбу тизим орқали нуфузли ҳалқаро майдонларга йўл олмоқда, юксак шоҳсупаларни забт этмоқда.

Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида ниҳоясига етган «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари ҳам фикримизни яққол тасдиқлади.

Қувончли ўсиш-ўзгаришлар

Агар Жizzах вилоятида уюштирилган биринчи «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал беллашувларида 1828 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, жорий йилда Тошкент вилоятидаги ўтказилган мусобақаларда бу рақам 2170 нафарга етди. Шу давр мобайнида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўғил-қизларни қамраб олиш доираси кенгайгани таҳсинга лойиқ. Агар биринчи бор ўтказилған ўйинларнинг қуи босқичларида 370 мингдан ортиқ ёш спортчи иштирок этган бўлса, бу йилги мусобақаларнинг қуи босқичларида 645 минг нафардан зиёд ўқувчи қатнашиди.

Жizzах вилоятида старт олган ўйинларда ўқувчилар спортнинг 8 тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилиш имконига эга бўлган эди. Тошкент вилоятидаги йигит-қизларнинг иродасини тобладиган, жисмоний ва маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қиласидиган спорт турлари яна 5 тага кўпайди. Эндиликда Олимпия захиралари колледжлари ўқувчилари ҳам мазкур беллашувларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлгани яна бир янгилик дир. Чунки ҳозирги вақтда деярли барча вилоятларда, баъзи туман ва шаҳарларда ҳам ана шундай ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар давомида мазкур ўйинларни ҳар томонлама хавфсиз, тинч ва осойишта ўтказиш, мусобақа иштирокчиларининг кўнгилли ва мароқли дам олиши учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган матърифий-маданий тадбирларни ташкиллаштиришнинг ихчам ва самарали тизими шакллантирилди.

«Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг нуфузини янада ошириш, ўқувчилар орасида миллатлараро тотувлик мұҳитини

яратиши, жисмоний тарбия соҳасидаги ютуқларни бадиий тасвирилаш орқали спортга бўлган қизиқиши кучайтириш, қолаверса, ўсиб келаётган истеъодларни қўллаб-қувваташ мақсадида ёш рассомлар асарларининг кўргазмасини ташкил этиш анъанага айланди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган ўқувчиларнинг тасвирий санъат асарларидан намуналар тақдим қилинади. Айтиш мумкинки, Чирчиқ шаҳрида бунёд этилган янги манежда бўлиб ўтган бу галги кўргазма ҳам тенгдошларининг бадиий истеъодидан баҳраманд бўлган ёшлар билан гавжум бўлди.

Ягона ва бетакрор

Кейинги йилларда шаклланган анъаналардан яна бири — «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичи қайси вилоятда ташкил этилиши мўлжалланса, ўша ерда табиий равишда жаҳон стандарти талабларига тўлиқ жавоб берадиган ўнлаб муҳташам спорт иншоотлари қурилмоқда. Мисол учун, «уч босқичли узлуксиз тизим» деб аталмиш карвоннинг қадами Чирчиқда ҳам қутлуғ бўлди. Бу ердаги биргина Олимпия захиралари коллежининг ёшу қарини ҳайратга солаётган, мавжуд имкониятлари жиҳатдан Марказий Осиёда ягона бўлган муazzзам спорт манежи, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, замонавий стадион ва ўқув биноларини кўрган киши бу ҳақиқатга чин дилдан ишонч ҳосил қиласди.

Умумий сатҳи 5012 квадрат метрга teng бўлган спорт манежида бир вақтнинг ўзида енгил ва оғир атлетика, минифутбол, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, стол тениси, бадиий гимнастика, дзюдо, кураш каби 15 та спорт тури бўйича мусобақа ўтказиш мумкин. Унинг томошабинлар ўтирадиган қисми 2500 мухлисни сиғдира олади. Спорт шарҳловчилари учун мўлжалланган 16 та алоҳида хона, матбуот анжуманлари учун 55 ўринли зал, тиббиёт соҳаси ходимларининг ишини ташкил этишга мўлжалланган замонавий шарт-шароитларнинг мавжудлиги манежнинг жаҳон андозалари даражасида барпо этилганидан далолатdir.

Ушбу ноёб иншоотнинг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ягона ва бетакрор деб аталаётгани бежиз эмас. Биринчидан, у миллий ва замонавий меъморлик усуслари уй-

ғунлаштирилган ўзига хос ечимга эга. Иккинчидан, мазкур мажнү неж йилнинг ҳар қандай фаслида ҳароратни бир хилда сақлаб туро оладиган иситиш ва совутиш тизими билан жиҳозланган.

«WWW. Barkamol avlod. UZ»

Давлатимиз раҳбари, барча ахборот воситалари қатори Интернет ҳам ёшларимиз учун катта имкониятлар эшигини очишини таъкидлаб, «Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга боргандада, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак», деган фикрни айтган эди.

Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар Интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин, Интернет сайтларидағи ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргансин. Бу информация, яъни таклиф этилаётган молнинг қайси бири менга маъқул ва фойдали, деган савонли ўзига бериб, мушоҳада юритадиган бўлсин.

Бу борада ишни тўғри ташкил этиш, Интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун Юртбошимиз мазкур халқаро ахборот тармоғини миллый маълумотлар билан тўлдириш зарурлигини ҳам уқтирган эди.

Биз баъзан Farb маданияти тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан сўзлаймиз. Бу шундай кучли оқимки, унга қарши чиқишининг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга керакли, миллый формиз, миллый манфаатларимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат.

Ана шу хулоса ва кўрсатмалардан келиб чиқсан ҳолда, «Barkamol avlod» спорт ўйинлари маҳаллий газета-журналлар, радио-телевидениеда ёритилишидан ташқари, мусобақалар натижалари, қизғин беллашувлардан олинган фотолавҳалар Интернетда очилган алоҳида сайтга кунма-кун киритиб борилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Узбек, рус, инглиз тилларидағи «WWW. Barkamol avlod. UZ» деб номланган ушбу сайтга Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Миср, Истроил, Россия, Туркия, Франция, Чехия, Украина сингари 15 та хорижий давлатдан юзлаб мурожаатлар бўлди.

Андижон ёшларининг амалдаги жавоби

Одамлар борки, ўзининг бутун саъй-ҳаракати, эзгу мақсади, олижаноб ишлари билан дунёдан ўтганларнинг руҳини шод этиб, номларини абадийликка даҳлдор қилишни, кўпчиликка наф етказишни ўйлаб яшайди. Одамлар борки, қора нияти, ақл бовар қилмайдиган ғаламислиги билан бегуноҳ инсонларни ўлдириш билан шугулланади. Лекин уларни одам деб аташ мумкинми ўзи?

Бу гапни улуғ донишманд эмас, оддий бир юртдошимиз — пойтахтимизнинг табаррук қадамжоларидан бири бўлмиш «Шаҳидлар хотираси» мажмуини зиёрат қилгани келган мўйсафида отахон айтди.

Топиб айтди. Рост сўзни, бор гапни кексаларга хос самимият ва вазминлик билан, шу билан бирга, дангал айтди.

Дарҳақиқат, ён-атрофимизга теран нигоҳ ташлайдиган бўлсак, кимдир ўтганларни хотирлаш ва ҳаёт бўлганларни қадрлаш, бутун мамлакатни бунёдкорлик ишлари билан обод қилиш, халқимизнинг дунёда эркин ва фаровон яшаши учун туну кун тинимсиз бош қотирмоқда, янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Айниқса, «Фарзандларимиз биздан кўра кучпи, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлсин», деган умуммиллий шиор асосида ёшларга барча соҳаларда шарт-шароитларни яратиш, таълимни ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, юртимиздаги барча ўқувчи ва талабаларни қамраб олган уч босқичли узлуксиз спорт тизими таркибидаги мусобақаларини юксак савияда ўтказишга катта эътибор бермоқда. Бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз равнақи учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда.

Айрим кимсалар эса қандайдир ҳом хаёллар гирдобида қолиб, четдан берилаётган ғаразли садақаларга қул бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаётган ҳарбийларни ўлдириш, эмин-эркин меҳнат қилаётган, ўз келажагини ўз қўли билан қураётган халқнинг осойишталигини бузиш, бунёдкорлик мўъжизаларига, санъат кошоналарига ўт қўйиш, хуллас, ёвузлик ва вайронкорлик билан овора.

Одам ўйлаб ўйига етолмайди. Наҳот бу кимсалар ҳам шу юртнинг фарзанди бўлса? Ахир турли мудҳиш портлатиш мосламаларини ишлаб чиқишига етган ақлини улар кўпчиликка

фойдаси тегадиган ишларга сарфлаши мумкин эди-ку! Ёхуд билаги кучга тўлган экан, уни ёт foялар тарғиботчиларининг сариқ чақасига сотмасдан, спорт майдонларида она Ватан шаънини ҳимоя қилиш, унинг номини бутун дунёга тараннум этишга бахш қиласа бўлмасмиди?

Ана шундай мияси заҳарланган кимсаларга Андижон ёшлири сўзда эмас, амалда муносиб жавоб қайтаришди. Вилоят ўрта маҳсус таълими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиши бу ёшлар ўзи учун қандай йўлни танлаганинг намойишни, соғлом турмуш тарзининг, эзгуликнинг ҳамиша ғолиб эканлигининг яна бир исботи бўлди. Муҳим жиҳати, улар икки йил олдинги мавқеларини сақлаб қолиб, қандай шиҷоат, ирода ва матонатга эгалигини барча-барчага кўрсатишиди. Бундай ёшларни ҳеч ким танлаган йўлидан қайтара олмайди, ҳеч бир куч енголмайди, қарам қила олмайди.

* * *

Қутлуғ карvon қўнғироқлари. Унинг овозини сиз ҳам эшитяпсизми? Тобора баландроқ янграётганини, борган сари кучлироқ жаранглаётгани чексиз уммонлар кўйнидаги австралияликлар ҳам эштишиди. Сарбон ўз карвонини Наманганд, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан катта муваффақият билан олиб ўтганинг хуш дараклариdir бу. Ана шу воҳаларнинг ҳар қайсиси ёшлик ва гўзаллик, спорт ва шиҷоат маскани сифатида қайта чирой очиши эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Ватанимизнинг миллионлаб навқирон авлодини миллий foя, битта байроқ остида жипспаштирган бу қутлуғ карвон энди Қашқадарё ва азим пойтахт орқали Қорақалпоқ диёри томон отланди...

2005 йил, май-июн
Чирчиқ



*Кураши Халқаро Ассоциациясы президенти Комил Юсупов
Халқаро Олимпия құмитасы президенти Жак Рогге*



Лозаннындағы учрашувдан лавҳа



*Халқаро Олимпия құмштаси бош директори Урс Лакотға
әсдалик совғалари топширилмоқда*



*Таэквондо миғлий ассоциациясы президенті Пұлат Ұсмонов
шоғырлары ва ұамкасблари даврасыда*



Үстозимга ўхшагын келди



«Паҳлавон» спорт мажмусидаги беллашув



«Меҳрибонлик уйи»нинг ёш таэквондочилари



«Биз доим биргамиз...»



Ўзбек таэквондосининг эртаниги вакиллари



Таэквондонинг фалсафаси бор унда!



*Медалларим —
юртим шарафи*



Ўзбекнинг дўйинчи ҳаммага ярашади



Сиз ҳам таэквондоочи бүлдигиз



Байроқ күтариляпты! Мадхия яңграяпты!



*Осиё таэквондо федерацияси вице-президенти
Шомурод Шофайзиев билан утрашув*



Күргазмалы чиқиши



Мукофотилар муборак!



Эътибор учун раҳмат!



Мусобақаларнинг очилиши маросими



Санъаткорлар меҳмони миз



*Каратэчилар устози Нурхон Нафасовнинг таширифи
хурсандчилликдан бошланди*



*Кикбоксинг федерацияси президенти
Сардор Тошхўжаевнинг қутлови*

Жак РОГГЕ

«ЎЗБЕКИСТОН КУЧЛИ ДАВЛАТ, ЎЗБЕКИСТОН МАШХУР МАМЛАКАТ»

Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) президенти Комил Юсупов бошчилигидаги делегациянинг Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) бош қароргоҳи жойлашган Лозанна шаҳрига ташрифидан кўзланган муддао халқимизнинг асрий анъанаси, гўзал қадрияти, миллий спорти бўлмиш курашини Олимпия ўйинларига киригиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш эди.

Соатсозлик, банк хизмати, қишлоқ хўжалиги

Шу уч соҳадан олинадиган даромадга мамлакатда жойлашган кўплаб халқаро ташкилотлар ва туристларга хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар қўшилса, Швейцариянинг давлат бюджетини ҳисоб-китоб қилиш мушкул эмаслиги ойдинлашади. Маҳаллий аҳоли мамлакатнинг қайси қисмида яшашига қараб турли тилда сўзлашади. Жумладан, табиатнинг мўъжизаси ила яратилган, иккинчи қирғози қўшни давлат ҳудудига туташадиган кўл бўйидаги Женева ва Лозанна шаҳарларида асосан француз тилидаги мулоқотларга дуч келасиз.

Кўлнинг суви чучук. Алп тоғлари этагини ювиб туриши бунинг боисидир эҳтимол. Европаликларнинг севимли масканига айланган мазкур сув ҳавзаси доимо чўмилиш учун келган одамлар билан гавжум. Халқаро олимпия қўмитаси ҳам ана шу кўл бўйидаги баҳаво ва сўлим гўшада жойлашган.

Дунёда халқаро ташкилотлар бисёр. Аммо уларнинг ичидаги барча мамлакатлар бирдек эътироф этадигани саноқли. XIX аср охирида француз жамоат арбоби Пьер де Кубертеннинг саъӣ-ҳараратлари билан тузилган ХОҚ нуфузи ва салоҳияти жиҳатдан жаҳонда ўз ўрнига эга.

Тарихга мурожаат қиласидаги бўлсак, замонавий Олимпия ҳараратини тиклаш ва унга халқаро мақом бериш орзусида елиб-югур-

ган Пьер, бириңчи галда, юнонларнинг бу борадаги мұваффақиятсиз тәжрибасини чүкүр таұлғыл қылғанини күрамиз. У үз ниятини амалға ошириш учун күплаб мамлакатларға сафар қылды, тарафдорлар тұтпады, «Олимпия уйғониши» номлы маъruzасини тайёрлади.

1894 йилнинг 23 июнида Кубертеннинг ҳаммаслаклари Сорбонна университетига йигилди. Айнан шу ерда, шу саңада Пьер илгари сурган ғоялар 12 та давлатдан келган 72 нафар вакил томонидан маъқулланди. Таъсис мажлиси, шунингдек, Олимпия хартияси дея ном олган асосий тамойиллар, қоида ва низомларни ҳам тасдиқдан ўтказди.

Орадан юз йилдан күп вақт ўтди. Шу давр мобайнида Олимпия ҳаракати тобора көнгайиб, нуфузи ортиб борди. Спортчилар учун Олимпия чўққисини забт этиш энг юксак шарафга айланған бўлса, миллий спортига эга бўлган ҳалқлар уни тўрт йилда бир марта бўладиган беллашувлар дастурига киритиш ҳаракатига тушди.

Замонавий Олимпия ўйинларига асос солинганидан қарийб бир асрдан кейин мустақилликка эришган ўзбек ҳалқининг ҳеч қайси ўйиндан кам бўлмаган, узоқ тарихга, бетакрор анъаналарга эга миллий спорти бор. Шунинг учун ҳам истиқлоннинг дастлабки йилларида ёқ Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида курашни ҳалқаро майдонга олиб чиқиш ҳаракати бошланди.

Қайта гуллаган дарахт

Оққан дарё оқмай қолмас, деганлари топиб айтилган гап. Мустаҳкам ўқ илдизга эга кураш дарахтининг бешта катта шохидан қисқа фурсатда 74 та шохчанинг ўсиб чиқиб, гуллай бошлагани бу нақлнинг амалдаги намёенидир.

Энг муҳими, бу гулнинг ифори, жозибаси ер юзида спорт сиёсатини юритадиган ХОҚ раҳбарларининг ҳам эътиборини тортди. Фикримизнинг исботи учун аниқ мисолларга мурожаат қиласиз.

Бириңчиси. 2005 йилнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Спорт йили» деб зълон қилиниши муносабати билан ХОҚ Лозаннындағи машҳур Олимпия музейида «Миллий спорт — боқый анъана» номли йиллик күргазма ташкил этди. Унга бармоқ билан санарлы спорт тури таклиф этилган бўлса, шунинг ҳам биттаси ўзбекнинг курашидир.

Иккинчиси. Олимпия музейининг эшигидан киришингиз билан фойедаги катта суратга кўзингиз тушади. Бу — кураш тушаётган полвонларнинг тасвири. Тагида уч тилда битиклари бор. Ҳаммасида «ўзбек» деган калом, «кураш» деган атама.

Учингчиси. Музейнинг меъморий ечими ажойиб. Зинадан иккинчи қаватга кўтарилиш учун биз айтган суратни икки марта айланасиз. Қалбдаги фурур янада аллангаланади. Кураш намойиши учун ажратилган павильондаги ҳар бир экспонат миллый спортивизнинг тарихи, анъаналаридан сўзлади. Катта экрандаги ҳужжатли фильмни томоша қилган меҳмонда кураш ватанига бориш истаги туғилади.

Тўртингчиси. Кўргазма тақдимот маросимида қатнашган ХОҚ президенти Жак Рогге курашни тарғиб этувчи зарур экспонатларни вақтида етказиб бергани учун Ўзбекистон делагациясига миннатдорлик билдириб, КХА раҳбарияти билан алоҳида учрашиш, ушбу спорт турини жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг истиқболдаги режаларини муҳокама қилиш истагида эканини айтди.

Бешинчиси. Ўзбек курашининг дунёда янада тарақкий этишида муҳим омил сифатида қаралган ана шу учрашув ХОҚнинг Лозаннадаги бош қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда, табиийки, қисқа даврда жаҳон спорт аренасига шиддат ва шижоат ила чиққан курашни Олимпия ўйинлари таркибига киритиш билан боғлиқ масалалар, бу борада қилиниши керак бўлган кенг кўламли ишлар ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Курашнинг имкониятлари катта

Халқаро олимпия қўмитасининг муҳташам қароргоҳи олдида иккита байроқ ҳилпираётгани эътиборимизни тортди. Биринчиси мезбонники экани маълум, иккинчиси эса Ўзбекистонники. Мамлакатимизга, халқимизга бўлган ҳурматнинг ифодаси эмасми бу?

Юртимиз делагациясига дастлаб ХОҚнинг бош директори Урс Лакотт пешвоз чиқди. КХА президенти Комил Юсупов билан бўлган самимий сұхбат чоғида у Олимпия ҳаракатининг айни пайтдаги аҳволи, соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар ҳақида ба-тафсил сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга шахсан давлат раҳбарининг ўзи кўмак бераётгани катта мамнуният

багишлайди. Биз бундан жуда хурсандмиз. Айниқса, ўзбекларнинг миллий спортини ҳалқаро майдонга олиб чиқиш учун қилинган ишлар таҳсинга лойиқ. Фикримча, ХОҚ президенти Жак Рогге томонидан Олимпия ҳаракатитилг балзи жиҳатларини испоҳ қилиш борасида ишлаб чиқилаётган янги дастурлар Олимпиадага киришига интилаётган спорт турларига янги имкониятлар очиб беради. Бунда дъзвогар сифатида курашнинг имкониятлари ҳам юқори баҳоланмоқда. Агар шу хусусида мендан бирор услубий-назарий кўмак керак бўлса, бажонидил ёрдам беришга тайёрман.

Жаноб Лакотт Ўзбекистонда яратилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими ҳақида жуда қисқа маълумотга эга экан. Шунинг учун ҳам бу борадаги аниқ фактларга таянган ҳикоямиз уни қизиқтириб қўйди.

— Марказий Осиё ўйинларини ташкиллаштириш учун борганимда, сизлар айтган тизимнинг аҳамиятли томонлари билан жойида танишиш истагидаман, — деди ХОҚ бўш директори.

Амир Темур ва Олимпия ўйинлари

ХОҚ президенти билан учрашув жаноб Жак Роггенинг ҳалқимизнинг тарихини заслашидан бошланди. Ва у кураш Амир Темур даврида ривожланганини, Соҳибқироннинг ўзи ҳам, аскарлари ҳам кураш сирларини яхши билганини таъкидлади.

— Агар менга қолса, — деди Жак Рогге, — кураш Олимпия ўйинларига кирган куни Амир Темурни биринчи чемпион, деб эълон қилган бўлардим. Бу шунчаки ҳазил эмас. Сиз кучли ва машҳур давлатнинг вакилларисиз. Инглизча айтганда, *Uzbekistan — strong country*. Ушбу таъриф бобонгиз Амир Темур даври учун қанчалик муносиблитгини одил ҳакам исботлаган бўлса, бугунги кундаги тасдиғини ҳаммамиз амалда кўриб турибмиз.

Ҳозирда Европа ҳалқларининг худди сизнинг курашингизга ўшаган қатор миллий спорт турлари бор. Агар кураш тарихи минг йиллар билан ҳисобланишини инобатга олсак, миллий спорtingизни Европага Амир Темур қўшинига шу ердан ёлланган аскарлар тарқатган, деган тахмин ҳақиқатга яқин келади.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистонга ва унинг миллий спортига бўлган юксак эътибори, курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритища қўшаётган муносиб ҳиссаси учун Жак Рогге КХА-нинг «Олтин ордени» билан мукофотланди. Эслатиб ўтамиш, бун-

дан аввал ушбу олий мукофот билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, КХАнинг Фахрий Президенти Ислом Каримов (2002 й.) ва Ҳиндистон Миллый конгресс партиясининг раҳбари Соня Ганди (2004 й.) тақдирланган эди.

Мукофотни қабул қилиб олар экан, жаноб Жак Рогге кураш Ўзбекистон раҳбарининг бевосита қўллаб-қуватлаши натижасида жадал ривожланаётганини, оз фурсат мобайнида бутун дунёда ўзининг минглаб мухлислари ва тарафдорларига эга бўлганини эътироф этди. Жаҳоннинг 74 та давлатида федерациялари фаолият кўрсатаётган кураш Олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олишга муносиб, деди пировардида ХОҚ президенти.

Энг камидаги ўттиз минг

Халқаро олимпия қўмитасининг собиқ президенти, 20 йилдан ошиқ шу ташкилотга раҳбарлик қилган Хуан Антонио Самаранч Тошкентта келгани, Юртбошимиз билан учрашгани, пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейини бориб кўргани кўпчиликнинг ёдидаги бўлса керак. Ана шу ташриф чоғида жаноб Самаранч журналистлар билан суҳбатлашар экан, Тошкентдаги мазкур музей Лозаннадаги Олимпия музейига ўхшашлигини айтганди.

Швейцарияда бўлган чоғим бу фикр бежиз айтилмаганини ҳис килдим. Зоро, ҳар икки музейнинг уйғун жиҳатлари жуда кўп экан. Масалан, уларнинг иккиси ҳам сўлим боғнинг юқори нуқтасида жойлашган. Зиналардан кўтарилилган сайин рӯпарадаги иморатнинг салобати намёён бўла бошлайди. Ҳатто биноларнинг ички меъморий ечимида ҳам ўхшашлик бор. Экспонатларнинг жойлашиши хусусидаги мувофиқликни гапирмаса ҳам бўлади.

Лозаннадаги Олимпия музейига ҳар йили камидаги 30 минт киши ташриф буюради. Сабаби Европа Иттилоғи мамлакатларидан шунча ўқуви консультатив машгулот ўtkазиш учун аниқ график асосида олиб келинади.

Швейцарияга келган сайёҳларнинг аксар қисми ҳам ушбу масканни четлаб ўтолмайди. Демак, бу ерга йилига ўртача юз мингга яқин одам ташриф буюради.

Ҳавас ва ҳасад

Шу икки туйғу доим ёнма-ён юрадими дейман-да. Ҳасадгўйларнинг Ватанимизга нисбатан отаётган тошлари, тўқиётган уй-

дирма ва бўхтонлари, айниқса, кейинги пайтларда авж олди. Бу менга олға интилаётган машина тезликни қанчалик оширса, шамолнинг қаршилиги шунчалик кучайиб, ёқимсиз овоз чиқаришни эслатади. У қанчалик гувилламасин, йўлни танлаган улов барibir ўз вақтида манзилга етиб боради.

Магрибда ҳасадгўйлар билан бирга бизга ҳавасмандлар ҳам кўп. Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Роге буни очиқ тан олди:

— Ким нима деса десин-у, барibir, Европа халқлари сизларга ҳавас қиласди. Ўзбекистон нафақат ёш давлат, балки ёшлар мамлакати ҳам. Кураш жаҳонда нисбатан ёш спорт тури. Европа аҳолисини эса асосан, ўрта ва кекса ёшдагилар ташкил этади. Ёшлари кўп юртнинг келажаги ёруф бўлади. Бунинг устига, мана ўзингиз айтаяпсиз, мамлакатингизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қиласдиган яхлит тизим яратилган. Бу жуда шарафли ва айни пайтда мураккаб жараён. Ёш болалар ўртасида ташкил этиладиган оммавий тадбирлар қанчалик қийин эканини мен яхши тушунаман. Аммо Ўзбекистон унинг эртанги самарасини ўйлаб шундай оғир ишга қўл урган экан, фақат олқиша керак.

Жаноб Роге таъкидлаганидек, кураш жаҳонда нисбатан ёш спорт тури. Лекин у айни пайтда шунчалик қадими. Ҳаммамизга ёд бўлиб кетган шоирона таъриф билан айтганда, кўхна ва ҳамиша навқирон. Бу ибора юртимизга ҳам айнан муносиб.

Агар мендан кураш қачон пайдо бўлган, деб сўрашса, қисқа ва лўнда жавоб бераман: кураш халқ билан бирга туғилган. Шунинг учун ҳам у халқники. Шунинг учун ҳам каратэ ёхуд дзюдо сингари маълум бир шахс томонидан қайсиdir йили яратилмаган.

Халқ билан бирга яшайдиган, миллат тараққий этса ҳамоҳанг ривожланадиган қадриятга, анъанага тўсиқ қўйиш мумкин эмас. Кураш элизимзининг ана шундай анъанаси, кураш миллатнинг шундай қадрияти.

Ўзбек халқи истиқлол насимидан нафас олиб дунёга бўй кўрсатди. Ўзбек кураши мустақиллик қўёшидан нур олиб жонга юз тутди. У бизники, ҳаммамизники.

2005 йил, июл
Женева-Лозанна

БЕЛИДА БЕЛБОГИ БОР

(*Киноқисса*)

Аста ўрнидан кўзғалган самолёт учиш майдончаси томон ҳаралана бошлади.

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Сеул-Тошкент йўналиши бўйича учувчи самолётига хуш келибсиз, — ширин жилмайди стюардесса. У мазкур жумлани инглиз тилида такрорлаётганда Озодбек беихтиёр кўзларини юмди. Худди ўзи. Унинг номини бутун дунёга машҳур қилган мана шу талаффуз эмасмиди!?

Қизиқ, бу не мўъжиза, кечаги ҳаяжонли дақиқаларнинг ҳаммаси қайта жонланаяпти. «Озодбек Эркинов — жаҳон чемпиони!», «Озодбек Эркинов — Ўзбекистон! ЎЗБЕКИСТОН!».

Кўплаб мамлакатларнинг мана-ман деган спортчилари, мурраббий ва мутасаддилари, минглаб томошабинлар билан лиқ тўлган муҳташам спорт аренасида Ўзбекистон мадҳияси янгра-моқда. Шуҳрат шоҳсупасининг юқори погонасида ўнг қўлини кўксига қўйган Озодбек мағур турарди. Унинг боши узра Ватанимизнинг ўн икки юлдузли байроби баланд кўтарилимоқда.

Ҳайқириқлар қуршовида қолган Озодбек юраги тез-тез ураётганини, томоги тўлиб, киприги жиндек намланганини сезиб турарди...

— Сув ичасизми?

Борт кузатувчининг ёқимли овозидан Озодбек кўзини очиб қаради. Лекин ҳамон хаёли бандлиги учун индимасдан тикилиб ўтирганча дастрўмоли билан кўзини артди.

— Йиғлаяпсизми, мендан бирор ёрдам керак эмасми?

— Йўқ, раҳмат. Минерал сувингиздан бера қолинг.

— Уйдагиларни соғинибсиз-да. Кўп сиқилманг, яна тўрт-беш соатдан кейин Тошкентга қўнамиз.

Озодбек бир стакан муздек сувни охиригача симиради. Бироз енгил тортиб, кўз олди ёришгандай бўлди. Ойнадан (иллюминатор) ташқарига қаради. Самолёт худди чексиз оппоқ булатлар уммонида сузиб бораётгандек. Балки шунинг учун ҳам уни ҳаво кемаси деб аташса керак-да.

Ширин хотиралар эсига тушди шекилли, мийигида кулиб лаблари пичирлади:

- Мен ҳам сузишни биламан, Абдулла ака.
- Тушунмадим, — деди ёнида газета варақлаб ўтирган мураббий Акром Зиёдов.
- Ўзим шундай, — деди-ю болалик кечинмаларига шўнгиг бетди.

* * *

Сўлим қишлоқнинг бепоён адирлари. Кун иссиқ бўлса ҳам олис-олислардаги тоғлар чўққисида қор кўриниб турибди. Шарқираб оқаётган сойда чуғур-чуғур қилган ўн чаңдоң болалар чўмиляпти. Лекин уларнинг биттаси оёқларини сувга ботирганча сой лабида ўтирибди.

— Сен нимага чўмилмаяпсан, — деди шу сой бўйидаги илон изи йўлдан ҳар куни эрталаб мактабга, тушдан кейин уйга ўтадиган Абдулла муаллим.

— Озодбек сувга тушишга қўрқади, муаллим ака. У сузишни ҳам, калла ташлашни ҳам билмайди, — деди ҳамма гапга доим жавоби тайёр турадиган Фулом. — Қачон чўмилишга келсак, қиз болага ўхшаб оёғини чўлпиллатиб ўтиради шу ерда.

«Қиз болага ўхшаш» ҳақидаги таъриф бошқа синфдошлирига нисбатан гавдалироқ, анчагина оғир-вазмин, айни пайтда бироз бўшанг, жиндай қўрқоқлиги бор Озодбекнинг ҳамиятига тегди шекилли, шартта ўрнидан турди.

- Ким қиз болага ўхшайди?
- Сен бўлмасанг менми, — сувни шалатилаб тиржайди Фулом.
- Дўстингни камситишга уялмайсанми, Фулом, — деди Абдулла муаллим. — Ана шу маҳмадана лигингни уйга вазифага жавоб берганда ҳам кўрсата оласанми?

Ўқувчи ва ўқитувчининг бу гаплари Озодбекнинг қулоғига кирмас, кўйлагини ечганча сой қирғоғининг энг баланд жойига бораради. Бу довюраклик қаердан келганини ўзи ҳам сезмасди. Бир партада ўтирадиган синфдоши Нурилло «Тўхта, у ердан ташлама, жуда саёз», дея улгурмасдан, ўзини сувга отди. Ва... Озодбекнинг инграган овози эшитилди.

* * *

— Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганидан барчали-

гиз кабардорсиз, — деди туман ҳокими йигилишни очар экан. Унинг икки гагининг бирида «во-от» ёки «так што» деб қўядиган одати бор. Ҳозир ҳам шу одатни канда қилмаган ҳолда қўлидаги қоғозни ўқишда давом этди. — Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда спорт-нинг қанчалик мұхым ахамиятта эга экани хеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам бизнинг бугунги вазифамиз — ўсиб келаётган автолидеризмнинг спорт билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш учун Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортыни ривожлантириш жамғармаси тузилгани айни муддао бўлди.

Ҳоким нафас ростлаган киши бўлиб, кўзойнагини қўлига олар экан, ўтирганларга бир-бир қаради. Кимдир жон қулоғи билан эшитяпти, яна бошқасининг хаёли ўз «бизнеси» билан банд. Бу ҳол унга ёқмагани учун овозини кўтарди:

— Так што, жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишларни кўриб-билиб турибсиз. Жумладан, бизнинг туманимиздаги «Қиёт» қишлоғида ҳам биринчи типдаги спорт мажмуаси қурилди. Яқинда унинг очишли маросимини ўтказамиз. Мана, бу ишларга бош-қош бўлиши учун вилоят раҳбари туманимизга Очил Юсуповични жўнатгандар.

— Биз нима учун ўз фАОЛИЯТИМIZНИ ҳар қанча қийин бўлмасин чекка-чекка қишлоқлардан бошладик, — деди жамғарманинг вилоят бўлими раҳбари Очил Юсупович, — сабаби, шаҳарларимизда жуда зўр бўлмаса ҳам, ҳар қалай спорт заллари бор. Лекин қишлоқлардаги фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун умуман шароит йўқ. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг бевосита топшириғига кўра, энг аввало, қишлоқ жойларида уч хил типдаги замонавий мажмуалар қурилишини бошладик. Менатимизнинг дастлабки меваси сизнинг туманингизда бўй кўрсатди. Албаттa, бунинг учун анчагина маблағ сарфланди.

— Энди шу катта маблағ сарфлаб бунёд этилган спорт мажмуасини кўз-қорачигидай асрайдиган, унинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турадиган фидойи бир одамни шу ерга раҳбар қилиб қўйишимиз керак демоқчисизда, — деди туман ҳокими. — Очил Юсупович, бизда бундай одамлар жуда кўп. Масалан, мана, Жононбек Кўлайсинов. Ўзиям жонон йигит-да. Шу қишлоқда туғилиб ўсан. Ҳокимият «дача»сига бошлиқ қилгандик, ҳамма жойни ёф тушса ялагудай этиб тартибга солиб қўйди. Бегоналарни яқин йўлатмайди.

— Тўғри, жуда тўғри, — дейишиди йифилишнинг бошқа қатнашчилари жўр бўлиб.

— Ҳоким бува, агар сиз шу киши бўлади, десангиз менинг қаршилигим йўқ, — деди Очил Юсупович Жононбекка зидан разм солар экан. — Кўринишдан ўзи ҳам спорт билан шуғулландиганга ўхшайди.

— Албатта-ку, Кўпайсиновни бильярд бўйича туман чемпиони десак ҳам бўлаверади, фақат менга ютқазиб қўяди, — деди ҳоким хандон отиб куларкан.

* * *

Озодбекнинг инграган овозини эшигтан Абдулла муаллим бир лаҳза донг қотди-да, кейин қўлидаги портфелини иргитганча устбоши билан сувга сакради. Аълочи ўқувчисини даст кўтариб олганида, унинг пешонаси шилинганини кўрди. Боши урилган пайтда бўйни шикастланмаганмикин, деган гумонда силаб кўраётганда бола кўзини очди.

— Муаллим ака, мен қиз болага ўхшамайман-а?

— Йўқ албатта, сен ҳақиқий ўғил боласан, лекин битта маҳмадонанинг гапини деб, ўйламасдан иш қилмагин-да, хўпми? Сендан умидимиз катта. Ҳа-а, бу Пифагору Пеле ҳам, Декарту Дэвид Бекхам ҳам, Ньютону Наката ҳам, Марадона-ю Миржалол ҳам, Олмос Юсупов ва Эркин Қутибоев ҳам сенга ўхшаган бола бўлган. Эртага сени изза қилган мана бу синфдошларинг ҳам «Кимсан Озодбек, биз билан ўқиган, яқин дўстимиз бўлади» деб мақтаниб юришади.

Абдулла ака деганимизнинг ёши қирқларда. Ўзи асли математика фанидан дарс беради. Лекин қишлоқда жисмоний тарбия ўқитувчиси йўқлиги туфайли мактаб директори «физкультура» дарсларини ҳам шарқона яккаурашлар, футбол ёки волейбол деса томорқадаги юмушларни ҳам эсдан чиқарадиган, ўқувчиларининг таъбири билан айтганда, волейбол контогини бир уриб ёрадиган мана шу математикка юклаб қўйган.

* * *

— Болалар, Пифагор теоремасини нафақат дафтaringизга, балки хотирангизга бир умрга ёзиб олсангиз ҳам зиён кўрмайсиз. Тўғри-бурчакли учбурчак гипотенузасининг квадрати, катетлар квадратининг йифидисига teng, — деб Абдулла муаллим доскага учбурчак чизган ҳам эди-ки, эшик тақиллаб директор котибаси мўралади:

- Абдулла ака, сизни директор чақириптилар.
- Танаффусда киарман, ўқув йилининг охири бўлса... биринки кундан кейин имтиҳон топшириши керак булар...
- Йўқ, ҳозир келсин, дедилар.
- Бўпти. Болалар, сизлар мана шу қоидани ёд олиб туринглар, мен ҳозир келаман.

* * *

Ҳокимият меҳмонхонаси қалин дараҳтзорлар қуршовидаги соя-салқин гўшада жойлашган. Рус тили урф бўлган замонлардан бери уни «рошша» деб аташ модалигича қолган. 200 метр нарида ҳаво ҳарорати 40 даражა бўлса, бу ерда термометр 25 дан юқори кўтарилимайди.

Кун роса қизиган пайтлари ҳоким асосан шу ерда тушлик қиласди. Яхши-да, бирор меҳмон келиб қолса ҳам бехижолат. Жононбек Кўпайсиновнинг ҳамма нарсани вақтида «ест» қилишига ўзига ишонгандай ишонади.

— Очил Юсупович, — деди ҳоким меҳмонларни столга таклиф қиласар экан, — бошлаган тадбирларимиз успешно ўтиши учун, қолаверса, иштаҳани очиш учун тозасидан 50 грамм оламиизда, энди.

— Сизга йўқ деб бўларканми, барибир бирор гап топиб берасиз.

— Яшанг, менга шу ноз қилмай ичадиганлар жуда ёқали-да. Қани, бўлмаса ўзингиз бир ширин қилиб беринг, Жононбек!..

Шишани ушлаганча шай турган Жононбек Кўпайсинов меҳмоннинг қадаҳини чизигигача тўлатиб қўйди. Очил Юсупович «бўлди-бўлди» дегунча гапни яна ҳоким илиб кетди.

— Прокуроримизнинг сўзларига қараганда, бундай қилиб қуйиш «қонуний» аҳамият касб этади. Яъни, гапирган кишига «стост пайн» мана шу чизиққача қўйилсин, деб белгилаб қўйилган.

— Рост, рост, — деди ҳо-ҳолаб кулаётган прокурор.

— Бунақа фалсафаларни қаердан топасиз, ҳоким бува, — деди ИИБ бошлиғи ўзини зўрга кулгидан тўхтатар экан.

* * *

Абдулла муаллим директор қабулхонасидан ичкари киар экан, саломни кинояга улади:

— Ассалому алайкум, айни дарс пайтида менинг «арозим»ни кўришга муштоқ бўлиб қолибсиз?

Физкультурачи математик бу билан тил ва адабиёт фанидан дарс бералигандын мактаб директорининг «ораз» сўзини «ароз» тарзида та-лаффуз этишига пичинг қиласеттан эди. Чунки Абдулла ака доим дарс пайтида бундай чақирив ва маслаҳатлашуларга йўл қўйилмаслиги керак деб юради. Тартибни бузганларга «ўқи» тайёр туради.

— Валейкум ассалом, ўтилинг мундоқ, — ўқ нишонга текканидан типирчилади директор. — Ҳой, менга қаранг, сизнинг киноя ишлаб чиқарадиган заводингиз борми дейман-да. Очифини айтсан, пичингларингиз мана шу еримга келди.

— Мен дарсга қайтишим керак...

— Нима, чақирирган бўлсам амма-холамнинг даштидаги ерини чопиқ қилиш учун чақирилмагандирман?! Юқоридан срочний топшириқ келди.

— Бу дейман, бизга нисбат берилаётган завод сизга аллақачон маҳсулот чиқаряпти, шекилли.

— Яна бошладингизми?

— Хўп-хўп, нима топшириқ экан?

— Қишлоғимизда болалар учун янги спорт мажмуаси қурилганини биласиз. Яқинда тантанали очилиш маросими бўлади.

— Жисмоний тарбия дарсини замон талабига жавоб берадиган даражада ўтиш учун адирдаги кенгликка дарвоза сифатида қўйилган тўртта тошни математик аниқликда ўрнатганим учун лентани мен қирқишим керак эмасдир, ҳарқалай. Ахир бунга етишиш учун чопиб юрганлар қанча.

— Туя ҳаммомни орзу қилгандай, лента қирқаман, деб юрган экансиз-да, ҳали! Бу шарафли ишни катталарнинг ўзига қўйиб беринг, хўпми?!

— Бўлмаса мен ўша катталарнинг ёнида кичкинагина бўлиб, қайчи қўйилган лаган ушлаб турарканман-да.

— Бунча заҳар бўлмасангиз-а?! Дачага хўжайнлиги етмагандай, мана шу спорт залига ҳам кўз тикиб юрган Жононбеклар бор экан, ўша лаган ҳам етишмайди сизга.

— Нима қил дейсиз бўлмаса?

— Очилиш маросимида бизнинг мактабимизда фаолият кўрсатоётган спорт тўғараклари қатнашчилари кўргазмали чиқиши қилиши керак (директор «фаолият кўрсатаётган» деган жойига алоҳида ургу берди).

— Қанақа тўғарак? Яна қандай кўргазмали чиқиши? Ҳеч қанақа тўғарак фаолият кўрсатмайди-ю бизда.

— Бердисини айтганча уриб ўлдирмай туринг. Доим қишлоғимиз обрүйи, мактабимиз шаңни учун талашиб курашадиган сиздай инсон йүқ тұғаракни бор қилишига юз фоиз ишонаман мен. Шунинг учун ҳам кечаги мажлисда ҳеч иккіланмасдан «БОР» деворғанман. Ахир одамлар армияга аскар бўлиб борса, сиз лейтенант унвонида хизмат қилганингизни, қўл жангига, кикбоксинг сирларидан хабардор эканингизни ҳамма билади. Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, билдингизми. Университетда ўқиганингизда Гулчеҳрахонга тегажоғлик қилган йигитни уриб майиб қилганингиз ҳақида қишлоқда турли миш-мишлар юради. Модомики, беш-олтита болага уч-тўрта усул ўргатиш сизга «томорқани чопищдек мураккаб» эмас-ку!

— Майли, мен бир амаллаб тайёрладим ҳам дейлик. Аммо кўргазмали чиқиш қилиш учун болаларнинг бўйига мос форма — кимоно керак ахир.

— Ана ўша пиманоми-кимонони топишни каминага қўйиб берасиз, сиз эса ўқувчиларни тайёрлайсиз, келишдикми?

* * *

— Очил Юсупович, шу иссиқ кунда муздай пиво яхши кетадида, — деди ҳоким қўлидаги «Браво»дан бир қултум хўптар экан.

— Мана шу шарни «свой» қилиб урсангиз бўлади.

— Свой-чужойлигини билмадим-ку, лекин шу «Браво»ни ўзимизда чиқаришацияти, деб эшиштгандим.

Очил Юсупович ҳоким тавсия қилган шарни нишонга олган ҳам эди, кўлида телефон гўшагини туттанча Жононбек пайдо бўлди:

— Сизни вилоят ҳокимининг ёрдамчиси сўрайапти. Айтишига қараганда, спорт мажмуасининг очилишига Отахон Отабоевичнинг ўзлари келадиган бўлиби...

* * *

Абдулла муаллим синфга қайтган пайтида танаффустга қўнгироқ чалинди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга жавоб бераркан, Озодбекни ёнига чақирди.

— Чинакам ўғил бола эканингни исботлайдиган вақт келганга ўхшайди, — деди жиддий оҳангда унинг елкасига қўлини қўяр экан. — Дарсдан кейин синфдошларинг билан адирдаги футбол майдонига келинглар, машқ қиласиз.

Икки ҳафта, ҳар куни икки маҳал. Улар хўрот қичқирган заҳоти икки қатор бўлиб саф тортади, чопади, умбалоқ ошади, яна

чопади... Олдинда Абдулла муаллим. Устоз олдин енгилроқ машкүрсатади, ўқувчилар тақрорлайды, кейин яна чопишиади. Сүнг қийинроқ, янада мураккаброқ. Ҳеч ким соатта қарамайди. Эрталабки машғулот Тўлибой аканинг трактори тариллаганда тўхтатилади. Чунки бу ҳодиса ҳар куни бир вақтда юз беради.

Офтоб гарбга ёнбошлаш арафасида ўқувчилар яна адирга келади. Икки қатор бўлиб саф тортади. Ўзаро рўпара турган ҳолда кўл жангиги сирларини ўрганади. Чигирткалар чириллаб кеч бўлиб қолганини билдириса-да, ҳеч ким шошилмайди. соатта қарамайди. Машғулот Али чўпон молларни қишлоққа ҳайдаб ўтгандан кейин тутатилади. Қишлоқ йўлларида ҳар куни бир вақтда чанг кўтирилади.

* * *

Мажмуанинг очилиш маросими катта байрамга айланиб кетди. Ҳатто пойтахтдан ҳам таниқли санъаткорлар келди. Тантанада сўз олган вилоят ҳокими Отахон Отабоевич ушбу гўзал иморат Президентимизнинг «Қиёт» болаларига совфаси эканини айтганда гулдурос қарсаклар янгради.

Шўх куй-қўшиқлар орасида Абдулла муаллимнинг олти нафар шогирдига навбат берилди. Уларнинг ичидаги чинакам ўғил бола бўлишга қаттиқ интилаётган Озодбекнинг ҳаракатлари, айниқса, ажралиб турди. Каттаю кичик қишлоқдошлари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар баралла чапак чалганида чор атрофга алангларкан, нима учундир шу пайт синдоши Шаҳлони излади. У ҳам кўриб турганмикин, дея хаёлидан ўтказди.

Кўргазмали машқни тугатган болалар янги мажмуанинг шинамгина кийиниб-ечиниш хонасига кирганида, уларнинг ёнига озгин, новча, қотмадан келган, 25-30 ёшлар чамасидаги бир йигит келди:

- Ҳорманглар энди, анчадан бери шуғулланасизларми?
- Икки ҳафтадан бери, — ҳаммадан олдин маҳмадоналиқ қилиб кулди Ғулом.
- Жуда ҳазилкаш экансизлар-ку. Устозинглар ким?
- Ана ўзлари келяптилар, — дея боши билан имо қилиб Абдулла акани кўрсатди Нурилло.
- Сиз кимсиз? — деди муаллим нотаниш йигитнинг саломига алик олар экан.
- Фахриддин Бурҳонов, таэквондо бўйича қора белбоғ 2-ДАН соҳиби.

- Бурқонов... Эшилтандай бўлиб турибман.
- Бир неча бор мамлакат чемпиони, қатор халқаро турнирлар ғолиби, жаҳон чемпионатида... 4-ўрин, омад чопмаган.
- Омадим чолмади, денг.
- Ҳа, ўзим шоҳсупага чиқа олмаганим учун чемпион бўла оладиган шогирд тайёрлашни дилимга туғиб қўйганман.
- Менинг ҳам орзуим шу: қанийди бизнинг қишлоғимиздан бутун дунёга танилган чемпион чиқса! Катта суратини чиздириб, йўл бўйига ўрнатардим-да, ёнига ўқловдай ҳарфлар билан «Фалончи чемпион туғилиб ўстган қишлоққа хуш келибсиз!» деб ёздириб қўярдим.

Муаллимнинг бу гапларини жон қулоғи билан эшитиб ўтирас экан, Озодбекнинг нигоҳида ўт чақнаб бораради.

— Келинг, шу орзуни биргаликда амалга оширамиз, — деди Фахриддин ҳаяжони ошиб борар экан. — Рухсат берсангиз, шу ўқувчиларингизни мен таэквондога ўргатаман.

— Бўлмайди, — муаллимнинг кескин жавобидан болалар бирданига ялт этиб қарашди. Абдулла ака бироздан кейин гапини давом эттириди. — Биринчидан, сизни эндиғина кўриб турибман, мураббийлик қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳужжатингиз бор-йўқлигини ҳам билмайман. Иккинчидан, рухсатни мендан эмас, болаларнинг ота-онасидан олиш керак. Учинчидан, чемпион тайёрлайман, деб қишлоғимизга кўчиб келишингизга ҳечам ишонмайман.

Фахриддин ҳам кўнглига туккан аҳди қатъий эканини англатиб қўйиш учун муаллимнинг ўз услубида жавоб қайтаришга уринди.

— Учинчисидан бошласак, бу қишлоққа кўчиб келишим шарт эмас, чунки туман марказига унчалик узоқ бўлмагани учун ҳафта-да икки кун мотоциклда келиб кетиш имкониятим бор. Иккинчисига келсак, янги спорт мажмууда тўтарак очилтани маълум қилингач, ота-оналар фарзандларини ўзлари етаклаб келади. Ва ниҳоят, биринчиси, қишлоққа бориб мураббийлик қиласман десам, федерация менга жон-жон деб лицензия беришига ишончим комил.

Абдулла муаллим Фахриддиннинг сўзлари ҳанчалик дадил бўлса, шунчалик самимий эканини дилдан ҳис қилди:

— Қўлни ташланг, ўғил бола.

Бу гапни эшитиб шартта ўридан турган Озодбек ҳам қўлини қўйди. Бошқа болалар ҳам. Энди фақат кўзлар сўзлаётганди.

Фахриддин ваъда қилган куни мотоциклини тириллатиб қишлоққа келди. Йўлда портфелини қўлтиқлаб мактабдан қайтаёт-ган Озодбекни орқасига миндириб, тўғри Абдулла муаллимнинг олдига борди. Орзу-нияти бир бўлган икки инсон узоқ йиллик қадрдонлардек қучоқлашиб кўришди.

— Мана, мураббийлик ҳуқуқини берувчи ҳужжат.
— Э, қойил ука, буниси бошқа гап. Ҳар бир ишда тартиб бўлгани яхши-да.

— Менинг бу қароримни эшитиб, Акром Зиёдов жуда ҳурсанд бўлди. Нима ёрдам зарур бўлса, тўғри олдимга келаверинг, деди.

— Бу-у, Акром Зиёдов деганинг таэквондонинг каттаси бўлса керак-да.

— Шундай деса ҳам бўлаверади — мамлакат терма жамоасининг бош мураббийи, Марказий Осиёда ягона VI ДАН қора белбоғ соҳиби.

— Шу яккакураш турларида спортчи маҳорати ва савиясими белгилашда белбоғни мезон қилиб олишни ҳаммаси биздан ўрганган-ов.

— Фикрингизни тушунмадим.
— Халқимизнинг миллий қадрияти бўлган ўзбек кураши бугун умуминсоний қадриятга айланганини ҳеч ким инкор қила олмайди, тўғрими? Бироқ яна бир одатимиз бошқа халқлар миллий спортининг ўзига хос рамзи сифатида аллақачон мустаҳкам ўрин эгаллаганига кўпинча эътибор ҳам бермаймиз.

— Масалан!
— Бу ерда гап белбоғ хусусида кетмоқда, ука. Ўзбекларнинг «Белбоғ эр кишининг ор-номусидир», «Белида белбоғи борлар юрт ва миллатта садоқатда сабитдирлар», деган иборалари, гаров ўйнаб айтиш мумкинки, шу халқнинг ўзи билан бирга пайдо бўлган.

— Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас.
— Ҳозир эса японларнинг дзюдо, каратэсида ҳам, кореяликларнинг таэквондосида ҳам, хитойликларнинг ушусида ҳам спортчининг маҳорати қай даражага етганлиги ана ўша белбоғ билан ўлчанади. Бундан ташқари, боксда ҳам чемпионнинг беллига олтин камар — белбоғ тақиб қўйилади. Мазкур спорт турлари яратилган вақт ва ўзбек кураши қачон вужудга келганини таққослаб кўрган киши ўзига бундан тегишли хулоса чиқариб олиши унчалик мураккаб иш эмас.

Қишлоқ муаллимининг жайдари фалсафаси Фахриддинни ўйлантириб қўйди. Озодбек эса бу мuloҳазаларни шуурига бир умрлик қилиб ёзиб олаётганини унинг киприклари қимирламай қотиб қолганидан сезиш мумкин эди.

— Балки ҳақиқатан ҳам шундайдир. Кеча Акром Зиёдов ҳам «болаларни четдан кириб келган спорт турларига ўргатишни ўзимизнинг миллий спортизига меҳр уйғотишдан бошлаш керак, шундагина у миллат шаънини ҳар нарсадан устун қўядиган инсон бўлиб шаклланади», деганди.

— Балки деганингиз нимаси. Миллат довруғи, юрт ори ҳақида гапирганда балки-палкисиз гапириш керак, ука. Айтаётган сўзингизга аввало ўзингиз қатъий ишонмасангиз, бўлажак шогирдларингизни қандай ишонтирасиз?!

— Сиз борсиз-ку! — ҳазил қилиб жилмайишга уринди Фахриддин.

— Одам бир нарсага интилмаса, бир нарсага ишонмаса, у ҳеч вақоға эриша олмайди.

— Акром aka ҳам биринчи навбатда болаларнинг қалбида эзгулик чўғини ёқинг, токи улар сиздан ўрганган усувларни ҳеч қачон ёмон ниятда қўлламасин, деди менга омад тиларкан.

— Унда бўлажак фаолиятингизни уч асосий устунга қуриши маслаҳат бераман: эзгу ният, ишонч ва интилиш.

* * *

Абдулла муаллим Фахриддин ва Озодбекни олиб болалар спорти мажмуаси раҳбари Жононбек Кўпайсиновнинг олдига келди, ниятини ошкор қилди.

— Мана, туман марказидан мураббий ҳам келди. Шу ерда тўгарак очиб, болаларга машғулот ўтса дегандим. Энди шароит бор — муҳташам зал, душ, раздевалка... худди хорижникидай.

Тушлик пайтида «Браво»дан торугтан шекилли, Жононбекнинг қизариб кетган юзи қандайдир изтеҳзоли кўринишида эди.

— Менга қаранг, муаллим, бу мажмуани қуриш учун жуда катта маблағ сарфланган, билдингизми? Ҳа-а, бу гапга кирмас ўқувчиларингиз уни ярим йилга етмай расво қилади-ку!

— Тушунмадим, ўша катта маблағ болалар учун, уларга шароит яратиш учун, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун сарфлангани йўқми ахир.

— Бирам қофияли қилиб гапириласиз, муаллим. Мен сизга ўхшаб чиройли сўзлашни билмасман, лекин берилган топшириқни ба-

жаришнинг уддасидан чиқаман. Шунинг учун ҳам бу ерга раҳбар қилиб қўйишган.

— Бу кошона хўжакўрсинга қурилган денг, — асаби бузила бошлади Фахриддиннинг.

— Хўп, қани айтингларчи, ўқувчиларингиз машғулотга келди, кейин душда ҳам чўмилди дейлик. Агар кранни бузиб қўйса, сиз келиб тўлаб берасизми? Қаерда, биттаси фалон пул туради, Италиядан, Туркиядан олиб келиб ўрнатилган.

— Мени, кечирасизу, яна тушунмадим, унда ким учун қурилган бу, — ҳафсаласи пир бўлди Абдулла аканинг.

— Нимасини тушунмайсиз-а, нимасини? Келинг, муаллим, яхшиси ҳар ким ўзининг ишини қилсин. Мен бу ергага тартиб интизом, тозалик-озодаликка жавоб бераман, сиз болаларга Пифагор теоремасини ўргатасиз, келишдикми? Бошқа савол бўлмаса, мен шошиб турибман.

Жононбек машинасига ўтириб, энди ўт олдирган эди, қўлидаги телефон жиринглади.

— Лаббай!

— Қаерларда юрибсан, дайди?! — ҳоким асаби бузилган пайтда сансариб гапираварди.

— Мен, ҳалиги...

— Ҳалиги-палигингни йиғиштир-да, келинойингнинг ёнига бор. Кейин буёққа келасан.

— Хўп-хўп, хўп бўлади хўжайн.

* * *

Самолёт оҳиста учиб борар, йўл олислигидан кимдир уйқуга кетган, бошқа бирор эса қулоғига «наушнико» тақиб мусиқа тингларди. Акром Зиёдов эса ҳамон газета ўқиб ўтиради. Шу пайт ўқотган нарсасини топгандай чеҳраси ёришиб кетди.

— Эй, ҳадеб ухлайвермасдан, буни қарасанг-чи, — Акром Зиёдов баланд овозда гапирганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Нима экан, устоз? — самолётдан фарқли ўлароқ ҳаёлот осмонида учайтган Озодбек кўзини очди.

— Президентимиз ёш иқтидорли спортчиларни рағбатлантириш тўғрисида фармон чиқарибди, у сенга тааллуқли, чемпион!

— Йўғ-э?

— Мана ўзинг ўқи.

Озодбекнинг лаблари пицирлай бошлади.

— Овоз чиқариб, каттироқ ўқи.

— «...жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган ҳар бир спортчи 10 минг АҚШ доллари билан мукофотлансин!».

— Ахир бу битта «Нексия» дегани, уйга борайлик, чемпионлик билан қўшиб машинани ҳам юvasan.

— Албатта юваман, устоз. Дадам катта қўчкор боқиб қўйган!

* * *

— Бу йигит ҳокимдан бошқасининг гапини писанд қилмайдиган даражага етибди, шекили, — деди муаллим Фахриддин билан Озодбекнинг олдида ўзини хижолат сезаркан.

— Тўғри ўша ҳокимнинг олдига борсак-чи, — деди ёшларга хос шиҳоат билан тўлиб турган Фахриддин.

— Гапингизда жон бор, ука, — кутилмаганда сафар тўнини кийишга тараддулланди Абдулла ака. — Озодбек, бўлмаса сен уйингга боравер. Биз Фахриддин акангнинг «тулпор»ида ҳокимиятга ўтиб келамиз.

* * *

— Ҳозир ҳокимнинг олдида одам бор, бироз кутиб турасизлар, — деди ёрдамчи. — Ўзи нима ишинглар бор эди? Балки ўринбосарига киарсизлар?

— Бизнинг муаммолизни ўринбосар ҳал қила олмайди, — деди чўрт кесиб муаллим. Нима учундир асаби қақшаб, мушти туғилиб борарди.

— Унда пойлаб ўтирасиз.

Сал ўтмай ичкаридаги одам чиқди. Абдулла ака ёрдамчининг «доложит» қилишигача ҳам сабри чидамай ҳокимнинг хонасига кирди. Унинг орқасидан Фахриддин ҳам бошини суҳди.

— Ассалому алайкум!

— Валейкум ассалом, келинглар.

— Келдик, арз қилиб келдик.

— Қани, мундоқ ўтирингларчи, шошилмасдан бир бошдан гапиринглар, нега асабийсизлар, ким сизларни хафа қилди?

— Жононбек деган бир бюрократ, — дадиллашди Фахриддин.

— Жононбек?! У қўйдай ювош йигит бўлса, қандай қилиб сизларни хафа қилиши мумкин?! — жилмайишга ҳаракат қилди ҳоким.

— Мен «Қиёт» қишлоғидаги мактабда дарс бераман, — бироз ўзини босиб гап бошлади Абдулла ака. — Ўзим спортга қизиққаним учун ҳам болаларга у-буларни ўргатиб тураман. Ичида

иқтидорлилари жуда күп. Шулардан битта чемпион чиқса дейман. Худо бир берса құшқұллаб беради, дегайнәридек, қишлоғимизда янги спорт мажмуаси қурилгач, мана мураббий ҳам үзи оёғи билан келиб турибди.

— Албатта чиқади чемпион, — креслога керилиб сұяңғанча давом этди ұқым. — Шундай шароитларни яратиб қўйганимиздан кейин нимага чиқмас экан!?

— Лекин Жононбек болаларни шу шароитлардан маҳрум қилиб, мажмуага катта қулф осиб ўтирибди-ку. Бу ер тоза-озода туриши керак дейди икки гапининг бирида.

— Жононбек үзи ёмон йигитмас, — ўрнидан туриб яқинроқ келди ұқым. — Менимча, сизлар бир-бирингизни тушунмагансизлар-ов.

— Ахир у...

— Бундай қиласыз мұаллим, — ұқым Абдулла аканинг елкасига қўлини қўйди. — Сиз эртага болаларни түплаб тўғри мажмууга бораверасиз. Мен Жононбекка тайинлаб қўяман, үзи сизларни эшикнинг олдида кутиб олади.

«Қиёт»лик мәҳмөнлар чиқиб кетиши билан ұқим ёрдамчини чақирди.

— Жононбекни топинг, тез!

Орадан бироз вақт ўтгач, ҳалласлаганча Жононбек кириб келди. Ҳоким унинг саломига ҳам алик олмасдан ҳужумга ўтди.

— Нима ишларни қилиб юрибсан, галварс?

— Ахир ўзингиз келинойи...

— Уни сўраётганим йўқ. Нимага ўқувчиларни спорт мажмусига киритмадинг?

— Ахир ўзингиз «проходной двор» бўлмасин...

— Ахир ўзингиз, ахир ўзингиз!? «Проходной двор» бўлмасин, дегани ҳеч ким кирмасин дегани эмас-ку. Вей, аҳмоқ, болалар спортини ривожлантириш шаҳсан Президентимизнинг контролида турганини билмайсанми? Ё менга душманлик қилмоқчи бўлдингми?

— Йўғ-э. Худо сақласин хўжайин.

— Эртага ўзинг эшикнинг тагида кутиб олиб, ҳамма имкониятларни яратиб берасан болаларга. Тушундингми?

* * *

Фахриддининг гапи тўғри чиқди. Спорт мажмуаси фаолияти жонлангач, одамлар ўзлари фарзандларини етаклаб келиб, «суюғи бизники, эти сизники» қабилидаги ҳазил-ҳузул билан мураб-

бийга топшира бошлашди. *Машғулотта* қатновчилар сони күпай-иб кетгани учун Фахриддин бир неча гуруҳдан иборат клуб ташкил қилишга эришди. Клубнинг номини яхши ният билан «*Қиётлик чемпионлар*» деб қўйди.

Мураббийнинг қандай ишлаётганини ўз кўзи билан кўриш учун Абдулла муаллим ҳам бу ерга тез-тез келиб, хабар олади. Фахриддин билан орзуласар рўёби ҳақида кўп суҳбатлашади.

— Биласизми, мен болаларнинг ҳаммасини яхши кўраман, бироқ шу Озодбек жаҳон чемпиони бўлса борми, исми жисмига монанд зўр иш бўларди-да.

— Худо хоҳласа, албатта бўлади.

— Озодбек дегани — озод элнинг, озод ҳалқнинг дунё спортига бек, жаҳонга бек ўғли дегани. Модомики, спортдаги ғалаба юртнинг куч-қудратини кўрсатувчи омил экан, унинг чемпионлиги бизни ҳеч ким, ҳеч қачон қарам қила олмайди, деган шиоримизнинг амалдаги намойиши бўлади...

Ҳадемай орадан бир-икки йил ўтди. Энди Озодбек ҳам, унинг синфдошлари ҳам анча улғайган, ҳатто айримларининг мўйлови сабза ура бошлаганди.

* * *

Кейинги пайтларда Озодбек Шаҳлони кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Уни кўрди дегунча қандайдир ўзини ғалати ҳис қипади, нимадир демоқчи бўлади-ю, ҳеч нарса гапира олмайди.

Шаҳло жуда чиройли қиз бўлиш билан бирга жиндек шаддотроқ. Ичидағи туйфуларини умуман ташқарига чиқармайди. Озодбекни кўрганда «Бўлажак чемпионга саломлар» деб ўтиб кетади, холос. Бу самимий тилакми ё унинг спорт билан шуғулланишига пичинг-киноями, билиш қийин. Озодбек бундан баттар изтироб чекади. *Фанишернинг* кечаги қилиғи эса дард устига читқон бўлди. «*Қиёт*» қишлоғининг энг таниқли кишиларидан бўлган Парпи коммерсантнинг ўғли бўлган бу бола шўхлиги учун тез-тез директорнинг хонасига чақирилади. Энди у Шаҳлонинг стулига «кнопка» қўйибди. Айбни эса Озодбекка ағдарди.

— У ёлғон гапирайти, мен қўйганим йўқ, — деди Озодбек яхши кўрган қизининг олдида хижолатдан овози титраркан.

— Худо ҳаққи, ўз кўзим билан кўрдим қўяётганини, сизлар бўлса буни бўлажак чемпион деб мақтайсизлар, — ролини ишонарли ўйнашда давом этди *Фанишер*.

Шаҳло югуриб синфдан чиқиб кетди. Озодбек муштини тукканча тош қотган.

— Ўғил боланинг ишини қилмабсан, Озодбек, — деди Саида дугонасининг орқасидан чопаркан. — Шаҳло, тўхта, Шаҳло...

Озодбек партанинг устидан сакраб ўтиб, Фанишерга ташланганди, Фулом маҳмадона унинг олдини тўсди:

— Таэквондо усулларини бирорни калтаклашга ишлатмасликка сўз берганингни унутма!

* * *

Жингалик сочи ва мўйлови қоп-қора бўлганидан Парпи коммерсантнинг юзлари ҳам қорадай кўринарди. Қўлига катта-катта узукларни тақиб, мексиканча шляпа кийиб юришни хуш кўради у. Кундалик бизнесини маҳалладаги сартарошонада соқолини олдиришдан бошлайди. Бугун ҳам юзига атире септириб, энди ўрнидан тураётганда, сартарошонага Фахриддин кирди.

— Ассалому алайкум, уста.

— Валейкум ассалом, биз уста бўлсақ, сиз устозсиз, неварам мақтагани мақтаган сизни.

Гап нима ҳақида кетаётганини англаган Парпи бирданига сўради:

— Райондан келган тренер сенмисан? — Парпи коммерсант ўзидан кичкина ҳаммани сансирағ гапиради. — Қани, бундай ўтири-чи!

Аввалига Фахриддинга унинг муомаласи ёқмади, бироқ охиригача эшитишга қарор қилди.

— Сен ҳақингда эшийтдим, бўш юрган болаларни спортга тортибсан, чемпион қилмоқчи экансан. Лекин қўли қуруқ ҳолда бу ниятингга эриша олмайсан, айтчи, ҳомийинг борми?

— Йўқ.

— Битта шартимни бажарсанг, мана, мен сенинг шогирдларинга ҳомийлик қиласман. Биласанми, мени ким деб аташади қишлоқдагилар? Парпи коммерсант. Тўғри, «Қиёт»да мендан ҳам бой одамлар бор. Лекин уларнинг бир тийини чиқса, жони чиқади. Шунинг учун умид қиласанг ҳам бўлаверади.

— Нима қилишим керак?

— Мени илгари Парпи қароқчи дейишарди. Қаерда ишқал бўлса, шу ерда здим. Қизларнинг сочини қирқиши, ҳомиладор аёлларни кўрқитиш, мағпинанинг балонини төшиш, эшакнинг думига гугурт

чақиши... Тадбиркорликка меҳрим тушиб, ўзимдан ортмай қолған-дан кейин бу иллатларим ўз-ўзидан йүқөлди, деб юргандым.

— Хүш?

— Энди билсам у ўғлим Фанишерга мерос бўлиб ўтибди. Қўй, десам, йигит бўлсанг шўх бўл, деб ўзингиз айттансиз, дея ёқамга ёпиштиради.

— Сал қаттиқроқ олинг-да.

— Э, ука, мен солиқнинг каттаси чақирса, бормасдан қаттиқ олишим мумкин. Прокурорга, ҳокимга тикка гапиришим мумкин. Чунки «соққа»ни қонун доирасида топаман. Бирордан тили қисиқ жойим йўқ. Лекин болаларни қаттиқ ололмайман. Агар фарзандим эмакла деса, эмаклаб кетганимни билмай қоламан.

— Мен нима ёрдам қилай бўлмаса?

— Сен ўғлим Фанишерни «қароқчилик»дан тортиб олиб, спорт кўчасига туширворсанг бўлди. Эй, Тошкентдаги мусобақаларга бориб-келишинг, питания-проживания, ҳаммасини мана, мен кўтараман.

Фахриддин бироз ўйланиб турди-да, қўлни ташлади:

— Розиман.

* * *

— Дарсга индамай келиб-кетадиган, ўзлаштириши паст, ҳеч қайси жамоат ишига аралашмайдиган ўқувчиларнинг кўнглига тез-тез қўл солиб, уларнинг нима билан бандлигини билишга ҳаракат қилишимиз керак, — деди Абдулла муаллим педагогик кенгаш йиғилишида. — Мана, масалан, 11-синфни тугатаётган икки нафар индамасда кейинги пайтларда бошқа ўқувчиларга ваъз ўқиши одатлари пайдо бўлганини кузатиб юрибман.

— Мамажон билан Зайниддинни айтаётган бўлсангиз, мен ҳам сездим, — деди директор ўринбосари Шарифа опа.

— Тўққизинчидаги Фанишер ҳам танаффус бўлди дегунча уларнинг ёнига шошадиган бўлиб қолган, — деди Ўринбой ака.

— Бўлмаса гап бундай, — деди директор Абдулла муаллимга юзланиб, — сиз уларни яна бир-икки кун жиддий кузатиб, нима билан бандлигини аниқлашга ҳаракат қилинг. Кейин отоналарини чақириб гаплашамиз.

Озодбек машғулотдан кейин Фахриддин билан халқаро мусобақалар қандай ўтиши ҳақида гаплашиб ўтириб, қош қорайганини сезмай қолди.

— Кеч кириб қолибди-ку, уйингга кетишга қўрқмайсанми,— сўради Фахриддин спорт залидан ташқарига чиқар экан. — Хоҳласанг олиб бориб қўяман.

— Уялтирганг устоз, ахир ўғил боламан-ку!

— Бўпти, унда омон бўл, ўғил бола,— Фахриддин жилмай-ганча мотоциклини тириллатиб кетди.

Озодбек уйга қайтаётганда, буталар орқасидан Фанишернинг овози келаёттанини эшилди. Ва аста мўралаб қаради. У ерда тўрт киши — Фанишер, Мамажон, Зайниддин ва яна орқа ўгириб турган киши гаплашаётганди.

— Агар мен айтган ишларни вақтида бажариб турсанглар, ҳам пул ишлайсизлар, ҳам чет элга ўқишга борасизлар,— деди кора шарпа.

— Қачон? — деди Мамажон.

— Яқинда.

— Ўтган сафар ҳам шундай дегандингиз, — норози оҳангда сўради Зайниддин.

— Сабр тагида сариқ олтин дейдилар, — донолик қила бошлиди қора шарпа.

— Нима учун сиз билан қоронғуда, яширинча учрашишимиз керак, — Парпи коммерсантга ўхшаш дангаллик билан сўради Фанишер. — Мен ҳамманинг кўз олдида керилиб иш қилишни яхши кўраман. Чет элга ўқишга боришимни ҳозироқ дадамга айтаман, жуда хурсанд бўладилар.

Қора шарпанинг «йўқ» дейишига қарамасдан Фанишер уйи томонга тез-тез юриб кета бошлади.

— Орқасидан чопиб бориб тўхтатинглар, — деди қора шарпа, — агар оғзидан гулламаслилка кўнмаса, жарга итариб юборинглар...

— Нима???

— Бошқа иложи йўқ.

Мамажон билан Зайниддин Фанишернинг орқасидан чопиб кетиши билан қора шарпа ғойиб бўлди. Кутилмаган воқеадан Озодбекнинг боши қотди. Биронни ёрдамга чақириб келгунча кеч бўлиши мумкин. Яхшиси ўзи уларнинг ортидан боради.

Ваъзхонлар жар ёнига келгунча Фанишерга таъсир қўрсатишига анча уринишиди. Аммо Парпи коммерсантнинг ўғли чет элга ўқишга кетишини мақтанимасдан туролмаслигини қайтараверди.

Изма-из келаётган Озодбек Зайниддин тўрт томонга алантай бошлаганидан энди кутиб бўлмаслигини сезди. Югуриб ке-

либ тақвондо усулида унинг кўкрагидан тепди. Саросимага тушган Мамажон эса жон ҳолатда Озодбекка ташланди. Энди Абдулла муаллимдан кўргазмали чиқиш қилиш баҳонасида ўрганилган қўл жангига усули фойда берди. Мамажоннинг оғриққа чидамай додлаганини бутун қишлоқ эшилди...

Индамасдан чиққан икки нафар ваъзхонни милиция олиб кетди. Қора шарпанинг қорасини бошқа ҳеч ким кўрмади.

* * *

Шаҳло ўқув йилининг охиригача Озодбек билан гаплашмай юрди. Лекин қалбдаги чўғ барибир алангаланишга мажбур қилди:

— Саида, биласанми, дадам мени шаҳарга, тиббиёт коллежига ўқишга юбормоқчи, — деди Шаҳло атайнин Озодбекка эшилтириб.

Бўлажак чемпион ҳам бўш келмади. Кечаги янгиликни шартта Нуриллога айтган киши бўлди.

— Устозим мени Тошкентга олиб кетадиган бўлди. Вилоят биринчилигига терма жамоа бош мураббийи Акром Зиёдовнинг ўзи келиб ўтирганди. Менинг масоги (спаринг) бўйича беллашуви мни юқори баҳолабди.

— Үнда ўнинчи синфни биз билан бирга ўқимас экансан-да?! — деди Нурилло ҳам овозини баландроқ қилиб.

— Шунақага ўҳшаб қолди, дўстим! Майлими, сенга хат ёзиб турсам?! — Озодбек «хат ёзиб турсам» деган жойи нишонга тегишига ишонарди.

Битирув кечаси баҳонасида ташкил этилган дискотекада Саида билан Нурилонинг восита чилигига кўринмас занжир билан боғланган икки қалб бир-бирига яқинлашди, мактуб ёзиб туришга ваъдалашди.

* * *

Ихчамгина ҳовли. Озодбекнинг дадаси газета ўқиб ўтирибди. Онаси уй ишлари билан овора. Лекин унинг хаёли бошқа ўйлар билан банд. Биринчиси, ўғлининг улғайиб қолганини сезмагани-ю, синфдошининг ҳаётини асраб қолганидан мамнунлик бўлса, иккинчиси, унинг «Тошкентта кетаманлаб» қолганидан хавотир эди. Ахир ҳали бола бўлса, катта шаҳарда қийналиб қолмасмикин?! Кийим-кечагини ким ювиб беради? Овқатидан, дарсга вақтида боришидан ким хабардор бўлиб туради? Дадаси агроном бўлиб ишлаганидан эртаю кеч далада юради. Шу-

нинг учун ҳам фарзандларининг ўқишини назорат қилиш ҳам муштипар онанинг зиммасида.

— Ўғлингиз Тошкентта кетаман деяпти, — ҳозиргина дамлаган чойини столга қўяр экан, зорланган бўлди она.

— Буни қара, хотин, Президентимиз тадбиркор ва фермерларнинг фаолиятини эркинлаштирувчи, уларни текшир-текширлардан қутқарадиган фармон чиқарибди, — деди дадаси худди зашитмаганга олиб. Аслида у ҳам Озодбекка рухсат бериш-бермасликни ўйлаб юрганди. — Ие, ахир бу фармон бўйича ҳокими-ятда бир ҳафта олдин йиғилиш бўлганди-ку! Қачон чиқсан экан бу, — газетанинг санасига қаради. — Шу почтальонга ҳам ҳайронсан, ўн кунлигини бир қилиб олиб келадими-эй.

— Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз, — пиёлани узатди онаси. — Бу дунёда пахта билан ғалладан бошқа ишлар ҳам бор. Ҳеч бўлмаса ёмон болаларга қўшилмагин, деб танбеҳ бериб қўйинг. Милиция олиб кетган ана ўша иккитаси Озодбекдан катта экан. Иккаласи ўғлингизни бир нарса қилиб қўйса нима бўларди?

— Бас қил, дийдиёни!.. Фанишерни жарга итармоқчилигини кўра-била туриб, қочиб кетиши керакмиди? Агар шундай қилганида кўрадинг «танбеҳ» бериш қанақалигини. Бўпти, қани, чақир буёққа ўша қаҳрамонни.

Дадаси «қаҳрамон» сўзини бошқача овозда айтгани учун ҳовлига сув сепаётган синглиси Насиба ҳам, велосипедни ағдарганча нимадир қилаётган укаси Азamat ҳам қулоғини динг қилди.

— Озодбек, даданг чақирайтилар.

— Ҳозир, ойижон.

Дарахтта осиб қўйилган «қоп»ни муштлаётган Озодбек, ҳовлидаги крандан юз-қўлини ювиб, дадасининг олдига келди.

— Ҳм, мулла йигит, онангнинг айтишига қараганда, қаҳрамон бўлдим деб, ўз билганингни қиласидиган бўлиб қолиссан.

— Йўғ-э.

— Унда нега бир оғиз сўрамасдан, Тошкентта кетаман, деб мақтаниб юрибсан ҳаммага.

— Устозимиз Фахриддин ака олиб кетаман деганини айтгандим, холос, — ерга қаради Озодбек бироз бўشاшиб, — Абдулла муаллим ҳам боришинг керак, бизнинг қишлоқдан ҳам чемпион чиқсин дедилар.

— Абдулла муаллим, Фахриддин ака...

— Устозимнинг устози ҳамма вилоятлардан иқтидорли болаларни йиғиб, ўзи бир-икки йил шуғулланаркан, шундан кейин...

— Нима шундан кейин?

— Шундан кейин халқаро мусобақаларга олиб бораркан.

Асли дадаси ўғлининг чемпион бўлишини, бутун дунёга танилишини юрак-юракдан истаб турибди. Аммо қандайдир куч — балки бу оталик меҳридир, балки бошқа бир туйғу — бирданига майли дейишга изн бермаяпти.

— Ўқишинг нима бўлади, болам?! — гапга аралашди онаси,

— қаерда яшайсан, овқат...

— Ойижон Олимпия захиралари коллежида овқат ҳам беради, ётоказона ҳам! — деди шошилиб Озодбек.

Дадаси бироз жим қолди. Ўзи ҳам болалик пайтида тенгдошлиари билан кураш тушганини эслади. Бироқ у пайтда ҳозирги шароитлар қайда дейсиз.

— Майли, мен розиман, — чеҳраси ёришди дадасининг, — борақол, болам. Битта агрономнинг ўғли чемпион бўлса ёмонми? Шунда одамлар «ана, агроном келяпти», деб эмас, «чемпионизмининг дадаси келяптилар» деб айтишса не ажаб.

— Раҳмат, дадажон, — отасини маҳкам қучоқлади Озодбек.

— Лекин бир гапни икки қулоғинг билан эшишиб ол: белига белбоғ таққан киши ҳалол курашиши керак. Белида белбоғи борлар даврага чиққанда полвонлик ори, миллат шаъни ва фурурини муносиб ҳимоя қилиш учун ҳар қандай вазиятда ҳам ўзида куч топа олини зарур. Ҳалқим деганни Ҳақ ҳам қўллайди, болам. Элим-юртим дея пок ният билан ҳалол курашсанг, Яратганинг ўзи белингга қувват, билагингга құдрат беради.

* * *

Акром Зиёдов ёшларга қанчалик меҳрибон бўлса, шунчалик қаттиққўл экан. Озодбек баъзан уйдагиларни соғинганидан хаёл суриб, баъзан Шаҳлони қўмсаб юриб машғулотга кечикиб келган эди, дакки эшилди. Ҳатто «устозининг устози» унинг кун тартибини қатъий белгилаб берди. Энди бўлажак чемпионнинг ҳар дақиқаси ҳисобли эди.

Машғулотлар кун сайин, босқичма-босқич жиддий кўриниш ола бошлади.

* * *

Орадан анча вақт ўтди. Акром Зиёдов барча шогирдларини йиғди.

— Яқинда мамлакат чемпионати бўлади. Ўз вазн тоифасида ғолиб бўлганлар Осиё чемпионатига йўлланмани қўлга кири-тади. Шу пайтгача бирга шуғулланган бўлсанглар, энди даян (татами)да ўзаро рақиб бўласизлар. Такрорлаб айтаман, фақат даянда. Спортда ҳар доим кучлилар ғолиб бўлади. Ҳаммангизга омад тилайман.

Спортчилар тарқала бошлагандага Акром Зиёдов Озодбекни чақирди.

— Мен Фахриддин акангга сим қоқдим. У келиб сен билан алоҳида ишлайди. Билиб қўй, сен беллашув вақтида устозинг йўл қўйган хатоларни такрорламаслигинг лозим.

— Хўп бўлади, устоз.

— Биргина хато туфайли чемпионлик армон бўлиб қолган унга. Рақибининг ҳеч қанақа очко келтирмайдиган арзимас зарбасига жавоб қайтариш пайида асабини жиловлай олмади. Спортчи шахсий «ҳисоб-китоб» учун эмас, аксинча, ҳар доим юрт ори, Ватан фурури, миллат шаънини кўзлаб майдонга чиқиши лозимлигини унугиб қўйди.

— Тушундим, Акром ака.

— Менга қара, Озодбек, орият дегани бир кўрганда тушуниб оладиган нарса эмас. У одамнинг қалбидаги йиллар давомида шаклланиб, вақти-соати келганда юракдан вулқондек отилиб чиқади. Кел, ўтири, сенга бир воқеани айтиб берай:

90-йилларнинг боши, она Ватан ўз ўғлонларидан шахдамлик, шижоат намуналарини кутаётган чоғлар эди. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, шу юрт, шу халқ номидан татамига чиқаман, Истиқлолни мустаҳкамлашга озгина бўлса-да ҳисса қўшаман, деган одамга имконият эшиклари очилди. Шунда биз спорт орқали мамлакат мавқенини, номини, шарафини юксак даражага кўтариш учун ваъзхонлик эмас, амалий ишга ўтиш даври келганини англадик. Дастребки қадамни дадил ташлаш учун Малайзияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳеч бўлмаса бир нафар иштирокчи билан қатнашишга қарор қилдик. Ва икки киши қайдасан Куала-Лумпур дея йўлга отландик.

Малайзия пойтахтига етиб келгач, мусобақа ўтказилаёттан залнинг шифтига илинган юзлаб байроқлар орасида Ўзбекистон байробини тополмай ҳайрон бўлдик. Ташкиличиларга юзлансан, сизларнинг давлат байробингиз бизда йўқ, шунинг учун ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз, дейишиди. Жаҳлимиз чиқиб,

улар билан тортишиб қолдик. Айниңса, уларнинг муомаласидағи мулойимлик ниқобига ўралган менсимаслик, ёлғондакам жилмайиш ортидаги кибр оғир ботди. Бунинг устига Ватан байроғини олиб келмаганимизга ўз-ўзимизни койишдан асабимиз бузиларди.

— Жаноб Зиёдов, бу баҳслашишга арзийдиган муҳим масала эмас, кейинги сафар илинар байроғингиз...

Тамом, мияга қон урди. Кейинги сафар, муҳим масала эмас? «Йўқ, дедим ўзимга-ўзим, бу айнан долзарб масала». Зудлик билан шаҳар дўконларидан байроғимиз кўринишини ифодаловчи гўзал матоларни қидиришга тушдик. Куала-Лумпурни кезиб юрибман-у сира ҳовурим тушмайди. Кейинги сафар эмиш-а? Ўзбекистон қаерда жойлашган ўзи, деганлари-чи? Балки эндигига мустақилликка чиққан мамлакат қаердалагини билмассиз. Лекин дунё ҳалқларини том маънода қулликдан асраб қолган Амир Темурдай соҳибқиронни-шу юрт тарбиялаб вояга етказганини билишингиз шарт.

Ер юзи шифокорлари ҳали ҳам асарларини кўзига суртиб ўқийдиган Ибн Синонинг, алгебра отаси Ал-Хоразмийнинг шу диёр фарзанди эканини билмайсизми? Ёки яна ким ҳазрати Бобурдек оламга довруғ солган? Ислом дини Арабистон ярим оролида шакллангани билан, комиллик чўққисига қайси юртда эриши? Бухорий ва Термизий каби буюк муҳаддисларни вояга етказган юртнинг, қадим ҳалқнинг байроғи кейинги сафар илинадими? Ҳечам-да. Ўзбек ҳалқи мўминдир, қобилдир, андишалидир, лекин унинг нафсониятини ерга уришга қодир куч йўқ жаҳонда.

Баъзилар ҳали тош қурол билан айиқ овлаб, гўштини еб, терисини кийим ўрнида ёпиниб юрган чоғларида маданияти ривожланган, маърифат бўйтони санаалган, фуқаролари нозик ипакдан тўқилган либосларда санлат тўкиб юрган мамлакат байроғини қадамоқ кейинги галга қоладими? Э, йўқ, шуни-да эплолмасак, Ўзбекистонданман, ўзбекман, деб кўкракка уришга нима ҳаққимиз бор?

Байроғимиз учун зарур матоларни топиб, маҳаллий тикувчилик корхонларида устида туриб тикирдик. Ният холис экан, жуда гўзал чиқди. Ташкилотчилардан залнинг энг кўринарли жойига қадашни талаб қилдик. Маҳсадра эришгач, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Биласанми, Озодбек, бу ўша ғурур, орият аталмиш туйғунинг юракдан тошиб чиққан пайти эди.

* * *

Мамлакат чемпионатининг финал беллашуви. Озодбекнинг рақиби республикадаги энг кучли спортчилардан бири — ўтган йилги чемпион.

Фахриддин Озодбекнинг шлемини (бошга кийиладиган ҳимояй воситаси) тўғрилар экан:

— Дадил бўл, — деда томошабинлар томонга ишора қилди.

Бир қарашдаёқ укаси Азаматнинг «ака» деб қичқарганини, унинг ёнида дадаси ва Абдулла муаллим ўтирганини кўрди. Шунда бирдан унинг кўзи чақнаб, сергак торди. Белбоғини янада маҳкам қилиб боғлади. Бу унинг дадаси ва муаллимининг орият ҳақидаги ўгитларини эсга олганидан далолат эди...

Сухандон Озодбекни мамлакат чемпиони деб зълон қилганда Азамат ҳайқирганча дадасини қучоқлади. Физкультурачи математик эса кўз ёшини яширишга уринарди.

* * *

— Мана, сизларга божхона баённомаси, — деди стюардесса қиз, — уни ҳозир тўлдириб олсанглар, аэропортдан чиқиш пайтида ушланиб қолмайсизлар.

— Жуда яхши-да, — деди Акром Зиёдов. — қани, чемпион, ручкани олинг.

Озодбек чиндан ҳам аэропортда ушланиб қолиши истамасди. Уйдагиларни, қишлоқдаги дўстларини, Шаҳлони тезроқ кўриш ниятида эди. Бироқ аэропортда уни бир неча журналист пойлаб ўтирганини, улар ҳали бири қўйиб, иккинчиси саволга тутишини билмасди.

* * *

— Дада, сизни сўраб келишди, — деди Насиба меҳмонни ичкарига таклиф қиласар экан.

— Келинг, келинг...

— Ассалому алайкум, сизни кундузи далада бўлади, деганлари учун кеч бўлса ҳам келавердим, айбга буюрмайсиз.

— Хижолат бўлманг, буёқча ўтинг, узр, сизни танимайроқ...

— Мен «Халқ сўзи»нинг вилоятдаги мухбери Абдураҳмон Қўчкоровман.

— Газетаданман, денг...

— Шундай. Ўғлингиз Озодбек ҳақида «Уч зарба» деган мақола ёзмоқчиман.

— Нега энди уч зарба?

— У биринчи зарба билан туман, иккинчисида вилоят ва учинчисида республика чемпиони бўлди. Озодбекнинг чемпион бўлиши қишлоқ ёшларига спорт билан шуғулланиш учун шароит яратилганининг самараси эканини кўрсатишимиз керак.

— Биласизми, мухбир ука, келганингиздан бошим осмонга етди. Аммо сизга бир таклифим бор. Шу мақолани сал кейинроқ, биратўла «Беш зарба» деб ёсангиз.

— Нима учун бундай деяпсиз?

— Ҳозир Озодбекнинг ўзи Тошкентда, «устозининг устози» билан қитъя чемпионатига тайёргарлик кўраяпти.

— Тушундим,— жилмайди мухбир,— Осиё тўртинчи, жаҳон чемпионлиги бешинчи зарба бўлади, демоқчисиз-да.

— Ҳа, баракалла.

— Худо ҳоҳласа. «Беш зарба»ни катта очерк қилиб ёзаман, лекин барибир ҳозир...

— Ундай бўлса, мен сизни Абдулла муаллимнинг уйига бошлиб бораман, шу яқинда туради, уч зарбада унинг ҳиссаси кўпроқ.

— Чемпионлинг биринчи устози ҳақида ёзарканман-да бўлмаса?

— Яшанг, юринг кетдик.

Улар энди дарвоздадан чиққанида Парпи коммерсантнинг қора «Нексия»си келиб тўхтади.

— Кечки овқатни еб, яна далага кетаяпсизми, агроном бува, — деди у жилмайганча ойнадан бошини чиқариб. Аслида у агроном, раис деганларини унчалик хушламайди. Ўзи тер тўкиб ишламасдан, дала айланиб юрадиган бекорчилар, деб ҳисоблайди уларни. Аммо шу агрономнинг ўғли Фанишерни қутқаргани учун йўлда кўрса тўхтаб салом бериб ўтади.

— Ҳа-а йўқ, мана, чемпион ҳақида ёзаман деб мухбир келган экан, бу кишини Озодбекнинг биринчи устози Абдулла муаллимникуга олиб кетаётгандим.

— Ие, буёғи қизиқ бўлди-ку, — машинадан тушди Парпи, — спонсорчи, поездкаларнинг «соқقا»сини берган спонсор четда қолиб кетаверар экан-да.

— Дарвоҷе, бу киши Озодбек шуғулланган «Қиёғлик чемпионлар» клубининг ҳомийси бўлади.

— Жуда яхши-да, — деди мухбир, — ҳомийлик, саховат кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Сиз ҳақингизда албатта ёзаман, юринг биз билан.

Учовлон машинага ўтириб, Абдулла муаллимникига кетаёт-
ганда Парпи коммерсантнинг гап халтаси очилди.

— Латифага қалайсиз, мухбир?

— Ҳожибой Тожибоевнинг ҳангомаларидан бўлса қўйсан-
гиз, маза қиласардик.

— Тушунмадингиз, бошимдан ўтган саргузашлардан айтиб
берсам, роса қотгач, газетага ёзиб, мени машҳур қиласармидингиз
балки?!

— Қани-қани...

— Тижоратга қўл уришимга қурилиш вазири сабаб бўлган.
Ишим юришиб кетгач, унга миннатдорлик билдириш учун бир
қоп гуруч кўтариб шаҳарга келдим. Поездан тушаётганда халта
оғирлик қилиб, бир кишининг оёгини босиб қўйдим. Шунда унинг
нари кетаётib, «дуррак» дегани қулоғимга чалиниб қолди. Бир-
дан хаёлимга, «ҳали шу қилтириқ, кимсан Парпини сўқадими»,
деган фикр келди.

Ҳой, другжон, дея уни ўзимга қаратдим-да, «два раза дур-
рак» дедим. Эй, уям қувноқ йигит эканми, шартта тўхтади-да,
«три раза дуррак» деб қолди. Биласизми, ҳисоб юздан ошганда
ҳам «дуррак» ўйинимиз тугамади. Нима бўляяпти, деб атрофи-
мизда одамлар тўпланди. Шунда қитмирлигим иш берди. Шарт-
та қолни очиб, бир сиқим гуручни кўрсатдим. Йигит ҳам ҳайрон
бўлиб сўради.

— Ну, что рис?

— А-ха, попалься, три мешка дуррак!

— Боплапсиз-ку! — деди мухбир хандон отиб куларкан.

— Тўпланганлар сизга ўхшаб кулгунча, таксига ўтириб синф-
дошимникига жўнавордим.

— Гуруч-чи, ахир уни қурилиш вазирига бермоқчи эдингиз-ку?

— Ана ўша синфдошим қурилиш вазири-да, ахир.

— Ҳа, йўқ, мен қурилиш вазирини яхши танийман, вилояти-
мизга келганда интервью ҳам олганман.

— Оббо, сиз журналистлар-ей, — кулди Парпи, — ипидан
игнасигача суриштирмагунча тинчимайсизлар-а. Дафтарингиз-
нинг бир четига ёзиб қўйинг, мухбир: қурилиш вазири — менинг
синфдошим Убайдулла бўлади. Қўли гул қурувчи бўлгани учун
шундай атаймиз. Тошкентдаги «дом»ларнинг ярмини у қурган.
Энди тушундингизми?

* * *

Акром Зиёдов машғулотдан кейин Озодбекни ёнига чақирди.

— Мана бу газетадаги мақолани яхшилаб ўқигинда, кейин сақлаб қўй, — мамнуният билан жилмайиб турарди у, — машҳур бўлиб кетганингда мен ҳақимда чиққан биринчи мақола, деб эслаб юрасан. Биринчи устозинг, ҳомийларинг тўғрисида ҳам ёзишибди.

— Раҳмат, устоз.

— Ҳа, айтганча, балки энди кетма-кет мухбирларга интервью берарсан. Шунда Фахриддин акангни тилга олишни унумла. Сен унинг биринчи кашфиётисан. Устоз учун шогирд қандай ўрин тутишини орадан йиллар ўтиб ўзинг устоз бўлганда билиб оласан, хўпми?

— Хўп бўлади, ҳаммасини айтганингиздай қиласман, устоз!

* * *

Осиё чемпионатига муносиб тайёргарлик кўриш учун Акром Зиёдов шогирларини тоққа — Янгиободдаги ўқув-спорт базасига олиб кетди. Бу ерда терма жамоа аъзоларига барча шароитлар яратилган. Кунига икки маҳалдан машғулот ташкил этилди.

Айни баҳор фасли эмасми, чор атроф ям-яшил. Озодбек машғулотдан бўш пайти дўстлари билан лолалар энди қулоқ чиқара бошлигар қирга сайд қилгани чиққанди. Шунда олисдаги айланма йўллардан аравали мотоцикл улар томонга келаётгани кўрди.

— Қизик, — деди дўстларига ишора қилиб, — асфальт қилинган тўғри йўл турганида, буёғларда нима қилиб юрибди экан.

— Овчи ёки чўпон бўлса керак, — деди спортчилардан бири.

— Овчи ҳам, чўпон ҳам тоғда мотоциклда эмас, отда юради, — деди бошқаси.

Озодбек эса кўнгли бир нарса сезгандай ҳамон тикилиб турарди. Кутимаганда эски мотоцикл уларнинг ёнгинасидаги тепаликдан чиқа олмай ўчиб қолди.

— Минг лаънат сенга, — пастга тушиб мотоциклни тепди унинг ҳайдовчиси. Ва бирдан спортчиларни кўриб донг қотди. Бироқ сир бой бермаслик учун уларни ёнига чақирди. Зоро, «юқ» ортилган мотоциклни бу ердан олиб чиқиб кетишнинг бошқа иложи йўқ зди. Аравачадаги сувдан бўшаган «баклашка»ларга оқ нарса солинганди.

— Бу дейман, дам олгани чиқибсизлар-да.

— Йўқ, тренеровка қиляпмиз, — деди йигитлардан бири.

Озодбек бу кишини биринчи марта кўриб турибди. Лекин овонини қаердадир эшитган.

— Спортчимиз денглар, каратэчими ёки боксчи?

— Таэквондочи.

— Бу ерда спорт базаси борлигини билмас эканман.

— Ўзингизни қайси шамол учирди, — жиддий нигоҳ билан сўради Озодбек.

— Менми... мен пастдаги қишлоқда яшайман. Мана шу қирнинг ортида озгина еrim бор. Шунга селитра олиб кетаётгандим. Қани, ёрдамлапворинглар-чи, худонинг ўзи сизлардай полвонни менинг мушкулимни осон қилиш учун йўлимга чиқариб қўйибди...

Озодбек базага келгандан кейин бу овозни қаерда эшитганини эслай олмай роса қийналди. Қош қорая бошлаган вақтда дўстларидан бири узоқдаги жарни кўрсатиб, «Катталигини қара», деди. Шу пайт чемпионнинг хотирасида чақин чақнагандай бўлди.

— Топдим, топдим, ахир бу ўша.

Озодбек қишлоқдағи «қора шарпа»нинг «кўнмаса жарга итариб юборинглар» деган гапини аниқ эслади. Аниқ бу ўша овоз. Мана энди унинг башарасини ҳам кўрди. Кейин чопиб бориб, бўлган воқеани Акром Зиёдовга айтиб берди. Тажрибали мураббий шубҳали деҳқон ва чўпонларнинг айрим «фаолияти»ни эшитганди. Шунинг учун дарров яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар берди.

Озодбек устози ҳамроҳлигига маҳсус отрядга йўл кўрсатиб борди. Бироз юқори кўтарилгач, шоҳ-шабба билан «маскировка» қилинган мотоцикл топилди.

— Сизлар шу ерда қоласизлар, — деди отряд командири, — буёғи хавфли. Сержант Турсунов!

— Мен!

— Спортчилар билан қоласиз!

— Ест.

— Сигналимни кутасиз! Агар отишмани эшитсангиз, уларни пастга олиб тушасиз.

— Тушундим.

Отряд вакиллари қўлбола чайлага етиб келганида, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Озодбек кўрган «селитра»дан ташқари турли чизмалар, хорижий тиллардаги варақалар, ишлатилган шприцлар топилди, холос.

— Қочишига улгuriшибди, — деди командир. — Афтидан улар икки ё уч киши бўлган. Сержант Турсунов!

— Мен!

— База билан боғланинг!

* * *

— Устоз, Осиё чемпионатига мен ҳам борай, Озодбекнинг ёнида турсам дегандим, — кўзлари жавдираб сўради Фахриддин. — Бу мен учун қанчалик муҳим эканини биласиз-ку!

— Жоним билан, — деди Акром Зиёдов, — аммо вазирлик томонидан тасдиқланган таркибда мураббийлардан фақат менга ўрин берилган. Қолгани ҳаммаси спортчилар.

— Ҳомийлик ҳисобидан борсам-чи?

— Қани эди, ҳомий топа олсак, менга кўмак берардинг.

— Бор, устоз, бор, — Фахриддин Парпи коммерсантнинг катта-катта ваъдаларини мана шу кунга асраб қўйганди.

Фахриддин акасининг бирга бориши Озодбекнинг руҳини яна-ям кўтарди. Энди у бутун қитъани забт этишга тайёр эди.

Ўзбекистон спортчилари чемпионатда юқори натижа кўрсатди. Бу эса мамлакат Таэквондо федерацияси президенти Муҳсинжон Фаёзовнинг Осиё таэквондо федерацияси вице-президенти лавозимига сайланишига туртки бўлди.

* * *

Осиё чемпионатидан олтин медал билан қайтган Озодбек коллежни ҳам имтиёзли диплом билан тугатди. Битирув кечасига Озодбекни табриклагани Фахриддин ва Акром билан бирга Муҳсинжон Фаёзов ҳам келди. Федерация раҳбари чемпионни бағрига босиб қутлар экан:

— Сени жисмоний тарбия институти талабаси бўлганинг билан ҳам табриклайман, қитъа ва жаҳон чемпионлари тест синовларисиз қабул қиласанади.

— Раҳмат. Лекин мен...

— Нима ўқиши ниятинг йўқми?

— Бор. Лекин мен устозимдай, устозимнинг устозидай ҳам қаттиққўл, ҳам меҳрибон мураббий бўла олмасам керак. Шунинг учун келгусида журналист бўлишни, янги-янги чемпионлар ҳақида, уларнинг Абдулла муаллим сингари ўқитувчилари, катта спортга олиб кирган тренерлари ҳақида мақолалар, китоблар ёзмоқчиман.

— Жуда яхши, жуда яхши, Озодбек. Аҳдинг қатъий бўлса бўлди.

— Қатъий!

— Унда ҳаммамиз сенга журналистика факультетига кириш учун тест синовпарида омад тилаб турамиз.

Имтиҳонларда Озодбекнинг омади чопмади. Бор-йўғи икки балл етмади. Акром Зиёдов чемпионнинг кўнглини чўқтирмаслик учун насиҳат қилди:

— Одатда йигитлар ҳарбий хизматни ўтаб, чинакам ўғил бола бўлгандан кейин институтда ўқииди, — деди. — Мана, масалан, мен ҳам хизматдан кейин ўқиганман. Илгари армияга бормаганга ҳеч ким қизини бермасди.

Озодбекнинг кўз олдига Шаҳло келди.

— Устоз, мени қачон хизматта чақиради?

— Кузда.

— Демак, яна икки ойдан кейин.

— Шунинг учун ҳам сенга таътил бераман, бир-икки кун ота-онангнинг олдида бўл. Лекин машгулотни канда қилма, армияда ҳам жуда керак бўлади.

* * *

Озодбек профессионал спортчи бўлгани учун уни маҳсус бўлинмага жўнатишиди. Нуфузли халқаро мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўриб чиниқкан эмасми, ҳарбий хизматдаги дастлабки кунлар — сафда юриш, жисмоний тайёргарлик бўйича ўтказилган машгулотлар унчалик қийинчилик туғдирмади. Албатта, бундай илдам ҳаракатлар командирларнинг диққатидан четда қолмади. Ўқтам ўғлоннинг жарангдор овози, келишган қаддабости, айниқса, қасамёд қабул қилиш маросимида ҳамманинг зътиборини тортди.

* * *

— Оддий аскар Эркинов!

— Мен.

— Замполит чақирялти.

Озодбек кийим-бошини тўғрилаб, штаб томонга юрди. «Командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари подполковник Турғунов» деб ёзилган эшикни тақиллатиб ичка-рига кирди:

— Рұхсат этинг, ўртоқ подполковник.

— Киравер, ўтири. Қалай, қийналмаяпсанми?

- Аспо йўқ.
- Ҳарбий хизматга ўрганиб кетдингми?
- Худди шундай.
- Унда нега бошқа ротага ўтказишимизни сўраб ариза ёзинг.
- Кечирасиз, ўртоқ подполковник, фикримни очиқ айтсан майлими?
- Марҳамат.
- Рота старшинаси Нигматов билан жанжаллашиб, «дисбат»га кетишни истамайман.
- Нимага жанжаллашар экансан?
- Менимча, бу одамда ватанпарварлик туйғуси етишмайди. Унинг гапларини эшитганимда ғазабим қайнаб, беихтиёр муштим туғилиб кетади.
- Қанақа гаплар экан, очиғроқ айтгин.
- Икки гапининг бирида «санлар нима қийинчилек кўрибсанлар, мана биз хизмат-қилган вақтда «дедлар»нинг калтагини еяверганимиздан ҳамма жойимиз «сняк» бўларди, санларничи, ҳеч ким чертмайди ҳам».
- Хўш-хўш.
- Биздан ҳақиқий аскар чиқмасмиш. «Боевое задание»ни бажариш учун калтак еб пишиш керак, понятно, салаги, дейиншдан чарчамайди.
- Ҳарбийларнинг кўпчилиги русча гапиришга ўрганиб қолган-да, ука, — ўзи хоҳламаган тарзда кулишга уринди Турғунов. Аслида у Озодбекнинг фикрларини мулоҳаза чиғириғидан ўтказаётган эди.
- Мен унинг тилини айтаётганим йўқ, ўртоқ подполковник, ўзимиз хизмат қилаётган армияни ўзимиз инкор этиб ерга урсак, унда қандай қилиб Ватанни ҳимоя қиласмиш.
- Мен сени жуда яхши тушуниб турибман, Эркинов, — ўта жиддийлашиб, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади подполковник.
- Эшик тақиллаб навбатчи кирди:
- Рухсат этинг, ўртоқ подполковник, сизни командир чақирияпти.
- Эркинов, сен шу ерда ўтириб тур, мен ҳозир келаман.
- Рухсат этинг, ўртоқ полковник.
- Келинг, Турғунов.
- Замполит командир таклиф қилган жойга келиб ўтиаркан, хонада старшина Нигматов бош згиб турганини кўрди.

— Зудлик билан старшина Нифматовга буйруқ тайёрланг. Ҳарбий қисмга спиртли ичимлик истеъмол қилиб келгани, рота шахсий таркибини кечаси асоссиз уйғотгани учун вазифасидан озод қилинсин.

— Ну, товарищ полковник, — талмовсиради Нифматов.

— Отставит! — ўрнидан турди командир. — Вы опытный сотрудник Нифматов, но Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотларни обрўсизлантиришга, собиқ тузумдан қолган ярамас одатларни қайта жорий қилишга уринадиган ҳарбийга бизнинг армиямизда ўрин йўқ. Бўшсиз.

Турғунов хонасига қайтиб келганда, Озодбек ҳамон хаёл сурб итиради.

— Ма, ол аризангни, энди бошқа ротага ўтишинг шарт эмас.

— Тушунмадим.

— Старшинангнинг ўзи ишдан бўшатилди. Сенга жавоб.

Озодбек энди эшикнинг ёнига борганда, Турғунов яна сўради:

— Менга қара, нима учун Нифматов ҳақида шунча гап айтинг-у, кечаси ичиб келганини айтмадинг?

— Бу унинг тузатиш мумкин бўлган хатоси зди, ўртоқ подполковник, бироқ унинг аскарни одам эмас, роботга ўхшаган бир буюм сифатида қараш натижасида шаклланган дунёқарашини ўзгартириб бўлмаса керак.

Рота командири, ёш ва файратли капитан Эломон Жўраев Озодбекни сержант унвонига тавсия қилиб янгишмаган зди. Зотан у кўп ўтмай ўзи бошлиқ бўлинмани илфорлар қаторига олиб чиқди. Қисм қўмондонлиги энг масъулиятли вазифаларни кўпинча чемпион-сержантнинг бўлинмасига топширадиган бўлди.

Ноябр ойининг охирлари. Кечки овқатдан қайтган кўпчилик аскарлар уст-бошини тартибга келтиряпти. Бошқаси онасига, севган қизига хат ёзаяпти. Шунда бирдан сирена янгради.

— Жанговар тревога!

* * *

— Ҳамма келдими? — сўради Бирлашган бош штаб бошлиғи ўрнидан туаркан. — Террочиларни тор-мор қилиш бўйича ўтказиладиган маҳсус операцияга раҳбарлик қилиш генерал Насимовга топширилган. Марҳамат, ўртоқ генерал.

— Ҳозиргача түпланган тезкор маълумотлар шундан иборатки, бир гуруҳ террорчилар қўшни мамлакат билан чегарадош ҳудуд орқали Ватанимизга суқилиб кирган. Газандаларнинг қанчалиги аниқланмоқда. Лекин уларнинг уч йўналишда ҳаракат қилаётгани маълум. Террорчиларнинг биринчи гуруҳи «Берёзовая рошша»да уларни браконер деб ўйлаб тўхтатмоқчи бўлган уч нафар милиция ходимини ов мильтифидан отиб ўлдирган. Кейин уларнинг қуролларини, «Нива» машинасини олиб кетишган.

Насимов бирпас жим қолди-да, яна давом этди.

— Иккинчи гуруҳнинг қўлмиши янада даҳшатли. Улар шу атрофдаги яшайдиган икки ўсмирни ваҳшийларча чавоқлаган. Бирисининг бошини кесишган, иккинчисининг жинсий аъзоларини. Учинчи гуруҳ, разведка маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, ҳарбий техникалар ҳаракат қила олмайдиган дара ва сўқмоқлар орқали ўтиб, санаторияга ҳужум қилишни режалаштирган.

— Угам-Чотқол қўриқхонаси ҳамма томондан ўраб олинди, — деди вазир ўринбосари. — Энди қочиб қутула олмайди улар.

— Улар юқорига қараб қочиб, ўша ёқдан чегарани кесиб ўтишга уринади, — деди генерал Насимов. — Шунинг учун ҳам капитан Эломон Жўраев бошлиқ маҳсус бўлинмани вертолётлар ёрдамида «Берёзовая рошша»нинг тепасига ташлаймиз.

— Сиз айтиётган жой 4-5 чақирим баландликда, қалин қор билан қопланган бўлиши аниқ.

— Бошқа чора йўқ, орқадан қувиш наф келтирмайди, агар бугун қўлдан чиқариб юборсак, эртага бу қашқирлар янада катта куч билан келади. Уларга бошчилик қилаётган Афанасий исмли кимса бир марта қочишига улгурган. Хориждаги ҳамтовоқлари берган чойчақадан эсини еган ўша каллакесар ислом динини қабул қилиб, ҳозир Афзалхонга айланган.

* * *

Вертолёт кўздан ғойиб бўлгач, капитан Жўраев қандай позицияларни згаллаш кераклиги хусусида тегишли кўрсатмалар берди. Ўзи эса харитани яна бир бор кўздан кечиргач, қор билан қопланган дарани дурбин билан кузата бошлади.

— Қайси тешикка бекинди экан, бу исқиртлар.

— Үёққа қаранг, капитан, арчазорлар орасида нимадир қимирляяпти, — деди Озодбек унинг ёнига келиб.

— Балки бирор ҳайвондир.

— Ҳайвонлиги аниқ. Фақат у одам кўринишидаги ҳайвон бўлиши мумкин.

— Бўлмаса, сержант Эркинов, мен ўша ҳайвоннинг башарасини яқинроқ бориб кўраман. Сен «старший» бўлиб қоласан. Муллаев, Тўлабоев орқамдан.

Капитан Жўраев арчазор томонга юриб кетди. Бироздан кейин ўқ овози эшитилди. Панада кузатиб турган экан газандалар.

— Ўртоқ сержант, — деди Муллаев рация орқали.

— Эшитаман.

— Ўқ капитаннинг сонига тегибди. Юра олмайди. Кўп қон оқаяпти.

— Яхшилаб боғланглар-да, хавфсиз жойга олиб ўтинглар.

— Хўп бўлади.

Озодбек бўлинмаси билан айланиб ўтди. Автоматини ерга қўя туриб, шерикларига бармоқ ҳаракатлари билан ниманидир тушиунтируди. Сўнг оҳиста бориб пойлокчилик қилаётган террорчи-снайперни чунонам кучли зарб билан тепди-ки, у овоз чиқаришга ҳам ултурмади. Қолган аскарлар арчазор панасида писиб ётганларга ён томондан зарба берди. Бутун дарани ўқ овози тутиб кетди. Бироздан кейин эса сукунат бошланди.

— Ер тишлади, шекилли, кузгуналар. — деб битта аскар энди ўрнидан турганди... ҳамма жойи қип-қизил қон бўлди.

Озодбек автоматини ўқ келган томонга тариллатиб ота бошлади. Иккитаси қулади.

— Инкубатордан чиқяптими, бу аглаҳлар-а! — ўқдонни алмаштириди у.

Шу пайт елкасига совуқ нарса текканини, оний лаҳзада автомат тариллагани ва устига бир мурда йиқилганини сезди. Пичноқ билан орқадан ташланаётган террорчини Тўлабоев отиб ташлаган эди. Аммо ханжарнинг уни танага кириб ултурганди. Шундай бўлса-да, Озодбек ўлик барзангини силтаб ташлаб, ўрнидан турди.

Бу орада арчазор панасидан ўқи тугаган яна бир «ҳайвон» чиқиб, бақира бошлади. Унинг соқоли ҳам қон эди.

— Қани, от, мана мен, Афанасийман, ҳа-а, қўрқаяпсанми?

Озодбек қўли билан аскарларга ишора қилиб, «Отманглар» деди. Кўзлари косасидан чиқиб кетай деб турган Афзалхон (Афанасий)нинг ёнига боргач, уни таниди. Бу бақироқ овоз қишлоқдаги «қора шарпа»нинг овози эди. Бу ифлос башара Янгиободда

мотоциклини ташлаб қочган «деджон»нинг энди соқол ҳам қўйган афти эди.

Озодбек қуролсиз одамни отгиси келмади. Автоматини шеригига узатди. Чунки рўпарасидаги одам қиёфасидаги маҳлуқ синфдоши Фанишерни ўлимга йўллаганда бенасиб қолган улушкини олишга «шай» турганди. Бир-икки зарбадан кейин Афзалхон йиқилди. Ўзини ўлганга солиб ётди.

Озодбек нари кетиб, автоматини олганида «ўлик»нинг қонли қўли унга ёпишди.

— Қашқирнинг ўлгиси келса, чўпоннинг таёғига ёпишаркан,
— деди ю Озодбек кўзини чирт юмди, ўқлондаги жамики ўқни Афанасийнинг қорнидан пастрогига жойлаб қўйди...

Озодбек штабга ахборот берадиганда кучли бўрон турганди. Бундай шароитда вертолёт учиб кела олмасди. Бўрон тугашини кутиш зса шу ерда музга айланишдан бошқа нарсани англатмасди. Шунинг учун штабдан имконини топиб пастта тушиб учун буйруқ олинди. Ортиқча нарсалар палаткада қолдирилди. Озодбек кўп қон йўқотганидан хушсиз ётган капитанни ёлкасига олди. Яна икки аскар ҳалок бўлган сафдошини «носилка»га солиб кўтарди. Улар роса ўн соат деганда транспорт ҳаракат қилиши мумкин бўлган нуқтага тушишди. Курагидаги яраси ҳар қанча оғриқ бермасин, Озодбек Насимовнинг олдига келиб ахборот берди.

— Ўртоқ генерал, жанговар топшириқ бажарилди, бир аскар ҳалок бўлди, капитан Жўраев оғир яраланди.

Насимов кичик командирни бағрига босар экан, унинг ҳушдан кетганини сезди.

— Тез ёрдам!

* * *

Озодбек ҳарбий хизматдан келгач, икки кунгина уйда бўлди. Фахриддин акаси келиб яна Тошкентга олиб кетди. Бошқа синфдошлиари қатори саломлашганини инобатга олмаганда Шаҳло билан кўришишга улгурмади ҳисоб.

— Икки ойдан кейин жаҳон чемпионати, — деди Акром Зиёдов уни бағрига босиб сўрашгач, — тайёрмисан?

— Доим тайёрман, — деди Озодбек ҳарбийчасига қўлини пешонасига тираб.

— Фахриддин аканг билан кучайтирилган дастур бўйича шуғулланасизлар. Биринчи галда, жисмоний тайёргарликни оши-

ришга эътибор қаратасизлар, кейин тактик усуллар ва руҳий тай-ёрғарлик бўйича биргаликда ишлаймиз.

— Ҳаммаси тушунарли устоз, бироқ захирадаги аскар қаерда яшайди?

Озодбекнинг саволни бу тарзда қўйиши ҳарбий хизмат вақтида унинг тез фикрлаш, вазиятни баҳолаш қобилияти янада ривожланганидан далолат эди. Бу нарса Акром Зиёдовни хурсанд қилди.

— Менга қара, аскар, сен командирнинг буйруқларини сўзсиз бажаришингиз керак, шундайми?

— Худди шундай.

— Ундай бўлса сен учун ҳам, кичик командиринг учун (Фахриддинга қараб) ҳам менинг уйим икки ойга казарма вазифасини бажаради, тушунарлимни?..

Акром Зиёдов машғулотларни шунчалик тифиз ва самарали ташкил қилди, Озодбек жаҳон чемпионатидан бошқа нарса ҳақида хаёл суришга ҳам вақт топмади.

* * *

Муҳташам спорт аренаси. Кўпілаб мамлакатларнинг мана-ман деган спортчилари, мураббий ва мутасаддилари, минглаб томошибиллар билан лиқ тўлган залда финал беллашуви. Бир томонда Озодбек. Унинг рақиби эса мезбонлар вакили. Бугун зал уни қўллаб-қувватляяпти. Бу ҳол Озодбекни эсанкиратиб қўйди ва бирин-кетин кучли зарбаларни ўтказиб юбора бошлади. Ана шундай зарбаларнинг бирида унинг белбоги ҳам ечилиб кетди. Ҳакам баҳсни тўхтатиб, Озодбекка белбогини тақиб олишга ишора қилди.

Белбогини маҳкам боғлар экан, дадасининг гаплари кўз олдидан ўта бошлади. Яраттанинг ўзи белига қувват, билагига қудрат берди. Бир-икки алдамчи ҳаракатлардан кейин сёгини ҳаволатиб рақибини чунонам тепдики, у Озодбекнинг ўзи қўлидан тортмагунча ўрнидан туролмади.

Ўзбекистон мадҳияси янграмоқда. Шуҳрат шоҳсупасининг юқори поғонасида ўнг қўлини кўксига қўйган Озодбек мағрур турибди. Унинг боши узра Ватанимизнинг ўн икки юлдузли байроғи баланд кўтарилмоқда.

Ҳайқириқлар қуршовида қолган Озодбек юраги тез-тез ураётганини, томоғи тўлиб, киприти жиндек намланганини сезиб турарди...

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Сеул-Тошкент йўналиши бўйича утувчи самолёти бир неча дақиқадан кейин Тошкент халқаро аэропортига қўнади, — борт радиосидан стюардессанинг майин ёқимли овози эшитилди.

Музаффар ўғлонни аэропортда «Озодбек Эркинов — жаҳон чемпиони!» деб ёзилган транспорантлар кўтарган ёш спортчилар, синфдошларини жамулжам қилиб, «Озодбек Эркинов — Ўзбекистон! ЎЗБЕКИСТОН!» деб бақираётган Фулом маҳмадона, ота-онаси, гул кўтарган ука-сингил, журналистлар, карнай-сурнайчилар, хуллас, ҳамма-ҳамма кутиб олди.

Лекин улар орасида Озодбек учун қадрдан бўлган икки киши йўқ. Бири Абдулла муаллим, иккинчиси Шаҳло.

Иффатли қиз севгилисини кутиб олиш учун Тошкентга боришига дадасидан рухсат сўрагани уялган бўлса, биринчи устози шогирд келгунча ваъдасининг устидан чиқиши билан банд эди.

Озодбек қишлоққа кириб келар экан, узоқдан катта паннога кўзи тушди. Унда Озодбекнинг улкан сурати ёнига «Жаҳон чемпионининг қишлоғига хуш келибсиз!» деб ёзилганди.

Панно олдида Абдулла муаллим билан бирга Парпи коммерсантнинг керилиб турганидан, ишни бир суткада битириш учун унинг «спонсор»лик қўлганини англаш мушкул эмасди.

— Олимпиадага мен ҳам сен билан бирга бораман, — деди Парпи коммерсант Озодбекни даст кўтарар экан, — хўпми чемпион, соққа бўлса бор...

МУНДАРИЖА

Бир сурат тарихи ёхуд кўнгилга кўчган табассум	3
Спортчи маънавияти ва таэквондо фалсафаси	7
Ўзбекистонинг умид ниҳоллари	36
Талабалар универсиада: Намангандан Самарқандгача	40
Қутлуғ карвон қўнғироқлари	44
Жак Рогге: «Ўзбекистон кучли давлат...»	52
Белида белбоғи бор	58

Адабий – бадиий нашир

Озод РАЖАБОВ

БЕЛИДА БЕЛБОГИ БОР

Муҳаррир *Абдували Қутбиддин*
Бадиий муҳаррир *Баҳриддин Бозоров*
Тех. муҳаррир *Елена Демченко*
Мусаҳдиқ *Наргиза Минаҳмедова*
Саҳифаловчи *Нодир Раҳимов*

ИБ № 4132

Босишга 7.01.2006 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма тобоги 2,0+0,375 вкл. Шартли босма
тобоги 5,04 + 0,63 вкл. Алади 1000 нусха.
Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 3.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.